


Ўзбекистон Республикаси  
олий ва ўрта махсус та лим вазирлиги  
**Наманган мухандислик-педагогика институти**  
**Машинасозлик технологияси кафедраси**

**А.Ботиров**

# **МЕХАНИК ЙИҒУВ ЦЕХЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ**

5520600- Машинасозлик технологияси, жиҳозлари ва машинасозлик ишлаб чиқаришларини автоматлаштириш таълим йўналишлари талабалари учун



**Наманган**

Мазкур маъruzалар матнида механика-йигув цехларини лойиҳалашда кўриладиган масалалар, цехни режалаштиришда бажариладиган ҳисоб-китоб ишлари, жиҳозларни ва иш жойларини, цехга хизмат кўрсатувчи хоналарни режалаштириш, цехнинг транспорт, омбор, техник хизмат кўрсатиш ва қириндиларни қайта ишлаш тизимларини лойиҳалаш масалалари ёритиб берилган.

Тузувчилар:  
федраси

«Машинасозлик технологияси» кафеденти А.Ботиров

Такризчилар

доцент А. Омиров

Маъruzалар матни Наманган мухандислик –педагогика институти илмий-методик кенгashiда куриб чикиб мухокама килинган ва укув жараёнида фойдаланишга тавсия этилган. (Баён № \_\_\_\_ «\_\_» \_\_\_\_\_ 20 йил).

Маъузалар матни «Машинасозлик технологияси» кафедраси-нинг йигилишида куриб чикиб мухокама килинган ва чоп этишга тавсия этилган.  
(Баён № \_\_\_\_ «\_\_» \_\_\_\_\_ 20 йил).

*Юксак малакали мутахассислар  
тараққиёт омили»  
И. А. Каримов*

## КИРИШ

Мамлакатимиз иқтисодини ривожлантириш турли соҳаларга замонавий техника ва технологияларни тадбиқ этиш орқали амалга оширилмоқда. Ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларига янги техникани етказиб берадиган машинасозлик мамлакатнинг техник жиҳатдан ривожланишини белгилайди, шунинг учун ушбу соҳага Ватан равнаки, Юорт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, милатлараро ҳамжихатлиқ, ижтимоий ҳамкорлик тушунчаларига эга бўлган, меҳр-мурувватли, адолатли, вижданли, иродали, ватанпарвар, тадбиркор ва ташаббускор етук мутахассисларни тайёрлаш долзарб масаладир.

Мамлакатимиздаги замонавий «Ўз Деу Авто» ва «Сам Koch Авто» каби машинасозлик корхоналари фан ва техниканинг энг илғор ютуқлари асосида лойиҳаланган бўлиб, бундай лойиҳаларни бажарадиган мутахассисларни тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида» ги қонунида белгиланган таълимнинг узлуксизлигидан келиб чиқсан холда олий таълимнинг бакалавриатура босқичида 5520600-Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқарышлари жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш таълим йўналишлари бўйича «Механика-йиғув цехларини лойиҳалаш» фанида ҳамда магистратура босқичида 5A520601-Машинасозлик технологияси мутахассислиги бўйича «Машинасозлик цехлари ва корхоналарини лойиҳалаш» фанида босқичма-босқич амалга оширилади.

Талабалар олий таълимнинг бакалавриатура босқичида механика-йиғув цехларини лойиҳалашда кўриладиган асосий масалалар, цехни режалаштиришда бажариладиган ҳисоб-китоб ишлари, жиҳозлар ва иш жойларини режалаштириш, цехнинг транспорт тизимини, цехга хизмат кўрсатувчи хоналарни, омбор тизимини лойиҳалаш ҳамда техник хизмат кўрсатиш ва қириндиларни қайта ишлаш тизимларини лойиҳалаш масалалари билан шуғулланишади, шу билан бирга цехнинг санитар-гигиеник шартлари, меҳнат маданияти тўғрисида маълумотлар олишади, магистратурада эса замонавий машинасозлик корхоналарини ва цехларини лойиҳалаш, уларни такомиллаштириш бўйича илмий йўналишдаги билим ва кўнкимларга эга бўлишади.

Мазкур маърузалар матни механика-йиғув цехларини лойиҳалашда кўриладиган асосий масалалар, цехни режалаштиришда бажариладиган ҳисоб-китоб ишлари, жиҳозларни ва иш жойларини режалаштириш, цехнинг транспорт тизимини, цехга хизмат кўрсатувчи хоналарни, омбор тизимини лойиҳалаш ҳамда техник хизмат кўрсатиш, қириндиларни қайта ишлаш тизимини лойиҳалаш масалалари ёритиб берилган.

Ма руз матни материаллари муаллифлар томонидан олий ўқув юртларида кўп йиллардан бўён ўқиб келинаётган маъруза курсларини қамраб олган. Шунингдек Фаргона политехника институти «Машинасозлик технологияси» кафедраси профессор-ўқитувчиларининг тажрибаларидан ҳам фойдаланилган.

Маърузалар матнидан олий ўқув юртларининг 5520600-Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқарышлари жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш, 5520700- Технологик машиналар ва жиҳозлар ҳамда касб-хунар коллежларининг 010001-Металларга ишлов бериш таълим йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин.

# **1 БОБ. МАШИНАСОЗЛИК КОРХОНАЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Асосий масалалар**

Машинасозлик корхонаси мураккаб тузилма бўлиб, унинг иш фаолияти ишлаб чиқрилаётган маҳсулот конструкциясининг мураккаблиги ва хилма хиллиги, ушбу маҳсулотни тайёрлаш учун технологик жараённинг тавсифи ҳамда маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқдир.

Корхонани лойиҳалаш билан бир қаторда иқтисодий, техник ва ташкилий масалалар ҳам ишлаб чиқиласди. Ушбу масалалар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, ҳар бир техник ечим иқтисодий жиҳатдан асосланган ҳолда, аниқ бир ташкилий шаклда амалга оширилиши керак.

**Иқтисодий масалаларга** қўйидагилар киради: ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар номенклатураси, уларнинг сони, оғирлиги, бир дона маҳсулотнинг ва умумий маҳсулотларнинг нархи кўрсатилган ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмини аниқлаш; бўлғуси корхона қайси жойдан хомашё, материаллар, ярим фабрикатлар, ёнилғи, электр энергияси, сув ва газ билан таъминланиши; корхонани энг қулав географик нуқтада жойлаштиришни аниқлаш ва танлаш; асосий ва айланма ҳаражатларнинг ҳажмини аниқлаш ҳамда маҳсулот таннархи ва ҳаражатлар самарасини аниқлаш; корхонанинг иқтисодий таъминоти ва ишлаб чиқаришни кооперациялаш (*кооперация* - маҳсуслашган корхоналар томонидан агрегатлар, узеллар, турли қурилмалар ва маҳсулот қисмлари билан таъминлаб бериш, айрим холатларда уларни заготовкалар (куйма, штамповка, поковка) билан таъминлашдир) масалаларини хал қилиш; ишлаб чиқариш режасини тузиш; турар жой ва социал-маданий қурилишларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва х.к.

**Техник масалаларга** қўйидагилар киради: хом-ашё ва ярим фабрикатларга ишлов бериш технологик жараённи лойиҳалаш; зарур иш вақти фонди ва ишчи кучи сонини аниқлаш; асосий ишлаб чиқариш ва ёрдамчи жиҳозлар сонини аниқлаш; корхона учун зарур бўладиган хом-ашё, материаллар, ёнилғи ҳажмини аниқлаш ҳамда барча турдаги энергия (электр энергияси, газ, буғ, қисилган ҳаво ва бошқалар) билан таъминлаш усули ва уларнинг ҳажмини аниқлаш; транспорт, ёритиш, иситиш, вентиляция, сув билан таъминлаш, канализация масалаларини ишлаб чиқиш; керакли майдонни ҳисоблаш, цехларнинг ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш биноларини режалаштириш ва уларга корхона ичida хизмат кўрсатувчи йўлларни режалаштириш; корхонанинг бош режасини ишлаб чиқиш; цехларни ички режалаштириш-бўлимлар, жиҳозлар ва ёрдамчи қурилмаларни жойлаштириш; бинолар тури, шакли ва ўлчамларини аниқлаш; уларнинг конструкциясини ва барча қурилиш қисмини ишлаб чиқиш; техника ва ёнғин хавфсизликлари бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш масалалари.

**Ташкилий масалаларга** корхонанинг, унинг цехлари ва бўлимларининг бошқарув структурасини ишлаб чиқиш; бўлимлар ва техник бошқарув ходимлар орасида функцияларни тақсимлаш ва ўзаро алоқани белгилаш; бошқарув, техник ва иқтисодий хўжалик бўлимларни бошқариш; меҳнатни ва иш жойларини рационал ташкил қилиш; буюртма, хужжатлар, ҳисбот тузиш, цехлар ва бутун корхонани назорат қилиш тартибини ишлаб чиқиш; кадрларни тайёрлаш, ишчиларга хизмат кўрсатиш ва қулав шароитда ишни ташкил қилиш масалалари киради.

## **1.2. Лойиҳалаш учун топшириқ**

Саноат корхонасини лойиҳалашга киришиш учун тўлиқ ишланган топшириқ бўлиши керак.

Корхонани лойиҳалаш учун *топшириқ* иқтисодни келажакда ривожланиш режаси асосида тузилади. Ушбу топшириқда юқоридагиларга асосан техник-иқтисодий далиллар ва бўлғуси корхонани қуриш ёки реконструкциялашни мақсадга мувофиқлиги ҳисобга олинади.

Машинасозлик корхонасини қуриш учун топшириқда қўйидаги масалалар ёритилган бўлиши керак:

1. Корхона қуриш учун асос, яъни тегишли ташкилот қарори.
2. Корхона қуриш учун танланган туман ва жой.
3. Маҳсулот тавсифи ва бўлғуси корхонанинг асосий маҳсулотлар бўйича (натурал ва баҳоли холатда) ишлаб чиқариш қуввати.
4. Ишлаб чиқариши хом-ашё, ёнилғи, газ, электр энергияси ва сув билан таъминлайдиган асосий жойлар.
5. Корхонани маҳсуслаштириш, ишлаб чиқариш ва хўжалик кооперацияси.
6. Тайёр маҳсулот билан таъминланадиган зоналар.
7. Корхона биноларини ва қурилмаларини келажакда кенгайтириш масалалари.
8. Қурилиш муддати ва корхонанинг алоҳида қисмларини ишга тушириш навбати ва муддати.
9. Капитал ҳаражатларнинг таъминот ҳажми, маҳсулотнинг таннархи, меҳнат унумдорлиги.

Бундан ташқари лойиҳалаш учун топшириқка шаҳар худудида корхона қуриш учун участкани қурилиш паспорти билан архитектура-режа топшириғи ҳам илова қилинади.

Архитектура-режа топшириғи ўз ичига қурилишга қўйиладиган талаблар, қаватлар сони, бинонинг кўча тарафга чиқадиган қисмини кўркам лойиҳалаш ва шаҳар муҳандислик қурилмаларига боғланиш жойларини олади.

Лойиҳалаш учун *топшириқ*да бўлғуси қуриладиган корхонанинг техник-иктисодий томондан асослаш керак, яъни, қурилиш учун танланган худуд ва майдон, лойиҳаланувчи корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ва унинг маҳсулотлари номенклатураси, хом-ашё, яrim фабрикатлар, электр энергияси, сув, ёнилғи, газ, қурилиш материаллари ва маҳсулотлари билан таъминлаш усули ва жойлар.

Топшириқда кўрсатилган *ишлаб чиқарии* дастурида қўйидаги маълумотлар бўлиши керак: тайёрланадиган маҳсулотлар номенклатураси, уларнинг ўлчами, тури ва маркаси; ҳар бир маҳсулот сони, ўлчами (йил давоми учун); бир маҳсулот оғирлиги ва бир йилда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг оғирлиги; бир маҳсулот ҳажмининг кутилаётган таннархи; ишлаб чиқарилувчи маҳсулотнинг керакли қисмлари рўйхати ва сони. Ушбу барча маълумотлар қайдномада кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш дастурига қўйидагилар илова қилинади:

- деталларнинг ишчи чизмалари;
- узеллар ва маҳсулотнинг йиғма чизмаси;
- маҳсулотнинг умумий қўринишдаги чизмаси;
- деталлар спецификаси;
- конструкция баёни, расмлари;
- тайёрлаш ва топшириш учун техник шартлар.

Деталга ишлов бериш технологик жараёнини лойиҳалаш учун ишчи чизмада қўйидагилар маълумотлар кўрсатилади: заготовка тури ва материал маркаси; ишлов берила-диган сирт; ишлов берилган сиртнинг тозалик синфи; ишлов бериш допуски; термик ишлов бериш тури ва материал қаттиқлиги; антикоррозия қоплама тури.

### **1.3. Лойиҳалаш босқичлари**

Саноат корхонаси, бинолари ва қурилмаларини лойиҳалаш икки босқичда бажарилади. Лойиҳалашнинг биринчи босқичи – лойиҳа топширигини ишлаб чиқиш, иккинчи босқич – тасдиқланган лойиҳа топшириғи асосида ишчи чизмаларни ишлаб чиқиш.

Саноат корхонаси, бинолари ёки иншоотларининг *войиҳа топширигини* тегишли ташкилотлар томонидан *тасдиқланган* лойиҳалаш учун топшириқ ва керакли материаллар ҳамда хужжатлар асосида ишлаб чиқилади. Бунда лойиҳаланаётган объектни қуриш ва ундан фойдаланишда жамоатчилик меҳнатидан, материал ва молиявий воситалардан самарали фойдаланиш имкониятлари каби асосий ечимлар белгилаб олинади ҳамда қурилишни бажаришнинг белгиланган муддатлари аниқланади.

Молиявий-смета хисобларини ўз ичига олган лойиҳа топшириғи тасдиқланганидан сўнг, у қурилиши, асосий жиҳозларга буюртма беришни ва ишчи чизмаларни ишлаб

чиқиши молиялаш учун асос бўлади. Шу билан бирга бўлғуси корхона ишчи ходимлари учун уй-жой қуриш мақсадида худуд танланади.

Индивидуал лойиҳа бўйича саноат корхонасини қуриш учун лойиҳа топшириғи қуийдаги қисмлардан иборат бўлади:

- техник-иктисодий қисм;
- бош режа ва транспорт;
- технологик қисм;
- қурилиш қисми;
- қурилишни ташкил қилиш;
- смета хужжатлари.

Энергетика масалалари бўйича лойиҳа материаллари технологик қисм таркибида, сув билан таъминлаш, канализация, иситиш ва вентиляция масалалари эса қурилиш қисми таркибида кўрилади.

Юкоридаги лойиҳа топшириғи қисмларининг таркиби қуийдагича бўлади:

**Техник – иқтисодий қисм:** корхонани қуриш учун танланган жойни, ишлаб чиқариш қуввати, дастури ва корхона таркибини асослаш; корхонани асосий материал ресурслари бўйича таъминлаш усули ва та минловчилар ҳақида маълумот; корхонани хом ашё, ёқилғи ва энергетик базалари тавсифи; асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришларни маҳсуслаштириш ва кооперация масалаларини асослаш; меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси; туарар жой учун қуриладиган бинолар ҳақида маълумотлар; корхонанинг асосий воситалари ва капитал сарф харажатлар тахлили; асосий, техник – иқтисодий кўрсатгичлар; қурилишни иқтисодий самарадорлигининг тахлили.

**Бош режса ва транспорт:** қурилиш ишларини бажариш учун танланган худуднинг холат режаси, қурилиш ишлари олиб бориладиган майдоннинг тавсифи; мавжуд, лойиҳала наётган, реконструкция қилинаётган ва бузилиши керак бўлган бино ва иншоотлар, транспорт йўллари ва коммуникация, кўрсатилган корхонанинг бош режаси ҳамда бош режа асосида корхонанинг техник-иктисодий кўрсаткичлари.

**Технологик қисм:**

**Корхона бўйича:** ишлаб чиқариладиган маҳсулот номенклатураси ва тавсифи, ишлаб чиқариш дастури, корхонанинг ишлаб чиқариш таркиби, ишлаб чиқариш схемаси; техник ечимларни, янги технологик жараённи асослаш ва тавсифи, уларнинг таққослаш; асосий материаллар, ёқилғи, электренергиясига бўлган эҳтиёжи ҳамда маълумотлар; электроенергияси, иссиқлик, газ, қисилган ҳаво ва энергияни бошқа турлари билан таъминлаш ҳақидаги қабул қилинган ечимлар, кадрларга бўлган эҳтиёж ҳамда қўлланилган анъанавий лойиҳала рининг рўйхати ва паспорти.

**Асосий ишлаб чиқариши цехлари бўйича:** ишлаб чиқариш дастури, цехларнинг иш режими, асосий жихозлар ва транспорт қурилмаларини танлаш ҳамда уларнинг зарур бўлган сони ҳисоби; ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш; ишлаб чиқариш жа раёнларининг иш ҳажми; электр энергиясига бўлган эҳтиёж, электр энергияси билан таъминланиш схемаси; асосий жихозларни кўрсатилган ҳолда цех ва асосий участкаларнинг режали жойлашиши; яримфабрикат, асосий материаллар, ёқилғи, сувга бўлган эҳтиёж; цехда ишловчилар таркиби ва цехнинг техник-иктисодий кўрсаткичлари.

**Қурилиш қисми:** асосий бино ва қурилмаларнинг схемали режаси, уларнинг қисқача тавсифи; корхонада ишловчиларга майний хизмат кўрсатиш бўйича қабул қилинган ечимлар баёни; сув ва оқава сувларга бўлган эҳтиёж ҳисоби; оқава сувларни ташлаш жойлари ва уларни тозалаш усуллари; сув билан таъминлаш, канализация ва асосий қурилмаларнинг схемаси; иситиш учун зарур бўлган иссиқлик ва энергия харажати.

**Санитар-техник ва ишлаб чиқаришини сув билан таъминлаш қисмida** сув билан таъминлаш манбааларининг мавжудлиги, ишлаб чиқариш канализацияси, цех ичидаги санитар-техник қурилмалар ҳамда бошқа иншоот ва қурилмаларнинг мавжудлиги кўрсатилади.

**Энергетика қисмida** қуийдаги кўрсаткичлар, яъни электр энергияси ва иссиқлик билан таъминлаш, иссиқлик ва буғ манбаалари, қисилган ҳаво ва газ билан таъминлаш, цехнинг ичидаги ишлаб чиқариш қувурлари, синов шохобчаларининг энергетик технологик кўрсаткичлари ва бошқалар кўрсатилади.

Юқоридаги күрсаткычларнинг барчаси жамланади ва тахлил қилинади ҳамда янги ишлаб чиқариш тизимиини яратиш учун техник-иктисодий жиҳатдан асосланади. Қабул қилинган техник-иктисодий асосдаги техник ечим ривожланиш йўналишларининг келажаги борлиги куйидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак: янги техникани, прогрессив тежамкор технологияларни, юқори автоматлашган дастгоҳларни, ЭҲМ ни тадбик қилиниши ҳамда уларни дастурлар билан таъминлаш. Янги ташкил қилинган ишлаб чиқариш тизими ўзининг техник-иктисодий күрсаткычлари билан хориждаги энг яхши намуналаридан устун бўлиши керак. Лойиҳалашдан олдин тўпланган барча бошланғич маълумотлар лойиҳалаш учун топширикнинг асоси қилиб олинади. Лойиҳалаш учун топширикни лойиҳанинг буюртмачи-си лойиҳаловчи ташкилот билан биргаликда ишлаб чиқади. Лойиҳалаш учун топширикни ишлаб чиқиш техник-иктисодий асосланган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда бажарилиши зарур.

Лойиҳалаш учун топшириқда янги цехни қуриш учун майдонни танлашни асослаш келтирилади ва корхонани бош режасидаги жойлашиш ўрнининг майдони ҳақидаги маълумотлар келтирилади. Ушбу маълумотларда майдончанинг шароити, рел ефи, ўлчамлари тўғрисида ва бошқа керакли маълумотлар бўлади. Бундан ташқари маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмини натурал ёки баҳо кўринишда берилади. Оқим бўйича бўлмаган ишлаб чиқариш учун маҳсулот ишлаб чиқариш дастури келтирилиши мумкин. Топшириқда, яъни цехда қандай заготовка, ярим фабрикатлар тайёрлаш, маҳсулотларни бошқа корхоналардан олиш ва қандай маҳсулотни юборилиши ҳамда ишлаб чиқаришни ишлаш мароми кўрсатилади.

Бундан ташқари топшириқда ишлаб чиқаришнинг иш режими ҳамда тасдиқланган меъёрлар бўйича дастгоҳларнинг йиллик ишлаш самарали вақт фонди, иш ўринлари ва ишчилар сони кўрсатилади. Механика-йиғув ишлаб чиқариши жиҳозларининг йиллик ишлаш самарали вақт фонди 1.1-жадвалда келтирилган.

### 1.1-жадвал

#### Жиҳозларнинг йиллик ишлаш самарали (ҳисобий) вақт фонди, соатда

Жиҳозлар	Ишлаш режими		
	бир сменали	икки сменали	уч сменали
<i>Металл кесувчи жиҳозлар</i>			
Металл кесувчи дастгоҳлар, оғирлиги бўйича:			
10 тоннагача	2040	4060	6060
10-100 тоннагача	2000	3985	5945
Дастур билан бошқариладиган (ДБ) металл кесувчи дастгоҳлар, оғирлиги бўйича:			
10 тоннагача	-	3890	5775
10-100 тоннагача	-	3810	5650
Агрегат дастгоҳлар	-	4015	5990
Автоматик линиялар	-	3725	5465
Мосланувчан ишлаб чиқариш модуллари, роботлаштирилган технологик комплекслар, оғирлиги бўйича:			
10 тоннагача	-	-	5970 (7970)
10-100 тоннагача	-	-	5710 (7620)
<i>Йиғув цехларининг жиҳозлари</i>			

Йиғиш ўринлари	2070	4140	6210
Механизациялашган мосламали иш жойлари	2050	4080	6085
Автомалашган ва ярим автоматлашган йиғув жиҳозлари	2000	3975	5930
Синов натижаларини автоматик равища қайд қилувчи мосламали синаш стендлари	2010	3975	5960
Автоматик йиғув линиялари	-	3725	5465
Синаш стендлари	2020	4015	5990

\*Қавсларда жиҳозларнинг дам олиш ва байрам кунларида ишлаш вақти кўрсатилган

1.2- жадвалда эса ишчиларнинг йиллик ишлаш самарали вақт фонди келтирилган. Вақтнинг самарали йиллик фонди номинал вақт фонди билан йўқотилиши мумкин бўлган вақт орасидаги фарққа тенгдир. Йўқотилган вақт дастгоҳларнинг бекор ва яроқсиз ҳолда туриб қолиши ва режали таъмирлашга кетган вақтлардан келиб чиқади.

### 1.2-жадвал

#### Ишчиларнинг йиллик ишлаш самарали вақт фонди

Давомийлиги		Ишчиларнинг йиллик самарали вақт фонди, соатда
иш ҳафтаси, соат	асосий таътил, кунларда	
41	15	1860
41	18	1840
41	24	1820
36	24	1820
36	36	1520

Лойиҳалаш учун топшириқда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндиларни утилизация қилиш бўйича ҳам талаблар қўйилади. Машинасозлик жадал ривожланаётган ҳозирги даврда ушбу масалага катта эътибор берилиши зарур. Шу билан бирга бўлим ва цехлардаги ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштирилган бошқариш тизими (ИЧЖАБТ) ни яратиш зарурлиги аввалдан кўрсатилади, яъни бошқаришни ташкил қилишни янги, юқори турини ўзида мужассамлаштиради. Ушбу ахборотларни қайта ишлаш ва узатиш, йиғишни автоматлаштирилган, замонавий воситаларини кўллаш асосида амалга оширилади. ИЧЖАБТ нинг моҳияти ишлаб чиқариш тизимини дастур асосида бошқаришдан иборат.

Топшириқ таркибига техник-иктисодий асос (ТИА) бўйича ишлаб чиқаришни кенгайтириш таклифи билан қурилиш ёки соҳани ривожлантириш схемаси кўрсатилади; қаерда, қачон ва ниманинг ҳисобидан ушбу кенгайтириш кўзда тутилганлиги ва унинг кўламиининг максимал қиймати кўрсатилади. Қурилишнинг амалдаги мебўрлари асосида белгиланган муддати, уни тадбиқ қилиш таркиби ва комплексларни ишга тушириш кетма-кетлиги кўрсатилади. Булардан ташқари топшириқда оптимал ечимни танлаш учун лойиҳа ёки унинг қисмларининг вариантларини яратиш учун талаблар кўрсатилади. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, таклиф қилинаётган вариантларнинг кўплиги лойиҳанинг сифатини ошириш имконини беради, лекин шу билан бирга лойиҳалаш учун сарфланган маблағлар ҳам ортиб кетади. Кўп вариантли ечим хали ўзлаштирилмаган ёки жуда ҳам мураккаб ишлаб чиқариш технологиялари, мураккаб жиҳозларнинг янги турлари ёки мураккаб қурилиш ечимлари бўлган ҳолда кўлланилади.

Шу билан бирга лойиҳалаш учун топшириқда лойиҳалаш босқичлари кўрсатилган бўлим бўлиши керак. Кўпинча лойиҳалаш битта (ишчи лойиҳа) босқич ёки иккита (ложиҳа)

ва ишчи хужжатлар) босқичлардан иборат бўлади. Бир босқичли лойиҳалаш анъанавий, қайтарилувчи ёки мураккаб бўлмаган объектлар учун қўлланилади.

Лойиҳаланаётган механика-йигув цехлари амалдаги мебъёрлар, қоидалар, кўрсатмалар ва стандартлар бўйича лойиҳаланиб, шундан кейин ишлаб чиқилган лойиҳа экспертиза қилинади.

#### 1.4. Корхона қуриш учун жой танлаш

Саноат корхонасини қуриш учун худуд танлаш белгиланган техник-иқтисодий асослар бўйича амалга оширилади. Танланган худудда корхона учун майдон танлаб асосланади.

Худуд танлашда қўйидаги асосий омилларга эътибор қаратилади: хом-ашёларнинг мавжудлиги ва уларгача бўлган масофа; ёнилғи билан таъминланганлиги; электр қурилмалари мавжудлиги ва шароити; транспорт йўлларининг мавжудлиги, уларнинг холати ва фойдаланиш имконияти; маҳсулот билан таъминланувчиларгача бўлган масофа; тупроқ, қурилиш материаллари, ишчи кучи билан таъминланиш даражаси; саноат худудининг турар жой худудига яқинлиги; корхона қуриш учун бўш жой ва унинг ҳолати; гидрометеорология ва иқлим шароити ва бошқалар.

Танланган худудда корхона қуриш учун майдон танланади. Майдон танлашда қўйидагиларга амал қилиш керак:

- корхона бинолари ва қурилмаларини қулай шароитда жойлаштиришни таъминлай оладиган даражада майдоннинг етарли микдордаги ўлчами ва конфигурацияси, корхонани келгусида кенгайтириш масаласига;
- энергия базаларининг яқин жойлашганига, агар худудда электростанцияси мавжуд бўлса, у ҳолда майдон имкониятини янада оширади;
- сув билан таъминланганлигига, канализация магистраллари, оқава сувлари, тўкиш жойларининг мавжудлиги;
- майдон грунтининг қониқарли хусусиятига, шуни ҳисобга олиш керакки грунтнинг ёмон холати қурилишнинг қимматлашишига олиб келади;
- майдон ва атрофдаги жойнинг қулай рел ефига, бунда майдонни текислаш ишларига кам меҳнат сарфланади;
- майдон худудига темир йўл, рел сиз транспорт йўлларини келтириш имкониятига;
- дарё сувининг кўтарилиши натижасида майдоннинг сув остида қолиш хавфининг ва ер ости сувларининг йўқлигига;
- майдоннинг қониқарли санитар-гиgienик ҳолатига (атрофида ботқоқ, ифлосланган жой ва ахлатхонанинг йўқлигиги);
- аҳоли яшаш жойига яқинлигига, яъни корхона учун ишчи кучининг жалб қилинishi;
- саноат корхонасининг яқинлигига, бунда корхонанинг электр энергияси, иссиқлик, газ, буғ, сув билан таъминлаш ҳамда канализация ва тозалаш иншоотлари, корхона қурилмалари, аҳоли яшаш жойларини биргаликда қуриш имконияти бўлади.

Корхона қуриш учун майдон танлашда корхона ва аҳоли яшаш жойи орасида санитар ҳимоя зonasи бўлишини эътиборга олиш зарур.

#### Синов саволлари

1. Йиғма чизма ва маҳсулотнинг умумий кўринишида қандай маълумотлар кўрсатилади?
2. Деталлар спецификациясида қандай маълумотлар кўрсатилади?
3. Конструкция баёнида нималарни ёритилиши керак?
4. Ҳозирги замон самарали ишлаб чиқаришини яратиш учун нималар талаб қилинади?
5. Лойиҳалашдан олдин қайси босқичлардан ўтилади?
6. Текширишнинг асосий мақсади нима?

7. Ишлаб чиқаришни реконструкция қилишдан олдин тадқиқот қилиш қисмлари нималардан иборат бўлади?
8. Янги ишлаб чиқаришни лойиҳалашдаги асосий тошириқларни кўрсатинг.
9. Ҳозир ишлаб турган ишлаб чиқаришни реконструкциялашнинг лойиҳалашдаги вазифаларини белгилаб беринг.
10. Механика-йиғув ишлаб чиқаришини лойиҳалашда қандай асосий қисмлар мавжуд?
11. Топшириқ таркибига нималар киради?
12. Топшириққа қандай талаблар кўйилади?
13. Техник - иқтисодий асослаш қандай ишлаб чиқилади?
14. Санитар ҳимоя зонасини қайси мақсадда ташкил этилади?
15. Санитар ҳимоя зонаси нима?

## **2. БОБ. МАШИНАСОЗЛИК КОРХОНАСИ ТАРКИБИ**

### **2.1. Корхона таркиби**

Барча цехлар ва курилмаларни ўз ичига олувчи замонавий машинасозлик корхоналарининг вазифаси ва тавсифи бўйича уларни бир неча гурухга бўлиш мумкин. Корхона таркиби унинг ишлаб чиқараётган маҳсулоти ҳажми, технологик жараён тавсифи, маҳсулот сифатига қўйилган талаб ва бошқа ишлаб чиқариш омилларига асосан аниқланади.

Лойиҳаланаётган корхона кооперация тартибида қўймаларни четдан, яъни бошқа корхонадан олса, у ҳолда унинг таркибида қуйиш цехи бўлмайди. Масалан, айрим дастгоҳсозлик корхоналари қўймаларни маҳсуслашган корхоналардан олади.

Агар лойиҳаланаётган корхонада йирик болғаланган заготовкалар тайёрлаш кўзда тутилган бўлиб, йирик болғаланган заготовкаларни бошқа корхонадан олиб келинса, у ҳолда темирчилик цехи фақат майда деталлар учун, яъни таъмирлаш ишлари учун лойиҳаланади.

Кўпчилик холларда корхоналар таркибида қуйиш, темирчилик, штамплаш цехлари ва маҳкамлаш маҳсулотлари тайёрловчи (болт, гайка, шпил ка, шайба, зирх) цехлар бўлмайди. Ушбу маҳсулотлар кооперация тартибида етказиб берилади. Ундан ташқари оммавий ишлаб чиқариш корхоналари кўпчилик узел ва агрегатларни ҳам тайёр ҳолда кооперация тартибида олади. Масалан, трактор ишлаб чиқариш корхоналари тайёр двигателлар ва агрегатларни бошқа корхонадан олади.

Таркиби ва ишлаб чиқариш цикли босқичига қараб машинасозлик корхоналари қўйидаги **3 турга** бўлинади.

**Биринчи турга** – тўлиқ ишлаб чиқариш циклига эга бўлган, машинани тайёрлашнинг барча босқичларини ўз ичига олган корхоналар киради. Бундай корхоналарда барча асосий гурухдаги цехлар, яъни тайёрлов, ишлов берувчи ва йиғув цехлари мавжуд бўлади.

**Иккинчи турга** - машиналарни ишлаб чиқариш учун фақат заготовкалар тайёрлайдиган корхоналар киради, яъни қўйма, болғаланган заготовка, штамповкалар билан бошқа корхоналарни таъминлайди. Бундай корхоналарнинг йирик қуйиш ва темирчилик цехлари корхонанинг асосий цехлари бўлиб ҳисобланади. Бу корхоналарда тайёрланган заготовкаларага қисман механик ишлов ҳам берилади, яъни нуқсонни аниқлаш учун сиртлар тозаланади.

**Учинчи турга** - бошқа корхоналардан олинган заготовкаларга механик ишлов бериш ва маҳсулотни йиғиш ҳамда бошқа корхоналарда олинган тайёр детал ва узелларни йиғиш корхоналари киради. Биринчи ҳолатда корхона таркиби асосий ишлов берувчи ва йиғув цехлари, иккинчи ҳолатда эса фақат йиғув цехлари мавжуд холос.

Умуман олганда корхона таркибида қўйидаги цех гурухлари: тайёрлов цехлари, ишлов берувчи ва йиғув цехлари, ёрдамчи цехлар, омбор, энергетика, транспорт, санитар-техник ва умумкорхона қурилмалари гурухи мавжуд бўлади.

2.1-расмда мисол тариқасида машинасозлик корхонасининг бош режаси келтирилган.

### **2.2. Тайёрлов цехлари гурухи**

**Тайёрлов цехлари гурухига** - чўян қуйиш, пўлат қуйиш, рангли металлар қуйиш, темирчилик-пресслаш, темирчилик, темирчилик-штамплаш ва тайёрлов цехлари киради.

**Чўян қуйиш цехи** - қўйидаги бўлимлардан иборат: кум тайёрлаш (шакллаш қуми) бўлими; стержен шакл тайёрлаш, қуритиш, вагранка, қуйиш, термик бўлимлар; қўймаларни тозалаш, кесиш, пуркаш хонаси; қўйма шакллаш, материал ва ёқилғи омборлари; бундан ташқари цех таркибига цех идораси ва майший хоналар (гардероб, ювениш, душ ва ҳоказо) киради. Ушбу бўлимлар барча цехларда мавжуддир. Бундан ташқари чўян қуйиш цехлари иккига, яъни қулранг чўян қуйиш цехи ва боғланувчи чўян қуйиш цехларига бўлинади.

**Пўлат қуйиш цехи** - қўйидаги бўлимлардан иборат: шакллаш, қуйиш, стержен, кум тайёрлаш; қуритиш, электросимлар ёки конвектор ва вагранка, қуидириш печи, қўймани тозалаш бўлими, қўйма ва опока омбори.

Кўпгина ўрта синфли корхоналарда пўлат қуйиш цехини чўян қуйиш цехи билан бир бинода жойлаштирилади. Бунда ёрдамчи бинолар умумий фойдаланишда бўлади.

**Рангили метал қуиши цехи** - шакллаш, стержен, кесиш ва эритиш бўлимлари, қўйма ва опока омборларидан иборат. Агар рангили метал қуиши унча катта ҳажмда бўлмаса, у ҳолда цех чўян қуиши цехининг бўлими бўлиб ҳисобланади.

**Темирчилик, темирчилик-пресслаш ва темирчилик-штамплаш цехи** - ўз таркибида шахсий темирчилик (пресслаш) бўлимига эга бўлиб, бу ерда болғалаш ва пресслаш (болға, пресс, печлар ва х.к.) жиҳозлари ўрнатилган бўлиб, ушбу цехда темирчилик ишлари бажарилади ҳамда термик ва тайёрлов бўлимлари, металлар омборига эга бўлади.

**Тайёрлов цехи** - сортли металлардан заготовкалар тайёrlаш учун хизмат қиласди. Бу цехнинг вазифасига корхонанинг барча механика цехлари учун сортли металларга дастлабки ишлов бериш операцияларини бажариш киради. Бу операциялар заготовкаларни кесиш, тўғрилаш, марказлаш ва дағал йўниш ишларидан иборат бўлади. Агар механика цехининг бундай заготовкаларга эҳтиёжи кўп бўлса, у ҳолда, ушбу механика цехи таркибида тайёрлов участкаси ташкил этилиб, бу участка механика цехининг металлар ва заготовкалар омбори билан биргаликда жойлаштирилади.

кўрсатилган асосий маҳсулотни ишлаб чиқаришда иштирок этадиган цехлар гурухи: механика, йиғув, металл конструкциялари, термик ишлов бериш, совуқ штамплаш, металл қопламалар ва ёғочларга ишлов бериш цехлари киради.

**Механика цехи** таркибида дастгоҳлар бўлими, материаллар ва заготовкалар омбори, назорат бўлими, оралиқ омбори, асбоблар тарқатиш омбори, кесувчи асбобларни чархлаш бўлими, қириндишларни қайта ишлаш бўлими ва бошқа ёрдамчи бўлимлар киради.

**Йиғув цехи** таркибида деталларга чилангарлик ишлови бериш (якка ва майдага ишлаб чиқариш шароитида), узелларни ва умумий йиғиши, созлаш участкалари киради. Кўпчилик холатда чилангарлик ишлови бериш учун верстаклар умумий йиғиши жойларида ҳам жойлаштирилади.

**Метал конструкциялар цехи** турли хил металл конструкцияларни тайёrlаш учун хизмат қиласди. Бу цехлар машинасозлик корхонаси таркибида, агар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тавсифи талаб эца, масалан: кўприкли кранлар, кимёвий ва совутиш жиҳозлари тайёrlашда ёки консерва маҳсулотлари тайёrlайдиган машиналар тайёrlашда ташкил этилади. Бу цехлар таркибида жиҳозлари билан (парчинловчи, пармалаш, кесиш) йиғув бўлими, пайвандлаш бўлими, металл кесиш учун тайёrлов бўлими, металларни бўлиш, тешик очиш ва металлар омбори киради.

**Термик ишлов берииш цехи** металларга термик ишлов бериш учун хизмат қиласди.

**Совуқ штамплаш цехи** листли материаллардан деталлар тайёrlаш учун хизмат қиласди.

**Бўяши цехи** тайёр деталларни ва маҳсулотларни бўяш ҳамда қуритиш камераларида уларни қуритиш учун хизмат қиласди. Бу цехларни, кўпчилик ҳолда йиғув цехи билан биргаликда, битта бинода жойлаштирилади. Оммавий ишлаб чиқариш шароитида бундай цехлар алоҳида жойлаштирилмайди, балки йиғув цехининг бўлими сифатида жойлаштирилади. Бўяш жиҳозлари технологик линия охирида ҳам жойлаштирилиши мумкин.

**Метал қопламалар цехи** деталлар сиртларини коррозиядан саклаш ва декоратив кўриниш бериш ҳамда баъзи сиртларни цементациялаш ва вақтинча ҳимоялаш учун хизмат қиласди.

## 2.4. Ёрдамчи цехлар гурухи

Ёрдамчи цехлар гурухи асосий ишлаб чиқаришда иштирок этмайди, лекин асосий ишлаб чиқаришдаги цехлар гурухига хизмат кўрсатиш функциясини бажаради.

**Асбобсозлик цехи** таркибида термик ишлов бериш бўлими, кесувчи ва ўлчов асбоблари, мосламалар, штамплар, металл моделлар, кокиллар, пресслар тайёrlаш участкалари ва омбор киради.

**Моделлар цехи** ёғоч моделлар тайёrlаш учун хизмат қиласди.

**Таъмирлаш-механика цехи** корхонанинг барча цехлари ва бўлимларидаги жиҳозларни таъмирлаш учун хизмат қиласди.

**Электр таъмирлаши цехи** корхонанинг цехларидағи барча жихозларнинг электр қисмларини таъмирлаш учун хизмат қилади.

**Таъмирлаши-қурилиши цехи** корхонанинг барча бинолари, санитар-техник қурилмаларини таъмирлаш учун хизмат қилади.

**Синаши бўлими** тайёр маҳсулотни синаш учун хизмат қилади, баъзи холларда йифиш цехи таркибиға киради.

**Тажриба цехи** машиналарнинг тажриба нусхаларини яратиш ишларини бажариш учун хизмат қилади.

### **Синов саволлари**

1. Тайёрлов цехлари гурухи таркибиға қайси цехлар киради?
2. Ишлов берувчи цехлар гурӯҳини кўрсатинг.
3. Ёрдамчи цехлар гурухи вазифасини тушунтириңг.
4. УзДЭУ авто корхонаси қайси турга мансуб?
5. Механика цехидаги оралиқ омбор вазифаси нимадан иборат?
6. Механика цехида назорат бўлимининг вазифаси?
7. Термик ишлов бериш цехида қандай ишлар бажарилади?
8. Совуқ штамплаш цехида листли металларга қандай ишлов бериш ва жараёнлар бажарилади?
9. Металл конструкциялар цехи вазифаси нималардан иборат?
10. Моделлар цехи вазифаси нималардан иборат?
11. Термик ишлов бериш турларини тушунтириңг.

## **4. БОБ. МЕХАНИКА ЦЕХЛАРИ**

### **4.1. Цех таркибини танлашнинг асосий тамойиллари**

Маълумки, машинасозлик ишлаб чиқаришида асосий цехлар иккита: технологик ва предметли шаклда маҳсуслашган бўлади. Биринчи холатдаги цехлар бажарилаётган технологик жараён белгилари бўйича (куйиш, темирчилик, механик, пайвандлаш), иккинчи холатдаги эса тайёрланадиган маҳсулотлар (деталлар) бўйича маҳсуслашади, бунда битта цехда йиғма бирликни (детални) охиригача тайёрлаш учун барча жиҳозлар ўрнатилади. Йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда механик ишлов бериш ва йиғиш предметли маҳсуслашган цех шаклида қурилади. Серияли ва якка тартибли ишлаб чиқаришларда механик ва йиғув цехлари мустақил равишда ташкил этилади, яъни технологик маҳсуслашган цехлар қурилади.

Бу цехларнинг тузилиши турлича бўлиб, янги цехни лойиҳалашда ёки мавжуд цехларни реконструкциялаш ва қайта техник қуроллантиришдаги асосий босқичлардан бири, унинг таркибини синтез қилишдир, яъни қисмлари ва бўлимларининг тузилишини асосли танлашдир. Бу эса жуда мураккаб масала бўлиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳажми ва номенклатурасини синчковлик билан таххил қилиш талаб этилади.

Оммавий ва йирик серияли ишлаб чиқаришда бу масала нисбатан осон ечилади, чунки цехлар предметли маҳсуслаштирилади (двигателлар, шассилар ишлаб чиқарувчи цехлар) ва бўлимлар ҳам (маховик билан тирсакли валларни тайёрлаш ва йиғиш бўлими, мой насосини деталларига ишлов бериш ва йиғиш) ўрта ва майда серияли ишлаб чиқариш учун структуралаш масаласини ечиш мураккаброқдир, чунки детал ва маҳсулотларнинг номенклатураси жуда кўп бўлади ва уларнинг тайёрлаш битта иш ўрнида кетма-кет бажарилади. Биринчи қарашда бўлимни технологик маҳсуслаштириш керакдай туюлади, лекин ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг замонавий назариясида, аксарият холларда, бу таркибни ёқламайди, кўп холларда эса ушбу таркибни рад этади.

Хозирги давр лойиҳалаш ишларида тизимли ёндашиш асосий ишлаб чиқариш жараёнларининг таркибини синтез ва таххил қилиш усули ҳисобланади.

Тизимли ёндашиш қўлланилганда ҳар бир ишлаб чиқариш тизими ва унинг қисмларини таххили учун функционал элементар ва ташкилий тизим остиларга бўлинади, уларни бўлакларга ажратиб бўлмайди, чунки улар бир бутун нарсанинг З та томони кўриниши каби бўлади.

Ишлаб чиқариш тизими (цехни) ва унинг тизим ости (бўлим, линия) ни функцияланиш томони унинг технологик вазифаси билан аниқланади.

Элементар томони эса бўлимларнинг таркиби ва технологик вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун жиҳозлар билан аниқланади.

Ташкилий томони тизимнинг таркибини белгилайди. Ҳар бир қисмининг аниқ мақсадини аниқлаб функционал вазифасига мос равишда бажарилишини таъминлайди.

Таркиб қисмининг мақсади қай даражада яхлит тизимнинг мақсадига мос тушишига қараб ишлаб чиқариш тизимининг самарадорлигини белгиланади.

Цех ишини ташкил қилиш ва таркибини аниқлашда анъанавий ёндашилган бўлса, асосий эътибор ишнинг барча ҳажмини деталларни тайёрлаш ёки қисмларни йиғиш операциялига бўлишга қаратилади. Кўрсатилган операциялар, айниқса, серияли ишлаб чиқаришда, мос келувчи бўлимларда концентрациялашган бўлади. Улар технологик, яъни функционал белгиларига кўра тузилади. Бунда структура ҳақида тавсия таххил асосида кўрилади ва операцияларнинг ўзаро таъсири масаласи яхлит тизим деб қаралмайди. Ишлаб чиқариш жараёни таркиб схемаси ва ўзаро боғлиқликлар 4.1-расмда кўрсатилган.


Схемада шартли равишда учта бўлим кўрсатилган, улардан ҳар бири бир хил технологик ишга мўлжаллаб шакллантирилган. Кўрсатилган дастгоҳлар битта гурухга ёки турли ўлчамли гуруҳларга тегишли бўлиши мумкин. Бундай таркибда тўғри ва тескари ташки алоқалар келиб чиқади. Уларнинг кўпчилиги деталларни тайёрлаш учун технологик маҳсуслашган бўлимлар ўртасида бўлади.

Тизимли ёндошишда, ҳам алоҳида бўлимларнинг, ҳам яхлит цехнинг ўзаро боғлиқлиги, уларнинг яхлитлиги ва ишлаш самарадорлилиги хал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Таркибни танлаш алоҳида қисмларни синтез ва тахлили натижаларига кўра амалга оширилади ва янги сифат кўрсатгичларга эга бўлади.

Шунинг учун ишлаб чиқариш жараёни таркибига тизимли ёндошиш деталли ёки предметли маҳsusлашган бўлимлар ва цехлардан мақсадли фойдаланишга асосланади. Тизимли ёндошишда ишлаб чиқариш жараёнининг таркиб схемаси 4.2-расмда кўрсатилган. Бу холатда ҳам цех учта бўлимдан иборат бўлиб, деталлар асосида ташқи вертикал ва ички горизонтал алоқалар кесишиши бўйича маҳsusлаштириш бўйича курилган. Ушбу ишлаб чиқариш тизимининг охирги мақсади алоҳида деталлар ишлаб чиқаришдан иборат бўлади.

$\Delta_1, \Delta_2, \Delta_3 \rightarrow D$

Бўлимларни охирги тугатилган натижага бўйича мўлжаллаш ташқи алоқаларни қисқартирилишига ва меҳнатни бўлиш муаммосини ечишни анча соддалаштиради, ўз-ўзини бошқариш ва созлаш имконини беради.



**4.1-расм. Анъанавий ва тизимли ёндошишда юзага келган ишлаб чиқариш таркибининг схемаси**

*I, III, III-иилов берииш бўлимлари; a, b, c,-бир хил технологик вазифали дастгоҳлар гурухлари.*

Ишлаб чиқаришнинг бундай ташкил қилиш усули дастурли- мақсадли деб аталади. Механика-йигув ишлаб чиқаришини ташкил қилишда дастурли мақсадли усуллардан фойданишда учта асосий таркиб хосил қилувчи тамойилдан фойдаланилади:

- мақсадли – деталлар ёки буюмлар бўйича маҳsusлашган бўлимлар ёки цехлар, бунинг натижасида бир турдаги деталлар ёки йиғма бирликларни ишлаб чиқариши фазовий концентрациялашуви;

- бир хил турдаги деталлар ёки йиғма бирликларни тайёрлашда технологик жараённи унификациялаш ва натижада шунга керакли жиҳозлар ва технологик мосламаларни маълум даражада компонентлашуви, маҳsusлашуви ва концентрациялашуви;

– цех ва бўлимларга маҳсулотнинг айрим деталларини тайёрлаш учун оператив бошқарув органлари томонидан мақсадли дастурларни тарқатишнинг марказлашуви натижасида бир хил турдаги маҳсулотни тайёрлаш маълум миқдорда концентрациялашади, бу эса буюмни тайёрлаш циклини қисқартиради.

Бўлимларни, цехларни ташкил этиш шакли деталлар ва буюмлар бўйича амалга оширилса ташкил қилиш юқори даражада таъминланади, чунки бу шаклда ишлаб чиқариш жараёни тўхтовсиз, тўғри ва аниқ ишлайди, бригада ва бўлим жамоалари меҳнатининг охирги натижасига таъсири катта бўлади. Ташкил қилишнинг бу шаклида хўжалик ҳисобини кўллаш учун яхши шароит яратилади. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш жараёнини дастурли – мақсадли ташкил қилиш жуда самарали усул бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, серияли ишлаб чиқариш шароитида деталлар бўйича маҳсуслаштирилган механика цехлари, бўлимлар, кўп номенклатурали деталларга ишлов бериладиган гурухли линиялар яратилмоқда. Ушбу ташкилий шакл МИЧТлари учун самаралироқдир. Оммавий ва йирик серияли ишлаб чиқариш шароитида асосий ташкил қилиш шакли сифатида предметлар бўйича маҳсуслаштирилган оқим бўйича линиялар кўлланилади. Якка тартибли ишлаб чиқариш шароитида катта бўлмаган механик цехлар учун технологик тамойил бўйича бўлимлар ташкил қилинади.

## 4.2. Механика цехларининг синфланиши ва таркиби

Машинасозлик корхоналарининг механика цехлари тайёрланувчи маҳсулот тури, уларнинг конструкцияси ва оғирлиги, ишлаб чиқаришнинг тури, технологик жараёни ва жиҳозларнинг тавсифига қараб турлича бўлади.

Цехлар қўйидаги белги бўйича *синфланади*:

1. Цехларни 4 та синфа бўлувчи маҳсулот конструкцияси тавсифи ва оғирлиги.
  2. Юқоридаги ҳар бир синфи гурухларга бўлувчи ишлаб чиқариш тури ва технологик жараён, жиҳозлар ва мосламалар тавсифи.
  3. Дастроҳларнинг шартли сони билан боғлиқ ҳолдаги цех ўлчамлари.
- 1- *синфга* енгил машинасозлик- дастлабки оғирлиги 100 кг гача бўлган деталларга ишлов берувчи цехлар киради.
- 2- *синфга* ўрта машинасозлик- дастлабки оғирлиги 2000 кг гача бўлган деталларга ишлов берувчи цехлар киради.
- 3- *синфга* оғир машинасозлик- дастлабки оғирлиги 15000 кг гача бўлган деталларга ишлов берувчи цехлар киради.
- 4- *синфга* ўта оғир машинасозлик- дастлабки оғирлиги 15000 кг дан юқори бўлган деталларга ишлов берувчи цехлар киради.

Механика цехи таркиби қўйидагилардан иборат бўлади:

- ишлаб чиқариш бўлими ва участкалари;
- ёрдамчи бўлимлар;
- хизмат хоналари;
- майший хоналар;
- жамоат ташкилотлари хоналари.

Механика цехининг ишлаб чиқариш бўлим ва участкалари технологик жараёндаги деталларга ишлов бериш учун жиҳозлар ва иш жойларини жойлаштириш учун, баъзи холларда маҳсулот узелларини йиғиши учун ҳам хизмат қиласи.

*Цехнинг ёрдамчи бўлим ва участкаларига ёрдамчи бўлим ва омборхоналар киради.* Буларга: 1. Тайёрлов бўлими. 2. Чархлаш бўлими. 3. Назорат бўлими. 4. Таъмирлаш бўлими 5. Мосламалар ва асбобларни таъмирлаш устахонаси. 6. Цех энергетиги устахонаси. 7. Совитувчи суюқлик тайёрлаш ва тарқатиш бўлими. 8. Қиринддини қайта ишлаш бўлими. 9. Цех материаллар ва заготовкалар омбори. 10. Деталларнинг оралиқ омбори. 11. Операциялараро омбор. 12. Асбоблар тарқатиш омбори. 13. Мосламалар омбори. 14. Абразивлар омбори. 15. Мойлаш материаллари омбори. 16. Ёрдамчи материаллар омбори.

Ишлаб чиқаришнинг кўламига асосан юқоридаги бўлимлар ва участкалар бир-бири билан қўшилиб бир нечта цехларга хизмат кўрсатиши мумкин.

*Цех хизмат хоналарига цехнинг техник ва бошқарув органлари ходимлари хоналари киради.*

*Маший хоналар таркибига ечиниш ва ювиниш хоналари, душ, тиббий хизмат кўрсатиш хонаси, буфет, ошхона, санузел ва чекиши жойлари киради.*

#### **4.3. Механика цехини лойиҳалашда кўриладиган асосий масалалар**

Механика цехларини лойиҳалашда маълум бир кетма-кетлиқда қўйидаги асосий масалалар хал қилиниши керак:

1. Корхона ишлаб чиқариш дастури, чизмалар, конструкция баёни ва детални тайёрлашга техник шартлар асосида цехни лойиҳалаш учун топшириқ ишлаб чиқиш.

2. Заготовка турини танлаш (технологик жараённи лойиҳалашда бажарилади); асосий материаллар, заготовкалар, ярим фабрикатлар ва ёрдамчи материалларга бўлган йиллик эҳтиёжни аниқлаш. Бу маълумотлар қўшимча равишда қўйиш ва темирчилик цехлари ҳамда материал-техник таъминот цехларини ташкил қилиш мақсадида расмийлаштирилади.

3. Машина деталларига механик ишлов бериш технологик жараёнларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш турини аниқлаш ва бу жараёнларни ташкилий шаклини ишлаб чиқиш.

4. Жиҳозлар турини аниқлаш, улар қуввати ва сонини ишлаб чиқариш дастури асосида аниқлаш, дастгоҳлар юкланишини аниқлаш.

5. Керакли жиҳозлар, мосламалар ва асбоблар спецификациясини ва тавсифини тузиш.

6. Цехнинг электр энергияси, газ, буғ, қисилган ҳаво ва сувга бўлган умумий эҳтиёжи ни аниқлеш.

7. Керакли ишчилар таркиби ва сонини аниқлаш.

8. Цех учун транспорт ва кўтариш қурилмалари тури ва керакли сонини аниқлаш.

9. Цехда жиҳозларни жойлаштириш ва цех майдонини аниқлаш.

10. Ёрдамчи бўлим, участка майдони ва жиҳозларини ҳамда хизмат ва майший хоналар майдонини аниқлаш.

11. Цехни умумий компановкалаш, цех учун асосий бинонинг ўлчамларини аниқлаш, бино турини аниқлаш, цех режасини бош режа билан боғлаш.

12. Цехни бошқариш ва техник раҳбарлар схемасини ишлаб чиқиш.

13. Лойиҳанинг иқтисодий қисмини ишлаб чиқиш.

#### **4.4. Ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлар**

Механика цехларини лойиҳалашда хал қилиниши керак бўлган асосий масалаларнинг энг мураккаби маҳсулот деталларини тайёрлаш учун технологик жараённи лойиҳалаш ва бу жараёнларни бажарилишини ташкил қилиш шаклини ишлаб чиқишdir.

*Технологик жараён* деганда материални ёки ярим фабрикатни кетма-кет шакли, ўлчами ва материал хусусиятининг детал ёки маҳсулот олиш мақсадида ўзгариши тушунилади.

*Ишлаб чиқариш жараёни* деганда материал ва ярим фабрикатлардан тайёр машина олиш учун бажариладиган барча жараёнлар йиғиндиси тушунилади.

Ишлаб чиқариш жараёнига фақатгина детал олиш ва машина йиғиш учун асосий жараёнлар кирибгина қолмай, балки асосий жараёнларнинг бажарилишини таъминловчи ёрдамчи жараёнлар ҳам киради (масалан, материал ва деталларни ташиш, назорат қилиш, мослама ва асбоблар тайёрлаш, асбобларни чархлаш).

Ишлаб чиқариш жараёни қўйидаги босқичларга бўлинади:

1. Деталлар заготовкасини тайёрлаш, қўйиш, болғалаш, штамповкалаш ёки прокат материалларга дастлабки ишлов бериш.

2. Керакли ўлчамли ва шаклдаги тайёр детал олиш учун заготовкаларга металл кесиш дастгоҳларида механик ишлов бериш.

3. Узеллар ва агрегатларни йиғиш, яъни алоҳида деталларни узелларга, узелларни агрегатларга бириктириш, якка тартибли ишлаб чиқариш шароитида чилангарлик ишлов бе-

риш ва деталларни йиғиш жойига ташиш ишлари бажарилади, оммавий ва йирик серияли ишлаб чиқариш шароитларида қўлланилмайди. Ушбу ишлаб чиқаришларда металл кесиш дастгоҳларида деталларга ишлов берилганда чегаравий калибрлар қўлланилиб, деталларни ўзаро алмашувчанлигига эришилади.

4. Яхлит машинани умумий йиғиш.

5. Машинани созлаш ва синаш.

6. Машинани бўяш. Бўяш ишлари бир нечта жараёндан иборат бўлиб, технологик жараённинг турли босқичларида бажарилади, масалан, шпаклевка, грунтовка, бирламчи бўяш, ишлов берилган деталларни бўяш ва яхлит машинани якупловчи бўяш ишлари.

#### **4.5. Технологик жараённинг асосий масалалари**

Механик ишлов бериш технологик жараёнини лойихалаш қуидаги асосий масалалар асосида олиб борилади:

1. Машина деталларига механик ишлов бериш учун ишлаб чиқариш тури ва технологик жараённи бажаришнинг ташкилий шакли аниқланади.

2. Ишлаб чиқаришга қўйиладиган деталлар партияси ўлчамини (серияли ишлаб чиқариш учун) ва оқим бўйича ишлаб чиқариш учун тайёрлаш тактини аниқлаш.

3. Заготовка тури ва ўлчамларини аниқлаш.

4. Деталларни юзаларига механик ишлов бериш усули ва режасини (технологик жараён, кетма-кетлиги кўрсатилган ҳолда) ишлаб чиқиши.

5. Дастроҳлар, мосламалар, кесувчи ва ўлчаш асблоблари тури ва тавсифини аниқлаш ҳамда ишлов бериш учун сонини аниқлаш.

6. Деталларнинг ишлов бериладиган сиртлари ўлчамини аниқлаш.

7. Таъланган дастроҳ учун ҳар бир жараёнга кесиш режимини аниқлаш.

8. Ҳар бир жараён учун вақт меъёрини аниқлаш.

9. Иш малакасини аниқлаш.

10. Лойихаланган технологик жараённинг техник-иктисодий кўрсаткичларини белгилаш.

11. Технологик жараён ҳужжатларини расмийлаштириш.

Серияли ва оммавий ишлаб чиқаришлар учун алоҳида деталларга ишлов бериш технологик жараёни мукаммал ишланади.

#### **4.6. Лойихалашда бошланғич маълумотлар ва ишлаб чиқариш дастури**

Механика цехларини лойихалаш учун асос бўлиб чизмалар, деталлар спецификацияси, деталлар ва конструкциялар баёни, махсулотни тайёрлаш учун қўйилган техник талаблар илова қилинган, корхонанинг ишлаб чиқариш дастури асосида тузилган цехнинг *деталли ишлаб чиқариши дастури* хизмат қиласди.

Цехни деталли ишлаб чиқариш дастурида ушбу цехда ишлов бериладиган деталлар номи, уларнинг сони, материали тури, дастлабки ва тоза оғирликлари кўрсатилади.

Агар деталларга бир нечта цехларда ишлов берилса, у ҳолда ҳар бир цех учун қайднома кўринишидаги дастур ва ҳар бир цехдан қандай деталл қанча микдорда ишлов берилишини кўрсатувчи қайдномалар тузилади.

Цехлар бўйича деталли ишлаб чиқариш дастурини тузишда деталларнинг умумий сонига тайёрланаётган машинага қўшиб бериладиган ва фойдаланилаётган ушбу машинанинг бетўхтов ишлашини таъминлаш учун зарур бўладиган эҳтиёт қисмлар ҳам қўшилади.

Механика цехларини лойихалаш *аниқ, келтирилган ёки шартли* ишлаб чиқариш дастурлари асосида амалга оширилади.

Агар тайёрланаётган машина ва унинг деталлари сони аниқ кўрсатилган ва ишчи чизмалар, спецификациялар ва техник шартлар билан тўлиқ та минланган бўлса, у ҳолда *аниқ ишлаб чиқариши дастури* деб аталади.

Аниқ дастур асосида лойихалашда ҳар бир деталга ишлов бериш технологик жараёни мукаммал лойихаланади, ҳар бир жараён учун технологик карталар тузилади ва ишлов бериш вақти мәйерланади. Юқоридаги ишлар катта меңнат ҳажмига эга бўлиб, лойихалаш узоқ вақт ва кўп сонли ижрочилик талаб қиласди. Шунинг учун бу усул оммавий, йирик се-рияли ва оқим бўйича ишлаб чиқаришлар учун кўлланилади.

Айрим холларда якка тартибли ишлаб чиқариш аниқ дастур асосида лойихаланади, бунда тайёрланадиган маҳсулотнинг аниқ сонини белгиланган мураккабдир, чунки якка нусхада тайёрланадиган деталларга мукаммал технологик жараён лойихалашни турли хил деталларнинг сони кўплиги сабабли иложи бўлмайди. Шунинг учун лойихалаш анъанавий маҳсулотлар асосида *келтирилган дастур* бўйича олиб борилади.

Тайёрланадиган маҳсулотлар бир нечта шартли маҳсулотларга келтириб олинса, у ҳолда *келтирилган ишлаб чиқариши дастури* деб аталади.

Келтирилган дастур асосида лойихалаш турли номенклатурали машиналарни кўплаб тайёрлашда ҳамда барча маълумотлар (чизмалар, спецификациялар, конструкция баёни, техник шартлар) факат асосий анъанавий машиналар учун кўлланилади.

Цехларни келтирилган дастур асосида лойихалашни қўйидаги варианtlарда амалга оширилади:

1. Ҳар бир хисобий машинанинг факат асосий тавсифли ва мураккаб деталлари учун технологик жараён тузилади. Бошқа деталлари учун эса технологик жараённи умумий бажарилишини кўрсатувчи жараён қайдномаси тузилади холос. Бундай мукаммал ишлов бериш ушбу гурухга киравчи машинанинг қолган барча деталларига ҳам тегишли бўлади.

2. Ишлаб чиқариш дастурида кўрсатилган машина номенклатурасининг турли хиллиги ва кўплиги, машинанинг барча деталларининг конструктив ва технологик белгилари ҳамда технологик ўхашашликлари (плита, рама, станица, ўқлар ва валлар гурухи, шкивлар ва маҳовиклар гурухи) бўйича гурухларга ажратиб чиқилади.

Ҳар бир гурухдаги бир, икки ёки учта деталлар учун технологик жараён ишлаб чиқилади ва ушбу технологик жараённи барча деталлар учун кўлланилади.

*Шартли дастур асосида лойихалашда* шартли вакил машина танлаб олинади ва ушбу вакил машина учун технологик жараён ва барча хисоблар келтириш коеффициентини эътиборга олмай бажарилади ва йиллик ишлаб чиқариш дастурига киритилган барча машиналар учун кўлланилади

## Синов саволлари

1. Абразивлар омбори нима?
2. Ёрдамчи материаллар омбори нима?
3. Керакли жиҳозлар, мосаламалар ва асбоблар спецификацияси ва тавсифи нима?
4. Цех бошқарувига кимлар киради?
5. Машиналарни созлаш ва бўяш ишлари нима?
6. Заготовкаларнинг тури ва ўлчамларини аниқлашни тушунтиринг.
7. Кесиш режими нима?
8. Ишлаб чиқариш жараёни босқичлари нималардан иборат?
9. Механика цехлари қандай тамоилил асосида синфланади?
10. Лойихалаш учун қандай бошланғич маълумотлар зарур?

## В БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

### 5.1. Ишлаб чиқариш турлари

Берилган ишлаб чиқариш шароитида технологик жараённи (ТЖ) ни лойихалашнинг асосий тамойилларидан бири техникавий, иқтисодий ва ташкилий масалаларини биргаликда ечишдир. Лойихаланаётган ТЖ маҳсулотнинг аниқлигини ва сифатига қўйилган барча табларни энг кам меҳнат сарф қилинган ҳолда минимал таннархда ҳамда ишлаб чиқариш дастурида белгиланган ҳажмда ва муддатда таъминлаши керак.

Замонавий ишлаб чиқариш **якка тартибли, серияли ва оммавий** ишлаб чиқариш турларига бўлинади.

**Якка тартибли ишлаб чиқаришда** тайёрланаётган маҳсулотнинг кенг номенклатурада, кам ҳажмда (ҳажм деганда, корхонанинг режаланган вақт интервали ичida маълум бир микдордаги, номдаги, ўлчамдаги, ўлчамлар тоифаси бўйича маҳсулотни ишлаб чиқариши тушунилади). Маҳсулотнинг ҳажми оз бўлиб, технологик операцияни бажариш жойига саноқли (бирлар ва ўнлар билан ҳисобланади) заготовка келади. Иш жойида тез-тез тақоррланиб турадиган ёки умуман тақоррланмайдиган турли хилдаги технологик операциялар бажарилади. Бунда юқори аниқликка эга бўлган жиҳозлар ишлатилади ва улар технологик гурӯҳлар, яъни токарлик, фрезерлик, пармалаш, тиш кесиш ва бошқа участкалар асосида цехда жойланади.

Якка тартибли ишлаб чиқаришда талаб қилинган аниқлик **синов юриш ва ўлчаш усули** билан аниқланади; детал ва узелларнинг ўзаро алмашинувчанлиги аксарият ҳолда амалга ошмайди, шунинг учун ўлчамларни жойида келтириш кенг қўлланиллади; ишчилар юқори малакали бўлиш шарт, чунки маҳсулотнинг сифати уларнинг малакасига боғлиқ; технологик ҳужжатлар қисқартирилган ва соддалаштирилган бўлади; техник меъёrlар қўлланилмайди; меҳнатни тажрибавий-статистик усулда меъёrlаш қўлланилади.

Сони камаяди ва техник меъёrlаш тажрибавий статистика асосида олиб борилади. **Оммавий ишлаб чиқариш** деб маҳсулотни тор номенклатура ва катта ҳажмда узок муддат ичida узлуксиз тайёрлашга айтилади.

Оммавий ишлаб чиқаришда операцияларнинг бирикиш коефициенти  $K_{o.b}$  бирга тенг, яъни ҳар бир иш жойига биттадан технологик операция доимий равишида бириктирилган бўлиб, унумдорлиги юқори бўлган маҳсус жиҳозлардан фойдаланилади ва ушбу жиҳозлар оқим бўйича (яъни, технологик жараённинг кетма-кетлиги бўйича) жойлашган бўлади. Заготовкаларга юқори унумдорли кўп шпинделли автоматлар ва ярим автоматлар, сонли дастур билан бошқариладиган дастгоҳлар ва марказларда ишлов берувчи мураккаб дастгоҳларда ишлов берилади. Заготовкаларга механик ишлов бериш учун қўйим кам қолдирилади ва заготовканинг ўлчами детал ўлчамига яқин бўлади.

Талаб этилган ўлчам аниқлиги автоматик равишида созланган дастгоҳларда олинади. Оммавий ишлаб чиқаришда ишчининг ўртacha малакаси якка тартибли ишлаб чиқаришдаги ишчининг ўртacha малакасидан паст; созланган дастгоҳ ва автоматларда нисбатан қуий малакали ишчи операторлар ишлайди. Шу билан бир қаторда цехларда малакали созловчи ишчилар, электронли техника ва пневмогидроавтоматика бўйича мутахассислар хам ишлайди.

Оммавий ишлаб чиқаришда технологик ҳужжатлар ҳар томонлама чуқур ишлаб чиқилади ва техник меъёrlар эса ҳар томонлама ҳисобланиб алоҳида синаб қўрилади.

**Серияли ишлаб чиқаришга** маҳсулот номенклатураси чегараланган, даврий равишида тақоррланиб турадиган партияларда ва нисбатан кўп микдорда маҳсулотни тайёрлаш киради.

Партиядаги маҳсулотнинг сонига ва операцияларнинг бириктириш коефициентига қараб **майда серияли, ўрта серияли ва йирик серияли** ишлаб чиқаришлар мавжуд.

Бир ой ичida бажариладиган барча технологик операциялар сонининг ишчи жойлар сонига нисбати орқали операцияларнинг бириктириш коефициенти аниқланади.

ГОСТ 3.1108-74 га асосан операцияларнинг бириктириш коефициентига қараб:

$K_{o.b} \leq 1,0$  оммавий ишлаб чиқариш;

- $1 < K_{0.6} \leq 10$  йирик серияли ишлаб чиқариш;  
 $10 < K_{0.6} \leq 20$  ўрта серияли ишлаб чиқариш;  
 $20 < K_{0.6} \leq 40$  майда серияли ишлаб чиқаришларга бўлинади.

Серияли ишлаб чиқаришда универсал, маҳсуслашган ва қисман маҳсус жиҳозлар ишлатилади. Шу билан бирга ишлов берувчи марказлар, универсал-ийғма ва қайта тез созланадиган технологик жиҳозлар ҳам кенг қўламда қўлланилади. Замонавий ишлаб чиқаришнинг асоси бўлиб серияли ишлаб чиқариш ҳисобланади. Чунки ҳозирги вақтда серияли ишлаб чиқариш машинасозликда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 75-80 фоизини ташкил қиласди.

Йирик серияли ишлаб чиқаришда сонли дастур билан бошқариладиган дастгоҳлар, марказда ишлов берувчи дастгоҳлар, транспорт воситалари билан боғланган ва ЭҲМ билан бошқариладиган мосланувчан автоматлаштирилган тизимлар, тез қайта созланувчи мосламалар ва ускуналар кенг қўлланилади. Талаб этилган ўлчам аниқлиги автоматик усулда ёки синов юриш ва ўлчаш усувлари билан олинади.

Ишчиларнинг ўртача малакаси оммавий ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг малакасидан юқори, лекин якка тартибли ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг малакасига нисбатан паст бўлади.

Мураккаб ва масъулиятли заготовка учун технологик ҳужжатлар ва техник меъёрлар чукурроқ ишлаб чиқилади, лекин оддий заготовкалар учун ҳужжатлар

## 5.2. Мехнатни ташкил қилиш шакллари

Юқоридаги кўрилган ҳар бир ишлаб чиқаришда ишни ташкил қилиш шакли ва жиҳозларни жойлаштириш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу маҳсулот ва ишлаб чиқариш технологик жараёни тавсифи ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми ва бошқа омилларга боғлиқдир.

Мехнатни ташкил қилиш шаклининг қуйидаги турлари мавжуд:

1. *Дастгоҳлар тури бўйича* асосан якка тартибли ишлаб чиқаришда қўлланилиб, дастгоҳлар ишлов бериш тури бўйича, яъни бир хил турдаги ишлов бериш учун дастгоҳлар участкаси ташкил қилинади, масалан, токарлик, сидириш, фрезерлик ва хоказо.

2. *Предметли* – серияли, айrim деталлар учун оммавий ишлаб чиқаришда ҳам қўлланилади.

Дастгоҳлар технологик жараён кетма-кетлиги бўйича бир хил ишлов бериш шаклига эга бўлган бир ёки бир нечта деталлар учун жойлаштирилади. Бунда деталлар харакати навбати билан ташкил қилиниб, дастгоҳларга партия билан узатилади.

3. *Оқим бўйича серияли ёки ўзгарувчан оқим бўйича*. Дастгоҳлар деталларга ишлов бериш технологик жараёни кетма-кетлиги бўйича дастгоҳ линиясига жойлаштирилади. Ишлов бериш партия асосида олиб борилади. Партиядаги деталлар бир-биридан ўлчами, конструкцияси билан фарқ қилиши мумкин. Жараён шундай ташкил қилинадики, бунда бир дастгоҳда ишлов бериш вақти навбатдаги дастгоҳда ишлов бериш вақти билан келишилган холда белгиланади. Деталлар технологик операциялар кетма-кетлиги бўйича дастгоҳдан келгуси дастгоҳга узлуксиз равишда кўчиди юради.

4. *Тўғри оқим бўйича*, оммавий ишлаб чиқаришда қўлланилиб, дастгоҳлар технологик жараён кетма-кетлиги бўйича жойлаштирилади. Деталлар дастгоҳдан дастгоҳга доналаб узатилади. Деталларга ишлов бериш вақти барча дастгоҳларда ҳар хил бўлганлиги сабабли ишлов бериш вақти тактдан катта бўлган дастгоҳлар олдида деталлар тўпланиб қолади. Дастгоҳдан дастгоҳга деталларни узатиш роланг, тарновлар, баъзи холларда конвеерлар ёрдамида амалга оширилади.

5. *Узлуксиз оқим бўйича* фақат оммавий ишлаб чиқариш шароитида қўлланилиб, дастгоҳлар технологик жараён таркибида жойлаштирилади, деталларга ишлов бериш вақти бир хил бўлади.

## 5.3. Иш жойларини ташкил қилиш

Ишлаб чиқариш жараёнларини лойихалашда, жихозларни жойлаштириш режасини ишлаб чиқишида ва иш жойларини ташкил қилишда меҳнатни илмий ташкил қилиш ва техник эстетика асосларига амал қилиш зарурдир ва улар ишлаб чиқариш унумдорлигини ошишига ҳамда ишчиларга қулай иш жойи яратишга олиб келади.

Меҳнатни ташкил қилишда дастгоҳнинг доимо тўхтовсиз ишлашини таъминлаш учун иш жойларини рационал равишида ташкил қилиш керак.

Бунинг учун ишлов бериш жойига детални, заготовкани, кесувчи асбобни ва мосламаларни ўз вақтида узатилмаслигини, материаллар ва асбобларнинг ноқулай жойлашишини ҳамда бевакт таъмирлашни, ортиқча ҳаракатларни, юришларни бартараф этиш керак.

Иш жойларини ташкил қилиш ва хизмат қўрсатиш қўйидагича бажарилиши керак.

1. Материаллар, заготовкалар, асбоблар, мосламалар иш жойига иш бошланишига қадар узатилиши керак.

2. Дастгоҳни созлаш йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда иш бошлангунига қадар бажарилади. Созлашни маҳсус созвучилар томонидан бажарилади. Якка тартибли ва майда серияли ишлаб чиқаришларда эса дастгоҳчи томонидан бажарилади.

3. Ишлаш давомида асбобларни иш жойига етказиш, асбобларни алмаштириш ва чархлаш, ишни тўхтатмаслик мақсадида, алоҳида ишчилар томонидан бажарилади.

4. Инструктаж ишчилар учун иш бошлагунга қадар ўтказилади.

5. Ишлов берилган деталлар дастгоҳга халақит бермаслиги учун доимий равишида, ўз вақтида олиб кетилиши керак.

6. Детал ўлчамларини назорат қилиш ишчини ишдан қолдирмай, алоҳида амалга оширилиши керак.

7. Дастгоҳларнинг кўриқдан ўтказиш, текшириш ва таъмирлаш олдиндан қўрсатилган вақт ичida амалга оширилади.

Иш жойини рационал режалаштириш, йъни ишчи, дастгоҳ, материал, асбоблар, заготовка ва мосламаларни ўзаро жойлаштириш ишнинг мазмуни ва ишни ташкил қилиш шаклига боғлиқ, у қўйидаги шартларни қониқтириши керак:

1. Иш жараёнида ишчи ортиқча ҳаракатланмаслиги керак.

2. Иш жойи таркибига кирувчи барча элементларнинг ўзаро норационал жойлашуви оқибатида ишчи чарчамаслиги ва вақтни бехуда йўқотмаслиги керак.

3. Ишлаш вақтида турли ҳаракатларни бажаришда ишчи нокулайликларга дуч келмаслиги керак.

4. Ишчини ишдан қолдирмаслик учун асбоблар, чизмалар ва инструктаж картаси ишчи қўли остида бўлиши керак.

5. Барча асбоблар гуруҳларга ажратилган бўлиши керак, ҳар бир асбобга алоҳида жой бўлиши керак.

6. Деталларни дастгоҳдан дастгоҳга партия билан узатишни ташкил этишда дастгоҳ олдида деталларнинг вақтинчалик туриши учун етарли майдон бўлиши керак.

7. Иш жойининг барча элементларининг ўзаро жойлашуви тегишли қурилмалар ёрдамида ишчини ишлаш даврида хавфсизлигини таъминланиши керак.

8. Кўп дастгоҳли хизмат қўрсатишда бир вақтнинг ўзида хизмат қўрсатилувчи дастгоҳлар шундай жойлаштирилиши керакки, бунда бир дастгоҳдан иккинчи дастгоҳга ўтиш учун оз вақт сарфланишини таъминлаш зарур.

9. Ранг, ҳаво, иссиқлик, тозаликка нисбатан қулай санитар-техник шароит таъминлаши керак; иш жойидаги ҳаво ҳарорати  $20^{\circ}\text{C}$  бўлиши, ёритилганлик етарли миқдорда бўлиши, деворлар оч мовий ёки оч зангори рангда, жихозлар эса оч зангори ёки зангори рангда бўлиши керак. Барча ранглар санитария мебъёрлари асосида танланиши керак.

Иш жойини рационал ташкил қилиш меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатининг ортишига олиб келади.

## Синов саволлари

1. Ишлаб чиқаришнинг қандай турлари мавжуд?
2. Ишлаб чиқаришнинг турлари қандай аниқланади?

3. Ишлаб чиқариш турларига қараб дастгоҳлар қандай танланади?
4. Ишлаб чиқариш турлари технологик жараёнга қандай таъсир күрсатади?
5. Дастгоҳларнинг қандай турини биласиз?
6. Дастгоҳларни созлаш нима?
7. Санитар-гигеник талаблар нима?
8. Эрганомик талаблар нималардан иборат бўлади?
9. Якка тартибли ишлаб чиқариш билан оммавий ишлаб чиқариш турлари нимаси билан фарқланади?
10. Оқим бўйича ишлов бериш ишлаб чиқаришнинг қандай турларида қўлланилади?

## ВИ БОБ. МЕХАНИКА ЦЕХИНИ РЕЖАЛАШТИРИШДА ҲИСОБЛАРНИ БАЖАРИШ

### 6.1. Ишлаб чиқариш тактини аниклаш

Деталларга механик ишлов бериш технологик жараёнини лойиҳалашда (оқимли, оқим бўйича-оммавий, оқим бўйича-серияли ишлаб чиқариш учун) оқим линияси учун деталларни тайёрлаш такти, яъни линияда деталларни тайёрлаш вақти аникланishi керак.

Оқимли-оммавий ишлаб чиқаришда деталларни ишлаб чиқариш такти  $t_{u.c}$  нинг қиймати қуидагича аникланади:

$$t_{u.c} = \frac{60 \cdot F_{\text{д.х.в.}} \cdot m}{D}, \quad [\text{мин}] \quad (6.1)$$

бу ерда  $F_{\text{д.х.в.}}$ - бир дастгоҳнинг 1 сменада йил давомида ишлашининг ҳақиқий вақт фонди, соатда (келгусида тўлиқ кўриб чиқилади);

$m$ - иш сменалари сони;

$D$ - ушбу линияда йил давомида ишлов бериладиган бир хил турдаги деталлар сони.

Оқим бўйича – серияли ишлаб чиқаришда дастгоҳларнинг етарли юкланишини таъминлаш мақсадида бир неча хил ўлчамли ва шакли турли хил бўлган деталларга ишлов берилади. Бунда дастгоҳнинг бир хил турдаги деталга ишлов беришдан бошқасига қайта созлаш унча мураккаб эмас ёки умуман талаб этилмайди. Бу ҳолда бундай деталлар гурухига алмашувчи партия билан ишлов берилади. Ишни бундай тамойил бўйича ташкил қилиш учун қуидагиларни бажариш керак:

1. Конструктив ва технологик белгилари бўйича ва деталларни гурухларга ажратиш.
2. Бир турдаги деталлар гурухи учун ўзига хос технологик жараён ишлаб чиқиши.
3. Алоҳида жараён учун ўзига хос технологик мослама ишлаб чиқиши, у ҳолда бундай линия учун ишлаб чиқариш такти қуидагича аникланади:

$$t_{u.c} = \frac{60 \cdot F_{\text{д.х.в.}} \cdot m}{D_1 + D_2 + \dots + D_n} k_c, \quad [\text{мин}], \quad (6.2)$$

бу ерда  $D_1, D_2, \dots, D_n$  – ушбу линияда йил давомида ишлов бериладиган турли деталлар сони;

$k_c$ -линини бир турдаги деталга ишлов берилганидан сўнг иккинчи турдаги деталга ишлов бериш учун қайта созлашга сарфланган вақтни ҳисобга олувчи коефициент (таксиман  $k_c \approx 0,95$ ).

### 6.2. Жиҳозлар сони ва юкланиш коефициентини аниклаш

Ишлаб чиқариш дастурини бажариш учун керак бўладиган дастгоҳлар тури ва сонини аниклаш цехларни ҳисоблашда асосий масала бўлиб, нотўғри танланган детал тури ёки сони етишмаслигига олиб келади. Агар дастгоҳлар сони ортиқча бўлса, улардан тўлиқ фойдаланилмайди, сотиб олишга, ўрнатишга, ишга туширишга ортиқча маблағ сарфланади. Агар дастгоҳлар сони кам танланган бўлса, у ҳолда кунлик режани бажаришнинг имкони бўлмайди.

Цех учун керакли дастгоҳлар сонини қуидаги икки хил усулда аникланади:

1. Технологик жараён маълумотлари бўйича.
2. Техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича.

*Технологик жараён маълумотлари бўйича дастгоҳлар сонини аниқлаш усулда технологик жараён бўйича ишлов бериш керак бўлган деталларнинг аниқ номентклатураси технологик жараён маълумотлари ва вақт мебўрлари асосида олиб борилади. Бу усул серияли ва оммавий ишлаб чиқариш цехларини лойиҳалашда қўлланилади.*

*Техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича дастгоҳлар сонини аниқлаш усули катта лойиҳаларни бажаришда, яъни ишлов бериладиган маҳсулот номенклатураси аниқ белгиланмагандаги қўлланилади.*

Юкоридаги икки усулдан биринчиси аниқ ҳисобланади. Бунда йил давомида ишлаб чиқарилиши зарур бўлган маҳсулотга ишлов бериш учун керак бўлган дастгоҳлар сони ҳар бир жараённи бажариш учун зарур вақт мебўри асосида ҳисобланади.

Серияли ишлаб чиқариш учун дастгоҳлар сонини йиллик ишлов бериладиган деталларнинг ҳар бир дастгоҳ учун ишлов бериш вақти бўйича аниқланади. Бунда дастгоҳларнинг керакли сони қўйидагича аниқланади:

$$C = \frac{T_{\Sigma K}}{F_{\partial.x.e} m}, \quad (6.3)$$

бу ерда  $T_{\Sigma K}$  – деталларнинг йиллик сонига ушбу дастгоҳда ишлов беришнинг умумий вақт мебўри, соат;

$\Phi_{\partial.x.e}$  – бир сменали иш режимида ҳар бир дастгоҳнинг хақиқий йиллик ишлаш вақт фонди;

$m$  – сутка давомида дастгоҳнинг ишлаш сменалари сони.

Серияли ишлаб чиқариш учун (6.3) формуладаги мебўрланган вақт йифиндиси битта деталга ушбу дастгоҳда ишлов беришнинг донабай-кал қуляцияли вақтининг ушбу деталларнинг йиллик сони қўпайтмасига teng бўлади, яъни:

$$T_{\Sigma K} \leq m_{\partial.K} \cdot D, \quad [\text{соат}] \quad (6.4)$$

бу ерда  $m_{\partial.K}$  – дастгоҳда ушбу деталга ишлов беришдаги донабай-кал қуляцияли вақт:

$D$ - ушбу дастгоҳда йил давомида ишлов бериладиган бир хил номдаги деталлар сони.

(6.4) формулагага асосан дастгоҳларнинг керакли сонини аниқлаш учун дастгоҳларнинг йиллик хақиқий ишлаш вақт фондини аниқлаш керак бўлади.

Ҳар бир дастгоҳнинг йил давомида хақиқий ишлаш вақт фонди дастгоҳнинг хақиқий иш билан банд бўлган вақтидир:

$$\Phi_{\partial.x.e} \leq \Phi \cdot K \quad (6.5)$$

бу ерда  $\Phi_{\partial.x.e}$  – дастгоҳнинг бир сменали иш режимида йиллик хақиқий ишлаш вақт фонди, соат;

$\Phi$ - бир сменали иш режимидағи дастгоҳнинг номинал йиллик ишлаш вақт фонди, соат;

$K$ - дастгоҳнинг таъмирланишида бўлган вақтини ҳисобга олган ҳолда номинал ишлаш вақт фондидан фойдаланиш коеффициенти.

Агар дастгоҳ бир нечта сменада йил давомида ишласа, у ҳолда м ҳисобга олинади.

Дастгоҳнинг 1 сменадаги йиллик номинал ишлаш вақт фонди:

$$\Phi \leq \Phi \cdot H \quad (6.6)$$

бир нечта смена учун:

$$\Phi \cdot m \kappa \Phi \cdot H \cdot m \quad (6.7)$$

1 смена учун дастгоҳнинг хақиқий йиллик ишлаш вақт фонди:

$$\Phi_{\text{д.х.б}} \kappa \Phi \cdot m \kappa \Phi \cdot H \cdot m \quad (6.8)$$

бир неча смена учун:

$$\Phi_{\text{д.х.б}} \cdot m \kappa \Phi \cdot m \cdot k \kappa \Phi \cdot H \cdot m \cdot k \quad (6.9)$$

(6.6)-(6.9) формулалардаги  $\Phi$ - бир йилдаги иш кунлари сони;  $H$ -сменадаги иш соатлари сони.

Одатда, механика цехлари 2 сменада ишлаш учун лойиҳаланади. Шунинг учун (6.3) формулага (6.4) формуладаги  $T_{\Sigma k}$  нинг қийматини ва (6.5) формуладаги  $\Phi_{\text{д.х.б}}$  қийматларини кўйиб, ушбу турдаги дастгоҳларнинг зарур (ҳисобий) сонини аниқлаймиз:

*бир тиңдаги деталларга ишлов бериш учун:*

$$C = \frac{T_{\Sigma k}}{F_{\text{д.х.б}} \cdot m} = \frac{t_k \cdot D}{60 \cdot F \cdot m \cdot k}; \quad (6.10)$$

бу ерда  $T_{\Sigma k}$  – деталларнинг йиллик сонига ушбу дастгоҳда ишлов бериш умумий вақт мөъёри, соат;

$\Phi_{\text{д.х.б}}$ - дастгоҳнинг бир сменали иш режимида йиллик хақиқий ишлаш вақт фонди, соат;

$m$ - сутка давомида дастгоҳнинг ишлаш сменалари сони;

$t_k$ - дастгоҳда ушбу деталга ишлов беришдаги донабай- кал куляцияли вақт;

$D$ - ушбу дастгоҳда йил давомида ишлов бериладиган бир хил номдаги деталлар сони;

$\Phi$ -бир сменали иш режимидағи дастгоҳнинг номинал йиллик ишлаш вақт фонди, соат;

$k$ - дастгоҳнинг таъмирланишида бўлган вақтини ҳисобга олган ҳолда номинал ишлаш вақт фондидан фойдаланиш коеффициенти,

*турли тиңдаги деталларга ишлов беришда эса қуидаги формула ёрдамида аниқланади:*

$$C = \frac{T_{\Sigma K}}{F_{\text{д.х.б}} \cdot m} = \frac{\Sigma t_k \cdot D}{60 \cdot F \cdot m \cdot k}, \quad (6.11)$$

бу ерда  $T_{\Sigma K}$  - деталларнинг йиллик сонига ушбу дастгоҳда ишлов бериш умумий вақт мөъёри, соат;

$\Phi_{\text{д.х.б}}$ - дастгоҳнинг бир сменали иш режимида йиллик хақиқий ишлаш вақт фонди, соат;

$\Sigma t_k$ - дастгоҳда ушбу турли хилдаги деталларга ишлов беришдаги донабай- кал куляцияли вақт йиғиндиси;

$D$ - ушбу дастгоҳда йил давомида ишлов бериладиган бир хил номдаги деталлар сони;

$\Phi$ - бир сменали иш режимидағи дастгоҳнинг номинал йиллик ишлаш вақт фонди, соат;

$k$ - дастгоҳнинг таъмирланишида бўлган вақтини ҳисобга олган ҳолда номинал ишлаш вақт фондидан фойдаланиш коеффициенти;

$m$ - сутка давомида дастгоҳнинг ишлаш сменалари сони.

41 соатли иш хафтаси учун йиллик ишлаш вақт фонди йилдаги календар кунлари (365) асосида ундан байрам кунларини (8 кун), хафтадаги 2 дам олиш кунини айириб, байрам олди иш куни 1 соатга қисқарганини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Икки сменали иш режимида смена давомийлиги 8 соат, йилдаги дам олиш кунлари - 97, иш куни 260 кундан

иборат бўлади. Бунда ишчиларнинг йиллик иш вақти фонди – 2070 соат бўлади. Дастроҳнинг 1 сменали ишлашида – 2070 соат, икки сменада - 4140 соат, уч сменали иш режимида - 6210 соат.

Дастроҳнинг юкланиш коефициентини ( $\eta_{\text{ю}}$ ) дастроҳнинг қай даражада иш билан бандлигини кўрсатади:

$$\eta_{\text{ю}} = \frac{T_{\Sigma K}}{F_{\text{д.х.в}} \cdot m \cdot S_{\text{каб}}} , \quad (6.12)$$

бу ерда  $T_{\Sigma K}$ - ушбу дастроҳда деталларнинг бир йиллик сонига ишлов бериш учун меъёрланган вақт йигиндиси;

$F_{\text{д.х.в}}$  - дастроҳнинг йиллик вақт фонди, соатда;

$m$  - иш сменалари сони;

$S_{\text{каб}}$  – қабул қилинган дастроҳлар сони.

Агар (6.12) formulani (6.3) formulaga қўйсак, у холда:

$$\eta_{\text{ю}} = \frac{T_{\Sigma K}}{F_{\text{д.х.в}} \cdot m \cdot S_{\text{каб}}} = \frac{C}{S_{\text{каб}}} , \quad (6.13)$$

формулани оламиз, яъни дастроҳларнинг юкланиш коефициенти уларнинг ҳисобий сони билан қабул қилинган сонларининг нисбатига тенг бўлади.

Агар  $C_k S_{\text{каб}}$  бўлса,  $\eta_{\text{ю}}$  бирга тенг бўлади (100 %). Бу қиймат серияли ишлаб чиқариш учун 0,85 дан кам бўлмаслиги керак.

Бундан ташқари барча қабул қилинган дастроҳлар учун ўртacha юкланиш коефициенти қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\eta_{\text{урт}} = \frac{\sum C}{\sum S_{\text{каб}}} , \quad (6.14)$$

бу ерда  $\sum C$ -цех бўйича барча турдаги ҳисобий дастроҳлар сони;

$\sum S_{\text{каб}}$ - цех бўйича барча турдаги қабул қилинган дастроҳлар сони.

Оммавий оқим бўйича ишлаб чиқариш шароити учун дастроҳлар сони қуидагича аниқланади:

$$C_o = \frac{t_o}{t_{u.\text{ч}}} , \quad (6.15)$$

бу ерда  $t_o$  – донабай вақт, мин.;

$t_{u.\text{ч}}$  – оқим линиясидаги ишлаб чиқариш такти, мин.

Ишлаб чиқариш такти қуидагича аниқланади:

$$t_{u.\text{ч}} = \frac{60 \cdot F_{\text{д.х.в}} \cdot m}{D} , \quad (6.16)$$

ёки  $F_{\text{д.х.в}}$  қийматини (6.5) асосида қабул қилиб, (6.16) formulani қуидаги қўринишга келтирамиз:

$$t_{u.u} = \frac{60 \cdot F_{\partial.x.e} \cdot m \cdot k}{D}, \quad (6.17)$$

Ишлаб чиқариш такти қийматини (6.15) формулага қўйиб, дастгоҳларнинг оқим линияси учун керакли сонини қўйидагича аниқлаймиз:

$$C_o = \frac{t_\partial \cdot D}{60 \cdot F_{\partial.x.e} \cdot m} = \frac{t_\partial \cdot D}{60 \cdot F \cdot m \cdot k}, \quad (6.18)$$

Агар дастгоҳ сони касрли кўринишда чиқса, у ҳолда ўсиш тартибида бутун сонга яхлитлаймиз ва бу дастгоҳнинг қабул қилинган сони ( $C_{kab}$ ) дейилади.

Оқимли линия учун дастгоҳларнинг умумий сони қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$C_{kab} \leq \sum_1^i S_o, \quad (6.19)$$

бу ерда  $C_o$  – оқим бўйича линияда битта операцияни бажариш учун қабул қилинган дастгоҳлар сони;

*u*-жараёнлар сони.

Оқим бўйича линия учун дастгоҳнинг юкланиш коеффициенти қўйидагича аниқланади:

$$\eta_{o.lo} = \frac{C_o}{S_o}, \quad (6.20)$$

ёки (6.15) га асосан

$$\eta_{o.lo} = \frac{t_\partial}{t_{u.u} \cdot S_o} \quad (6.21)$$

У ҳолда ўртача юкланиш коеффициенти қўйидагича аниқланади:

$$\eta_{ypr.lo} \frac{\sum C_o}{\sum S_o} = \frac{C_{kab}}{S_{kab}}, \quad (6.22)$$

бу ерда  $C_{kab}$  – линиядаги барча жараёнларни бажариш учун керакли дастгоҳлар (хисобий) сони;

$C_{kab}$  – линиядаги ушбу жараёнларни бажариш учун қабул қилинган дастгоҳлар сони.

### 6.3. Узлуксиз ишловчи линиядаги дастгоҳлар сонини аниқлаш

Ишлаб чиқаришнинг оқим бўйича усули, асосан, оммавий ва йирик серияли ишлаб чиқаришлар учун ўзига хосдир. Ишлов бериш учун жиҳозлар ёки йигиши учун иш жойлари технологик жараён кетма-кетлиги бўйича жойлаштирилади. Операциялар вақти детални ишлаб чиқариш тактига мослаштирилади.

Оммавий ишлаб чиқаришда бир предметли тұхтовсиз ишловчи оқим бўйича линия характеристидир. Серияли ишлаб чиқаришда ўзгарувчан-оқимли ёки кўп предметли гурухли оқимли линиялар қўлланилади. Ўзгарувчан-оқимли ва кўп предметли гурухли оқимли линияларнинг фарки, уларнинг биринчиси бошқа детални тайёрлашга ўтганда, қайта созланади ва ишлаб чиқариш такти ҳар хил детал учун ҳар хил бўлади, иккинчиси эса линияда бир вақтни ўзида ёки кетма - кет ҳар хил деталлар тайёрланади ёки йигилади ва қайта созланмайди, яъни ишлаб чиқариш такти бир хил қолади ёки ўзгариади.

Оқим бўйича линия механизациялашган ёки автоматлашган бўлиши мумкин.

Автоматлашган линияда автоматик жиҳозларда ишлов бериш ёки йиғиш механизациялашган бўлади, яъни унинг таркибига автоматлашган позиция ва ишчи ўрни киради.

Узлуксиз – оқим бўйича линиядаги дастгоҳлар сони ҳар бир операция учун аниқланади (автоматлашган линияда ҳар бир ўрин учун). Бунда дастгоҳларнинг ҳисобий сони қўйидагича аниқланади:

$$C''_X = \frac{t_\delta}{t_{u.4}}, \quad (6.23)$$

бу ерда  $t_\delta$  - донабай вақт (дастгоҳ ҳажми) мин., у қўйидагиларнинг йиғиндисидан иборат бўлади:

$$t_\delta = t_a + t_{\ddot{e}pd} + t_{mex} + t_{mash} + t_{man},$$

бу ерда  $t_a$  -асосий вақт;

$t_{\ddot{e}pd}$ -операцияни бажаришдаги ёрдамчи вақт (ўрнатиш, маҳкамлаш, кескични яқинлаштириш, узоқлаштириш, детални ечиш учун сарфланган вақт);

$t_{mex}$  - иш жойига техник хизмат қилиш вақти (битта детал учун) (кескични айлантириш, созлаш, мослаш ва бошқалар);

$t_{mash}$  - иш жойига ташкилий хизмат қилиш вақти (дастгоҳнинг ишга тайёрлаш, то-залаш, мойлаш, кесувчи асбобни олиш ва бошқа);

$t_{man}$  - белгиланган регламент бўйича дам олиш вақти;

$t_{u.4}$  - линиядаги детал ёки буюмни ишлаб чиқариш такти, мин.

Амалда техник мебўёrlаш қўйидаги формула билан ҳам аниқланади:

$$t_\delta = (t_a + t_{\ddot{e}pd}) \left(1 + \frac{\alpha}{100}\right), \quad (6.24)$$

бу ерда  $\alpha$ -оператив вақтга нисбатан йўқотилган вақт фоизи;

$$t_{on} = (t_a + t_{\ddot{e}pd}) - \text{оператив вақт.}$$

$\alpha$  -донабай вақтнинг қолган ташкил этувчи вақтларни фоизларда ифодалайди.

$\alpha$  катталиги дастгоҳларни созлаш мураккаблигига қараб оператив вақтнинг 6-10% атрофида, автоматлашган линиялар учун 18% гача бўлади.

$C''_X$  ни олинган қиймати энг яқин катта сонгача яхлитланади, яъни, бунда берилган операция учун ҳисобий дастгоҳлар сони  $C_x$  аниқланади.

## Дастгоҳлардан фойдаланишда юкланиш коеффициентининг рухсат этилган қийматлари

Дастгоҳлар гурӯҳи	Дастгоҳнинг юкланиш коеффициенти, $K_{\phi}$		Дастгоҳдан фойдаланиш коеффициенти, $K_{\phi}$
	Максимал	Гурӯҳ бўйича ўртacha	
Универсал дастгоҳ	0,95-1,0	0,8	0,9
Бир шпинделли ярим автомат ва автоматлар	0,95-1,0	0,85	0,83
Кўп шпинделли	0,90	0,90	0,8
Махсус ва агрегат дастгоҳлар	0,90	0,9	0,8
Мосланувчан ишлаб чиқариш тизими	0,95-1,0	0,9	0,75
СДБ дастгоҳлар	0,95	0,9	0,89

Шундан кейин берилган операция учун дастгоҳларнинг юкланиш коеффициенти аниқланади, у дастгоҳнинг хақиқий ишлаш вақтини самарали ишлаш вақт фондига нисбати билан аниқланади:

$$K_{\phi} = t_o / (t_{u.4} \cdot C_X) \quad \text{ёки} \quad K_{\phi} = C''_x / C_X, \quad (6.25)$$

бу ерда  $t_o$  - донабай вақт (дастгоҳ ҳажми) мин.,

$t_{u.4}$ -ишлаб чиқариш такти;

$C_X$  -дастгоҳларнинг яхлитланган ҳисобий сони;

$C''_x$  -дастгоҳларнинг ҳисобий сони.

Оқим бўйича линияларни ишлатиш шуни кўрсатмоқдаки, линия унумдорлигига заготовкани турли сабабларга кўра ўз вақтида етиб келмаслигидан ёндош дастгоҳларнинг тўхтаб қолиши сабаб бўлар экан. Ушбу йўқотишлар юкланиш коеффициенти катта бўлган операциялар учун сезиларли бўлади, чунки дастгоҳлар сонини аниқлашнинг келтирилган усули бундай йўқотишларни ҳисобга олмайди.

Дастгоҳдан фойдаланиш коеффициенти  $K_{\phi}$  ни қўллаб йўқотилган вақтни ҳисобга олишимиз мумкин, ушбу коеффициент маҳсулотни ишлаб чиқариш дастурини таъминлаш учун зарур бўлган дастгоҳларнинг ҳисобий бирлик қийматини дастгоҳларни қабул қилинган қийматига нисбатини ўзида намоён қиласди.

Шунинг учун ушбу операция учун қабул қилинган дастгоҳлар сони қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$C_{kab} = \frac{C_X}{K_{\phi}},$$

бу ерда  $C_X$  - дастгоҳларнинг яхлитланган ҳисобий сони;

$K_{\phi}$ -дастгоҳдан фойдаланиш коеффициенти.

6.2- жадвалда дастгоҳдан фойдаланиш коеффициенти  $K_{\phi}$  нинг қийматлари келтирилган. Бунда шу нарсага эътибор бериш керакки, тавсия этилган қийматдан ҳисобий юкланиш коеффициенти кичик бўлса, ҳисобий дастгоҳлар сони олинади ва дастгоҳдан фойдаланиш коеффициенти бир деб қабул қилинади. Дастгоҳнинг юкланиш коеффициенти  $K_{\phi}$  бирдан катта бўлмайди. Агар дастгоҳлар сони бутун сондан 0,05-0,1 ортиқ бўлса, кўрсатилган

операциядаги кесиш режимини, операциянинг структурасини, ишлатилаётган асбобсозлик материалини ва мосламаларни ўзгартириб, ишлов бериш унумдорилигини ошириш керак бўлади.

**6.1-мисол.** Оқим бўйича линияда тишли ғилдиракка ишлов беришда токарлик ишлов бериш ва тиш фрезалаш операциялари учун дастгоҳлар сони аниқлансин. Линия такти  $t_{u,4}$  к 2 мин;  $t_{\text{дон.тот}}$  к 1,75 мин;  $t_{\text{дон. фр}}$  к 9,8 мин. Ишлов бериш бир шпинделли ярим автоматларда амалга оширилади.

**Эчими:** Токарлик оперция учун дастгоҳлар сони:

$$C''_{x, \text{тот}} \text{к } 1,75F2 \text{ к } 0,85,$$

ўз навбатида, дастгоҳларнинг ҳисобий сони  $C_x$  к 1, дастгоҳнинг юкланиш коеффициенти  $K_{\text{ю.тот}}$  к 0,85, яъни 6.2-жадваладги максимал рухсат этилган қийматдан катта эмас. Шунинг учун  $C_{\text{каб.тот}}$  к 1.

Тиш фрезалаш учун дастгоҳлар сони:

$$C''_{x, \text{фр}} \text{к } 9,8F2 \text{ к } 4,9,$$

ўз навбатида, тиш фрезалаш дастгоҳлари сони  $C_{x, \text{фр}}$  к 5, дастгоҳларнинг юкланиш коеффициенти  $K_{\text{ю.фр}}$  к 0,98, яъни максимал юкланиш коеффициентидан катта. Бундай холатда қабул қилинган дастгоҳлар сони:

$$C_{\text{каб.фр}} \text{к } C_{x, \text{фр}} FK_{\phi} \text{к } 5F0,85 \approx 6 \text{ та дастгох.}$$

Узлукли ва гурухли оқим бўйича линиялар учун дастгоҳлар сони ҳар бир операция учун донабай-кал куляция вақт ва ҳар бир линияга бириктирилган деталнинг ишлаб чиқариш дастури бўйича аниқланади:

$$C''_X = \frac{\sum_{i=1}^n t_{\partial, \kappa, i} \cdot N_i}{\Phi_0 \cdot 60}, \quad (6.26)$$

бу ерда  $t_{\partial, \kappa, i}$  ва  $N_i$  - мос равишда дастгоҳда  $i$  чи детални тайёрлаш учун операциянинг донабай-кал куляцияли вақти ва ишлаб чиқариш дастури;

$\Phi_0$  – дастгоҳнинг йиллик самарали ишлаш вақт фонди;

$n$  – даврий ишловчи оқим бўйича линия учун деталлар турлари сони.

Агар тайёрлаш – тутатиш вақти номаълум бўлса, дастгоҳлар сони донабай вақт  $t_{\partial}$  орқали топилади:

$$C''_X = \frac{\sum_{i=1}^n t_{\partial, i} \cdot N_i}{\Phi_0 \cdot 60 \cdot K_{\kappa, c}}, \quad (6.27)$$

бу ерда  $K_{\kappa, c}$  -қайта созлаш коеффициенти, одатда  $K_{\kappa, c}$  к 0,95; гурухли оқим бўйича линия учун  $K_{\kappa, c}$  к 1.

Оқим бўйича ишлов беришни лойиҳалашнинг сифати маълум бир миқдорда оқим бўйича линиядаги дастгоҳларнинг юкланиш ва улардан фойдаланиш коеффициентларининг ўртача қийматлари орқали белгиланади, унинг қийматлари 0,75 дан кичик бўлиши керак.

#### 6.4. Оқим бўйича йигиши линиясида иш ўрниларини ҳисоблаш

Оқим бўйича йиғиш линиясида иш ўрниларини ҳар бир йиғиш операцияси учун унинг мазмуни, донабай вақт  $t_o$  ва ишлаб чиқариш тактига  $t_{u.c}$  асосан қуидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$M''_{ui\sigma} = t_o / t_{u.c} \cdot I , \quad (6.28)$$

бу ерда  $M''_{ui\sigma}$  -йиғиш жойидаги ишчиларнинг ҳисобий сони;

$I$ - ушбу иш ўрнидаги ишчилар сони.

Йиғишдаги иш жойлари  $M''_{ui\sigma}$  касрли сон бўлса, у  $M''_{ui\sigma}$  энг яқин катта бутун сонга яхлитланади.

Битта иш ўрнида йиғувчилар сони кўпайса иш ўринлари сони ва оқим бўйича линия узунлиги камаяди.

Конвеерда йиғишни бажариш учун конвеернинг тезлигини ва турини аниқлаш керак. Конвеернинг ҳисобий тезлиги қуидагича аниқланади:

$$\vartheta_x = \ell / t_{u.c} , \quad (6.29)$$

бу ерда  $\ell$  -конвеер қадами, у иккита йиғилаётган маҳсулотларнинг ўқлари орасидаги ма-софага teng, mm:

$$\ell = \ell_1 + \ell_2$$

бу ерда  $\ell_1$ -йиғилаётган машсулотнинг силжиш йўналиши бўйича габарит узунлиги, mm;

$\ell_2$  - йиғилаётган маҳсулотлар орасидаги масофа, mm.

Бу масофа йиғишни қулайлигини таъминлаши керак.

Тўхтовсиз ҳаракатланувчи конвеерларда тезлик катта габаритли буюмлар учун (автомобил, трактор) 0,5-5,5 м/мин ва ўртача ўлчамли қисмлар, аппаратлар, приборлар учун 0,3-1,5 м/мин бўлади.

Агар ҳисобий тезлик  $\vartheta_x$  кўрсатилган тезликлардан катта бўлса, ишни икки ёки ундан ортиқ параллел конвеерларда йиғиш тактига мос равишда ташкил қилиш керак.

Агар ҳисобий тезлик кўрсатилган тезликлардан кичик бўлса, йиғишни даврий ҳаракатланувчи конвеерда бажариш керак. Йиғишдаги иш ўринини бир текис юкланишини таъминлаш учун йиғувчи операциянинг миқдори танланган йиғиш тактига мос келиши билан, яъни юкланиш коеффициенти орқали аниқланади:

$$K_\sigma = M''_{ui\sigma} / M''_{ui\sigma} , \quad (6.30)$$

бу ерда  $M''_{ui\sigma}$  - йиғиш жойидаги ишчиларнинг ҳисобий сони;

$M''_{ui\sigma}$ -қабул килинган ишчиларнинг ҳисобий сони.

Даврий ҳаракатланувчи конвеерда бажариладиган операциялар учун иш ўрнилари сони, конвеердаги йиғилаётган буюмни силжишига кетган қўшимча  $\psi$  вақтни ҳисобга олиб аниқланади, чунки силжиш иш ўрнидаги ҳамма операциялар бажарилгандан кейин амалга ошади,

$$M_{\text{шис}}'' = \frac{t_o}{(t_{u.4} - t_c) \cdot I}, \quad (6.31)$$

маҳсулотнинг силжиш вақти силжиш тезлиги  $B_c$  га боғлиқ;  $V_c/t_c = V_c \cdot \ell$ . Узун конвеерларда оғир маҳсулотлар йиғишида силжиш тезлиги 5 м/мин, майда маҳсулотлар ва қисмлар учун 15-20 м/мин гача бўлади.

Конвеерда умумий иш ўринлари сони қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$M_{\text{шис}\cdot k} = \sum_{i=1}^n M_{\text{шис}\cdot i} + M_{\text{рез}}, \quad (6.32)$$

бу ерда  $n$ -конвеердаги йиғиши операциялари сони, бунга назорат операцияси ҳам қўшилади;  
 $M_{\text{рез}}$  – резерв постлар сони, улар маҳсулотни модернизация қилиш жараёнида керак бўлади ва у  $\sum_{i=1}^n M_{\text{шис}\cdot i}$  нинг 5-10% ини ташкил қиласди.

Унча катта бўлмаган йиғма бирликлари учун оқим бўйича линия қўлланилмайди. Бу ҳолда йиғиши учун керакли иш ўрнилари қуйидаги формула билан ёрдамида аниқланади:

$$M_{\text{шис}}'' = \frac{T_{\text{шис}} N}{\Phi_{H.Y} \cdot 60 I}, \quad (6.33)$$

бу ерда  $T_{\text{шис}}$  – маҳсулотни йиғишнинг иш ҳажми, мин;

$H$ -ишлиб чиқаришни йиллик дастури;

$\Phi_{H.Y}$ -иши ўрнининг бир йилдаги самарали вақт фонди, соат;

$I$ -битта иш ўрнидаги ишчилар сони.

## 6.6. Ишчилар таркиби ва сонини аниқлаш

Цех иш фаолиятида иштирок этувчи умумий ишчилар сони қуйидагилардан иборат:

а) асосий ишчилар, асосан дастгоҳларда ишловчилар;

б) ёрдамчи ишчилар;

в) кичик хизмат кўрсатувчи ходимлар;

г) хизматчилар; муҳандис-техник ходимлар (МТХ) ва ҳисоб-идора ходимлари (ҲИХ).

Якка тартибли ва серияли ишлиб чиқаришлар учун асосий ишчилар сони иш тури ва малакаси бўйича (разряд) қуйидаги икки усуlda аниқланади:

1) йил давомида ишлиб чиқариладиган деталларни тайёрлаш учун керакли умумий вақт меъёри бўйича;

2) дастгоҳларнинг берилган сони бўйича.

Умумий вақт меъёри бўйича технологик картада ҳар бир жараён учун берилган дона-бай-кал куляцияли вақт асосида дастгоҳда ишловчи ишчилар сони қуйидагича аниқланади:

$$R_{\text{дасм}} = \frac{T_{\Sigma \partial-\kappa}}{F_{u.x.\kappa} \cdot C_u} = \frac{\sum t_{\partial-\kappa} \cdot D}{60 \cdot F_{u.x.\kappa} \cdot C_u}, \quad (6.39)$$

бу ерда  $T_{\Sigma d-k}$ -йиллик ишалб чиқариладиган деталларга ишлов бериш учун сарфланадиган умумий мәйеरий донабай-кал куляцияли вакт, соат;

$\Phi_{u.x.\sigma}$ - бир ишчининг йил давомида хақиқий ишлаш вакт фонди, соат;

$C_u$  – бир ишчининг бир вактнинг ўзида ишлайдиган дастгоҳлар сони;

$m_{d-k}$  – бир деталга ишлов бериш донабай кал куляция вақти, мин;

$D$  – йил давомида ишлов бериладиган бир турдаги деталлар сони.

*Дастгоҳларнинг берилган сони бўйича ишчилар сони қуидагича аниқланади:*

$$R_{dastm} = \frac{F_{d.x.\sigma} \cdot m \cdot C_{kab} \cdot \eta_o}{F_{u.x.\sigma} \cdot C_u}, \quad (6.40)$$

бу ерда  $\Phi_{d.x.\sigma}$ -бир сменали ишлашда дастгоҳнинг хақиқий йиллик вакт фонди, соат;

$m$ -бир суткада дастгоҳнинг ишлаш сменалари сони;

$C_{kab}$ -қабул қилинган дастгоҳлар сони;

$\eta_o$ -дастгоҳларнинг юкланиш коеффициенти;

$\Phi_{u.x.\sigma}$ - бир ишчининг йил давомида хақиқий ишлаш вакт фонди, соат;

$C_u$ - бир ишчининг бир вактнинг ўзида ишлайдиган дастгоҳлар сони.

Агар (6.39) ва (6.40) формуулалар бўйича ишчилар сони касрли чиқса, у ҳолда бутун сонга яхлитланади.

Ишчининг йиллик номинал вакт фонди ( $\Phi_y$ ) жиҳозларнинг йиллик номинал вакти сингари аниқланади, яъни календардаги кунлардан дам олиш ва байрам кунлари айрилади. Бунда ҳам йил давомидаги байрам олди қисқартирилган кунлари ҳисобга олинади. Демак, ишчининг йиллик ишлаш номинал вакт фонди дастгоҳнинг йиллик ишлаш вакт фондига тенг бўлади, яъни 41 хафталик иш режими учун 2070 соатни ташкил этади.

Ишчини йил давомидаги таътил вакти ва ишга узрли сабабларга кўра келмаслигини ҳисобга олувчи коеффициент  $K_u$  лойиха ишларида тегишли мәйеरлар асосида олинади ва у механика-йигув цехлари учун 15 кунлик таътил учун  $K_u$  0,9 (номинал йиллик вакт фондининг 10 фоизи), 18 кунлик таътил учун  $K_u$  0,89 (номинал йиллик вакт фондининг 11 фоизи), 24 кунлик таътил учун  $K_u$  0,87 (номинал вакт фондининг 13 фоизи) тенг бўлади.  $K_u$  ни ҳисобга олган ҳолда ишчининг йиллик хақиқий ишлаш вакт фонди, тегишли равишда 1860, 1840 ва 1800 соатга тенг бўлади, яъни:

$$F_{u.x.\sigma} = F_u \cdot K_u$$

Механика цехи учун ишлаб чиқариш ишчилари сонининг дастгоҳчилар сонига нисбатан фоиз ҳисобида қабул қилинади, масалан якка тартибли ва майда серияли ишлаб чиқаришлар учун 3-5%, йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришлар учун 1-3% гача бўлади.

Цехдаги ёрдамчи ишларни бажариш учун ёрдамчи ишчилар таркиби қабул қилинади. Буларга дастгоҳ созловчилар, бригадирлар, асбоб тарқатувчилар, омборчилар, мойловчилар, чархловчилар, назоратчилар, кран хайдовчилари, электромонтёрлар ва бошқа ишчилар кира-ди.

Юқоридаги ҳар бир ёрдамчи ишчилар сони бажариладиган иш тавсифи ва ҳажми асосида олинади. Масалан: дастгоҳ созловчилар, электромонтёрлар, асбоб тарқатувчилар хизмат кўрсатувчи дастгоҳлар сони асосида; кран хайдовчиси цехдаги кранлар сонига асосан; назоратчилар технологик назорат жараёни асосида; чархловчилар чархлаш дастгоҳлари сонига асосан ва ҳ.к.

Ёрдамчи ишчилар сонини кўпчилик холларда ҳисобий йўл билан аниқланмайди, балки асосий ишлаб чиқариш ишчилари сонига нисбатан фоиз ҳисобида олинади. Ёрдамчи ишчиларни 2 гурухга бўлиш мумкин:

1. Дастгоҳларга хизмат кўрсатувчи ёрдамчи ишчилар.

2. Дастгоҳларга хизмат кўрсатмайдиган ёрдамчи ишчилар.

Биринчи гурухдагилар сони ёрдамчи ишчиларнинг умумий сонига нисбатан 60%, иккинчиси эса 40% ни ташкил қиласи.

Серияли ишлаб чиқаришда ёрдамчи ишчилар асосий ишчиларга нисбатан 18-25% ни, оммавий ишлаб чиқаришда эса 35-50% ни ташкил қиласы.

Кичик хизмат күрсатувчи ходимлар: цех ва майший хоналарнинг тозаловчилари, курерлар, телефончилар - ишчилар сонига нисбатан 2-3% ни ташкил этади.

Цех хизматчилари икки категорияга бўлинади: мухандис-техник ва ҳисоб-идора ходимлари. Уларнинг умумий сони умумий ишчилар сонига нисбатан 15-18% ни ташкил қиласы, чунончи 11-13% ни мухандис-техник ходимлар, қолган қисми эса ҳисоб-идора ходимларига тўғри келади. Демак, (6.40) га асосан ёрдамчи ишчилар сони серияли ишлаб чиқариш учун қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$P_{\text{ёрд}} \leftarrow \frac{R_{\text{dacm}} \cdot (8 - 25\%)}{100}, \quad (6.41)$$

бу ерда  $P_{\text{dacm}}$  – асосий ишчилар сони

Оммавий ишлаб чиқариш учун қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$P_{\text{ёрд}} \leftarrow \frac{R_{\text{dacm}} \cdot (5 - 50\%)}{100}, \quad (6.42)$$

бу ерда  $P_{\text{dacm}}$  – асосий ишчилар сони.

Кичик хизмат күрсатувчи ходимлар сони қуидаги аниқланади:

$$P_{\text{кx}} \leftarrow \frac{(R_{\text{dacm}} + R_{\text{ёрд}}) \cdot (2 - 3\%)}{100}, \quad (6.43)$$

бу ерда  $P_{\text{dacm}}$  – асосий ишчилар сони

$P_{\text{ёрд}}$  – ёрдамчи ишчилар сони.

Хизматчи ходимлар сони қуидаги аниқланади:

$$P_{\text{xx}} \leftarrow \frac{(R_{\text{dacm}} + R_{\text{ёрд}}) \cdot (15 - 18\%)}{100}, \quad (6.44)$$

бу ерда  $P_{\text{dacm}}$  – асосий ишчилар сони

$P_{\text{ёрд}}$  – ёрдамчи ишчилар сони.

Мухандис - техник ходимлар сони қуидаги аниқланади:

$$P_{\text{ммх}} \leftarrow \frac{(R_{\text{dacm}} + R_{\text{ёрд}}) \cdot (11 - 13\%)}{100}, \quad (6.45)$$

Ҳисоб-идора ходимлари сони қуидаги аниқланади:

$$P_{\text{xux}} \leftarrow \frac{(R_{\text{dacm}} + R_{\text{ёрд}}) \cdot (7 - 9\%)}{100}, \quad (6.46)$$

## Синов саволлари

1. Ишлаб чиқариш такти нима?
2. Дастгоҳларнинг йиллик ҳақиқий ишлаш вақт фонди қандай аниқланади?

3. Аңъанавий технологик жараён нима?
  4. Дастроҳларнинг юкланиш коеффициенти қандай аниқланади?
  5. Дастроҳларнинг юкланиш графиги нимани англатади?
  6. Кур ерлар вазифасига нималар киради?
  7. Муҳандис-техник ходимлар таркиби кимлардан иборат бўлади?
  8. Ҳисоб-идора ходимлари таркиби ва вазифаси?
  9. Муҳандис-техник ходимлар сони қандай аниқланади?
10. Ёрдамчи ишчиларга кимлар киради?

## ВИИ БОБ. ЦЕХНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

### 7.1. Жиҳозлар ва иш жойларини режалаштириш

Аввалги боблардан маълумки, механика цехларининг ишлаб чиқариш бўлимлари таркиби тайёрланадиган маҳсулот ва технологик жараён таснифи, ҳажми ва ишлаб чиқаришини ташкил қилиш шаклига асосан аниқланади.

Оммавий ишлаб чиқаришда, масалан, автотрактор корхонасидаги цехлар тайёрлаётган агрегат номи билан аталади ва улар участкаларга бўлинади. Мисол учун, двигател тайёрлайдиган цех «Мотор» цехи, участкалари эса «Цилиндрлар блоки», «Тирсакли вал», «Втулка, клапан» ва х.к. деб аталади.

Серияли ишлаб чиқаришда цех деталларнинг ўлчами бўйича участкаларга бўлинади, масалан йирик деталлар участкаси, ўрта деталлар участкаси (пролёт), майда деталлар участкаси (пролёт) ёки детал тури ва тавсифи бўйича: Валлар участкаси (пролёт), тишли фидираклар участкаси (пролёт), корпус деталлар участкаси (пролёт).

**Пролёт** - деб икки қатор параллел устунлар билан қўндаланг кесимда чегараланган бинонинг қисмига айтилади.

Цехда участкаларни, линияларни ўзаро жойлаштириш технологик жараён тавсифи асосида бажарилади.

Механика цехининг участкаларидаги металл кесиш дастгоҳлари 2 хил усулда жойлаштирилади:

1. Дастгоҳлар тури бўйича.
2. Технологик операция тартиби бўйича.

**Дастгоҳларнинг тури бўйича** жойлаштириш якка тартибли ва майда серияли ишлаб чиқаришлар ҳамда алоҳида деталлар учун қўлланилади, серияли ишлаб чиқаришда деталларнинг бир хиллик белгиси бўйича, яъни бир хил дастгоҳ участкалари ташкил этилади: токарлик, сидириш, фрезерлик, пармалаш, жилвирлаш ва х.к.


Бундай участкаларни кетма-кет жойлаштириш кўпчилик бўлган бир турдаги деталларга ишлов бериш кетма-кетлиги асосида амалга оширилади. Масалан, айланма шаклли деталлар (шкивлар, фланецлар, дисклар, втулка, валиклар) учун участка бошида токарлик дастгоҳлари, сўнгра фрезерлик участкаси жойлаштирилади. Бунда универсал фрезерлик, горизонтал фрезерлик, вертикал фрезерлик ҳамда тиш йўниш дастгоҳлари жойлаштирилади. Фрезерлик дастгоҳлари ёнида қўндаланг сидириш дастгоҳлари, сўнгра радиал ва вертикал пармалаш дастгоҳлари жойлаштирилади. Тоза ишлов берувчи жилвирлаш дастгоҳлари цехнинг охирида жойлаштирилади.

Дастгоҳларни жойлаштиришда тўғри линияли ҳаракатни таъминлаш билан биргалиқда кран ости майдонларидан максимал фойдаланишга ҳам эришиш керак. Бунинг учун деталларнинг оғирлиги бўйича дастгоҳларни жойлаштириш керак.

**Технологик операция тартиби бўйича жойлаштириши усули** серияли ва оммавий ишлаб чиқаришларда қўлланилади. Бунда дастгоҳлар бир турдаги деталларга ишлов бериш кетма-кетлиги бўйича жойлаштирилади.


Дастгоҳларнинг линияга жойлаштириш ишлов беришда ҳар бир деталнинг энг қисқа ҳаракат йўлини таъминлаши керак. Тескари ёки айланасимон ҳаракатлар деталларни ташишга халақит беради.

Деталларни тартиб билан дастгоҳдан дастгоҳга ўтиши деталларнинг ҳаракат технологик линияси бўлиб, бу ҳаракат жиҳозлар режасида кўрсатилиши мумкин (7.1-расм).



### 7.1-расм. Механика цехида деталлар ҳаракатининг схемаси

1-шпонка очии дастгоҳи; 2-назорат плитаси; 3-токарлик дастгоҳи; 4-каруселли дастгоҳи; 5-күндаланг сидирии дастгоҳи; 6-йүниши дастгоҳи; 7-назорат плитаси; 8-йүниб кенгаштириши дастгоҳи; 9-радиал-пармалаши дастгоҳи; 10-назорат плитаси; 11-токарлик дастгоҳи; 12-радиал пармалаши дастгоҳи; 13-синаши пункти; 14-йүниб кенгайтириши дастгоҳи; 15-токарлик дастгоҳи; 16-назорат плитаси.





















### 7.2-расм. Бир пролётдан бошқа пролётга деталларни узатиш схемаси


Деталларни бошқа пролётта узатишда уларнинг тўғри линияли ҳаракатини сақлаб олиши керак. Деталларни узатиш қуийдаги усулда бажарилиши мумкин (7.2-расм): авто аравада, электрли аравада 1, буриувчи кран 2 ёрдамида, рол ганг 3 ёрдамида, монорел с йўли билан тел фер 4 ёрдамида, кўприкли кран 5 билан.

Бир технологик линияда бир нечта ўхшаш деталларга ишлов беришда дастгоҳларнинг охирги холатини танлаш кийин кечади. Бунинг учун дастлаб дастгоҳнинг шакли картон қоғозга чизилади ва уни қийиб олинниб, режага жойлаштирилади (миқёс бўйича). Шундай қилиб, бир нечта варианлар териб чиқилиб, деталларнинг энг қисқа ҳаракатини таъминлайдиган вариант танлаб олинади.


Дастгоҳ габаритларини чизишда унинг энг четки чиқиб турган қисмларининг контури олинади ва дастгоҳнинг ҳаракатланувчи қисмларининг энг четки холати қабул қилинади.

Чивиқдандан детал тайёрлайдиган револ верли дастгоҳлар габаритига чивиқни энг узун қисми ҳам киради. Ҳар бир дастгоҳ турига шартли белгилаш берилади (7.3-расм). 7.3-расмда айрим дастгоҳларнинг 1:100 миқёсдаги шартли белгилари берилган.





7.3-расм. Металл кесиши дастгоҳлари ва иш жойларининг шартли график белгилари (давоми)



7.3-расм. Металл кесиши дастгоҳлари ва иш жойларининг шартли график белгилари (давоми)

Дастгоҳларнинг жойлашиш режасини ишлашда, уларнинг холатини устунга нисбатан олиш мақсадга мувоғик бўлади. Бу билан ҳар бир дастгоҳнинг бир-бирига нисбатан аниқ жойлашишига эришилади. Ҳар бир устун рақамланади ва унга нисбатан дастгоҳлар икки йўналишда жойлаштирилади.

Дастгоҳларнинг жойлаштиришда дастгоҳларнинг орасидаги бўйлама ва кўндаланг оралиқ масофани тўғри мебўёр асосида олиш керак.

Дастгоҳларнинг режалаштиришда улар орасидаги ва бино элементлари орасидаги минимал оралиқ таъминланиши керак:

1. Майда дастгоҳларга габарит ўлчамлари 1800x800 мм гача, ўрта дастгоҳларга 4000 x 2000 мм гача, йирик дастгоҳларга 8000 x 4000 мм гача, ўта йирик дастгоҳларга 15000 x 6000 мм гача бўлган габарит ўлчамли дастгоҳлар киради.

2. 15000 x 6000 габарит ўлчамга эга бўлган дастгоҳлар ўта оғир ва улкан дастгоҳ ҳисобланади.

3. Масофанинг минимал ўлчамлари дастгоҳнинг ҳаракатланувчи четки нуқталаридан кўрсатилган.

4. Кўрсатилган масофалар деталларни сақлаш учун жойни ҳисобга олмайди.

5. Яқин турган дастгоҳларнинг ўлчамлари турли хил бўлганда таклиф қилинаётган энг катта ўлчам қабул қилинади.

6. Фундаментга индивидуал ўрнатилган дастгоҳлар орасидаги масофа устун ва девордан дастгоҳ, девор, устун фундаментларини конфигурацияси асосида олинади.


7. Ишчининг дастгоҳ олдиаги иш жойи режада айланана билан белгиланади (500 мм тегишли миқёсда), айлананинг ярим қисми бўялади. Бўялмаган қисм ишчининг юз қисмини билдиради ва дастгоҳга қаратиб чизилади. Дастгоҳ олдиаги ишчи зона ўлчами 800 мм ни ташкил қиласди. (7.4-расмга қаранг).

**7.1- жадвал**

### **Металл кесиши дастгоҳлари ва бино конструкцияси элементлари орасидаги минимал масофалар**


<b>Масофа, мм</b>	<b>1800x800 мм.гача га- барит ўл- чамли май- да даст- гоҳлар учун</b>	<b>4000x2000 мм.гача габарит ўлчамли ўрта даст- гоҳлар учун</b>	<b>8000x4000 мм.гача габарит ўлчамли йирик дастгоҳлар учун</b>	<b>15000x6000 мм.гача га- барит ўл- чамли ўта йирик даст- гоҳлар учун</b>
-Турли хилдаги дастгоҳлар учун линия бўйлаб дастгоҳлар орасидаги «а» масофа (7.4-расм) -Дастгоҳларнинг бир-бирига орқа томони билан жойлаштирганда «б» ўлчам қиймати (7.5-расм). . . .	700	900	1500	2000
....				
- Дастгоҳларнинг орқа томони ва деворни ички томони билан девор узунлиги бўйлаб дастгоҳнинг жойлаштиришда «в» масофа қиймати (7.6-расм) . . . . .	700	800	1200	1500
-Дастгоҳнинг ён томонидан деворларгача бўлган «г» - масофа қиймати (7.7-расм).				
-Дастгоҳнинг олд томони билан девор тарафга жойлаштиришда ва ишчи девор ва дастгоҳ орасида жойлашганда «д»-масофа қийма- ти. (7.8-расм) . . . . .	700	800	900	1000
-Дастгоҳ ва устун орасидаги ма- софалар:	700	800	900	1000
-Э-дастгоҳ орқа томони ва устун- гача (7.9-расм). . .				


-Ж-дастгоҳнинг ён тарафи ва устунгача (7.9-расм) . . .				
-З-дастгоҳ олд тарафи ва устунгача (7.9-расм) . .				
-Кўп шпинделли ва бир шпинделли токарлик дастгоҳлари орасидаги «И» ва «К» масофалар (7.10-расм) .	1300	1500	2000	-
-Дастгоҳларнинг йўлакка ён арафи билан кўндаланг жойлаштиришда «Л»-масофа (7.11-расм) . . . . .	700	800	900	1000
-Йўлакка дастгоҳларнинг кўндаланг жойлаштиришдаги масофалар:	700	800	900	1000
-М-ҳар бир дастгоҳга аохида ишчи хизмат кўрсаца, (7.12-расм) . .	1300	1500	2000	-
-Н-бир ишчи икки дастгоҳда ишлаганда (7.12 –расм) . . . . .	1300	1500	2000	-
	1300	1500	2000	-
	1300	1500	2000	-
	2000	2500	3000	-
	1300	1500	-	-



**7.5-расм. Линия бўйлаб турли хилдаги дастгоҳлар орасидаги «а» масофа схемаси**


1-токарлик; 2-фрезерлик; 3-кўндалданг сидириши; 4-автомат ва револ верли, патронли; 5-автомат ва револ верли прутли; 6-автомат ва револ вер шахмат усулида жойлашганда; 7-думалоқ жилвирлаш; 8-бўйлама сидириши, фрезерлик тортиши; 9-ясси жилвирлаш дастгоҳлари учун.






**7.6-расм. Дастьоҳларнинг бир-бирига орқа томони билан жойлаштиргандага «б» ўлчам қиймати**

1-токарлик; 2-универсал фрезерлик ва тиши очии; 3-кўндаланг сидириши; 4-жилвирлаши; 5-автомат ва револ вер; 6-бўйлама сидириши, фрезерлик, йўниши ва ясси жилвирлаши; 7-прутокли ревал вер ва автомат дастгоҳлари учун.




**7.7-расм. Дастьоҳларнинг орқа томони ва деворнинг ички томони билан девор узунлиги бўйлаб дастгоҳнинг жойлаштиришда «в» масофа қиймати**

1-девор; 2-устун; 3-дастьоҳ; 4-ишининг жойи




**7.8-расм. Дастьоҳнинг ён томонидан деворларгача бўлган «г» масофа қиймати**




**7.9-расм. Дастьоҳнинг олд томони билан девор тарафга жойлаштиришда ва ишчи девор ва дастгоҳ орасидаги «д» масофа қиймати**

1-девор; 2-устун; 3-дастьоҳ; 4-иши жойи; 5-иситиш тармоғи.




**7.10-расм. Даствоҳ ва устун орасидаги масофалар**


е-даствоҳ орқа томони ва устунгача; ж-даствоҳнинг ён тарафи ва устунгача; з-даствоҳ олд тарафи ва устунгача:



**7.11-расм. Кўп шпинделли «И» ва бир шпинделли токарлик даствоҳлари орасидаги «К» масофалар**



**7.12-расм. Даствоҳларнинг йўлакка ён тарафи билан кўндаланг жойлаштиришдаги «Л» масофа**



**7.13-расм. Йўлакка нисбатан дастгоҳларнинг кўндаланг жойлаштиришдаги масофалар**

*M-ҳар бир дастгоҳга алоҳида ишчи хизмат кўрсақа,  
Н-бир ишчи икки дастгоҳ хизмат кўрсақа.*

Дастгоҳлар орасидан материаллар, маҳсулотларни ташиш, одамларнинг ҳаракатланниши учун асосий бўйлама йўлкаларнинг кенглиги танланган транспорт воситаси кенглиги асосида қабул қилинади (дастаки, электрли, автоарава, юк автомобили, рол ганг, конвеер ва бошқалар). Ташиладиган юк габарити транспорт воситаси габаритидан ташқарига чиқмаслиги керак. Бунда, асосий йўлак кенглиги бўйича дастгоҳлар орасидаги А масофа транспорт воситаларининг бир ва икки йўналиши бўйича олинади.


Линия дастгоҳлари ва осма конвеер орасидаги масофа (7.13-расм, ж,з,и) ушбу формула бўйича аниқланиши тавсия қилинади:

$$B_{\text{к2}} D_{\text{К300}}, \quad [\text{мм}] \quad (7.1)$$

бу ерда  $D$  - ҳаракатланувчи деталнинг энг катта ўлчами, мм.

Иккинчи даражали йўлаклар ишчиларни дастгоҳлар орасидан ўтиши учун лойиҳаланади.


Дастгоҳлар пролётда икки, уч ва тўрт қаторли қилиб, дастгоҳ кенглиги ва узунлиги бўйича жойлаштирилади. Йирик дастгоҳлар пролётда икки қатор, ўрта дастгоҳлар икки-уч, майда дастгоҳлар эса уч-тўрт қатордан жойлаштирилади.



**7.14-расм. Дастьохлар орасидаги йўлак кенглиги, линия дастьохлари билан осма ва ер усти конвеерлари орасидаги масофалар**


- А ўлчамлари:
- а) - 3000-2500 мм.
  - 4000-3500 мм.
  - 6000-5500 мм.
  - б) – 3300-2000 мм.
  - 4800-3500 мм.
  - в),г),д) – 4000-2000 мм.
  - 5500-3500 мм.
  - е) – 3000-2500 мм.

Юқоридаги жойлаштириш учун 7.11, 7.12, 7.13, 7.14-расмларда йўлакларни жойлаштириш усуллари берилган.




**7.15-расм. Дастьохларни икки қатор жойлаштириш**


**7.16-расм. Дастьохларни уч қатор жойлаштириш**




**7.17-расм. Дастьохларни бир пролёт ичига бир бўйлама ва уч кўндаланг йўлакларда жойлаштириш**




**7.18-расм. Дастьгох ларни пролёт бўйича икки қаторли параллел бўйлама йўлакларда жойлаштириш**




**7.19-расм. Дастьгоҳларни пролётда бўйлама ва кўндаланг жойлаштириш**




**7.20-расм. Токарлик револ верли дастьгоҳларни бурчак остида жойлаштириш**




**7.21-расм. Йўниб кенгайтириш дастгоҳларини бурчак остида ва бўйлама сидириш дастгоҳларни йўлка бўйлаб жойлаштириш**



**7.22-расм. Токарлик револ верли дастгоҳларни шахмат усулида жойлаштириш**




**7.23-расм. Дастгоҳларни рол гангга нисбатан жойлаштириш а-бўйлама, б-кўндаланг, в-линияда.**




7.24-расм. Оқим бўйича линияда дастгоҳларни жойлаштириш:

*а-бир қаторли, б-икки қаторли; в-икки параллел оқим бўйича (сонлар дастгоҳларнинг тартиб рақамини билдиради)*




7.25-расм. Бир ишчини бир вақтнинг ўзида ишлиши учун 6 та дастгоҳни жойлаштириш

*а-заготовка, б-тайёр деталлар, 1,2,3 – операциялар*




7.27-расм. Оқим бўйича линияда деталлар ва ишчи йылини исартириш масадида дастгоҳларни жойлаштириш

*(сонлар дастгоҳларнинг тартиби)*



**7.28-расм. Лентали конвеер кўлланган поршенинг ишлов берувчи оқим бўйича линия режасининг схемаси**

Операциялар: 1-йўниш; 2-тешикни зенкерлаш; 3-йўниш; 4-фрезерлаш; 5-тешиклари пармалаш; 6-дастлабки жилвирлаш; 7-тоза жилвирлаш; 8-тешикни тоза йўниш; 9-канавка очиш: а-заготовка учун тара; б-қабул столи; в-лентали конвеер; г-тайёр маҳсулот тараси.



**7.29-расм. Тишли ғилдиракка ишлов берувчи оқим бўйича линия режасининг схемаси**

1 ва 2-токарлик ишлов берииш; 3-тишини фрезалаш; 4-тишини етилтириши дастгоҳлари; 5-заготовкалар; 6-рол ганг; 7-биринчи конвеер; 8- иккинчи конвеер; 9-юшини машинаси; 10-техник назоратдан ўтказилиши бўлими; 11-термик цехига конвеер

## 7.2. Цех майдонининг ўлчамларини аниқлаш

Лойиҳалашда ишлаб чиқариш майдони барча дастгоҳлар, иш жойлари, конвеерлар ва бошқа қурилмалар, заготовка жойи ва йўлакларнинг режасини тузиш билан аниқланади. Жойлаштириш режаси асосида қабул қилинган пролётлар сони, узунлиги ва кенглиги аниқланади. Пролёт кенглиги (яъни, устунлар ўқлари орасидаги кўндаланг йўналишдаги ўл-

чам) қабул қилингандай жиҳозлар ва транспорт воситаси габарит ўлчамларига боғлиқдир. Куйида механика цехлари учун кенг тарқалган пролёт кенгликлари кўрсатилган

-енгил машинасозлик учун	18 метр.
-ўрта машинасозлик учун	18 ва 24 метр.
-оғир машинасозлик учун	24; 30; 36 метр.

Механика цехининг барча пролётлари бир хил қилиб олинади. Баъзи холатда, масалан, йирик дастгоҳлар ҳам жойлатирилганида, бошқаларга нисбатан пролёт 1,2 баробар кенг қабул қилинади.

Устуннинг ўқлари орасидаги бўйлама йўналишидаги масофа *устун қадами* деб атала-ди. Одатда у 6; 9 метр, баъзида 12 м қилиб, бино материали ва конструкциясига асосан қабул қилинади. Устунлар орасидаги кўндаланг ва бўйлама йўналишидаги масофа *устун тури* дейилади ва у механика цехларида 18x6 ва 24x6 м ёки 18x12 м ва 24x12 м, оғир машинасозликда 30x6 ва 36x6 м, айрим холатларда устун қадами 9 ва 12 м олинади. Автотрактор-созликда, одатда, 18x6м ва 24x6м ёки 18x12 ва 24x12 м олинади.

Пролётнинг узунлиги қаторда жойлашган ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бўлимлар, ўйлаклар ва бошқа участкалар ўлчамлари йифиндиси орқали аниқланади. Пролёт узунлиги устун қадамига тенг бўлиши керак.

Пролётнинг керакли сони, кенглиги ва узунлиги аниқлангандан сўнг цех ишлаб чиқариш майдони аниқланади.

**Пролёт баландлиги** – механика цехларида қўприкли кран қўлланилса, 6; 15 м дан кам (пол сатҳидан кран ости рел си каллагигача) бўлмаслиги керак, оғир машинасозликда баландроқ, яъни 16 м бўлиши мумкин. Агар цехда тел фер ёки балкали кран қўлланилган бўлса, баландлик у ҳолда 6 м қабул қилинади.

Цех майдонидан фойдаланишни характерловчи кўрсаткич **нисбий майдондир**, яъни ҳар бир дастгоҳга тўғри келувчи ўртacha майдон тушунилади. Бу кўрсаткич йўлкалар билан биргаликда хисобланган умумий майдонни дастгоҳлар сонига бўлиш билан аниқланади, яъни, цех майдонидан қай даражада фойдалананилаётганлигини ифода этади, у қуйидаги кўрсаттичларга эга бўлиши тавсия этилади:

Майда дастгоҳлар учун	10-12 м <sup>2</sup> .
Ўрта дастгоҳлар учун	15-25 м <sup>2</sup> .
Йирик дастгоҳлар учун	30-45 м <sup>2</sup> .
Ўта йирик ва улкан дастгоҳлар учун	50-150 м <sup>2</sup> .

### 7.3. Цехни умумий режалаштириш

Цехнинг барча бўлимлари умумий ишлаб чиқариш оқими бўйлаб қуйидаги тартибда жойлаштирилади:

1. Якка тартибли ва серияли ишлаб чиқаришларда цех материаллар ва заготовкалар омборлари билан биргаликда ёки тайёров бўлими билан аралаш ҳолда цех бошида пролётларга кўндаланг ҳолда, жойлаштирилади, оқим бўйича ишлаб чиқаришда эса омбор майдонлари ҳар-бир линия бошида жойлаштирилади.

2. Омбор ёнидан цех пролётлаларига кўндаланг ҳолда, 4 метр кенгликка эга бўлган йўлак лойиҳаланади.

3. Йўлкадан сўнг дастгоҳлар бўлими жойлаштирилади. Агар технологик линиянинг узунлиги ортиб кеца, у ҳолда яна кўндаланг оралиқ йўлкалар лойиҳаланади.

4. Дастгоҳлар бўлимининг охирида барча пролётларга кўндаланг ҳолда яна 4 метр кенгликда йўлка лойиҳаланади.

5. Назорат бўлими ёки назорат шохобчаси (оқим бўйича ишлаб чиқаришда) жойлаштирилади.

6. Назорат бўлимига параллел ҳолда, пролётларга кўндаланг равишда оралиқ омбор, унга аралаш ҳолда операциялараро омбор жойлаштирилади.

7. Чархлаш ва асбоб тарқатиш бўлимлари оқим бўйича ишлаб чиқаришда оқимдан ташқарида жойлаштирилади, якка тартибли ва серияли ишлаб чиқаришларда эса хизмат кўрсатувчи дастгоҳлар марказида жойлашиши мумкин.

Омбор хоналари (материаллар ва заготовкалар омбори, оралиқ омбор) дастгоҳ бўлимидан 2,0-2,5 м баландликка эга бўлган турли металл тўсиқлар билан ажратилади, назорат ва чархлаш бўлимлари эса шиша тўсиқ билан ажратилади.

Юкоридаги бўлимлар ва жиҳозлар асосида цехнинг умумий режаси аниқланади ва бунда пролетлар сони, цех кенглиги, унинг узунлиги ва умумий майдони аниқланади.

Цех режаси 1:100 миқёсда бажарилади, катта цехлар учун (дастгоҳлар сони 250 дан ортиқ бўлганда) 1:200 миқёсда бажариш мумкин.

Цех режасида иш жойига тегишли бўлган барча жиҳозлар ва қурилмалар кўрсатилиши керак, яъни:

1. Металл кесувчи дастгоҳлар, автомат дастгоҳ линиялари ва бошқа ишлаб чиқариш жиҳозлари.

2. Иш вақтидаги ишчининг дастгоҳ олдидағи иш ўрни;

3. Жиҳозларга эга бўлмаган иш жойлари, уларнинг габарит ўлчамлари (пол устида ёки маҳсус жойда).

4. Верстаклар, иш столлари.

5. Асбоблар шкафи.

6. Ишлов берилган, ишлов берилувчи детал ва материаллар учун дастгоҳ олдида жой.

7. Деталлар ва йирик асбоблар учун токчалар.

8. Иш жойига тегишли бўлган транспорт қурилмалари (скат, склиз ва х.к.).

9. Деталларни назорат қилиш ва вактинчалик сақлаш учун жой.

10. Уста учун жой.

Бундан ташқари режада юқ кўтариш ва транспорт қурилмалари, кўприкли ва балкали кранлар, консол, велосипедли, портал, ярим портал ва бурилиши кранлари, тал, рол ганг, конвеерлар, рел сли йўллар, кўтариш лифтлари кўрсатилиши керак.

Бундан ташқари режада штрих-пунктир чизик билан барча йўлаклар ва йўлкалар, тунеллар кўрсатилиши керак.

Режанинг қурилиш қисмida қўйидагилар бўлиши керак:

1. Устунлар ва уларнинг рақами.

2. Устуннинг асоси ёки фундаменти штрих чизиқда.

3. Ташқи ва ички деворлар, капитал ва енгил тўсиқлар.

4. Дераза, эшик, дарвозалар (ташқи ва ички) барчаси.

5. Эр тўлалар, ер ости хоналар.

Режада зарур бўлган барча ўлчамлар кўрсатилиши керак: пролётлар кенглиги, устун қадами, цехнинг умумий кенглиги, пролётлар ва цехнинг умумий узунлиги: бўйлама ва кўндаланг йўлаклар кенглиги, ҳар бир ёрдамчи бўлимларнинг кенглиги ва узунлиги, йирик дастгоҳларнинг ўлчамлари.

7.30-расмда автомобил двигателининг тирсакли валига ишлов берувчи оқим бўйича линия схемаси кўрсатилган.

7.31-расмда бир бинода жойлашган механика, йиғув, асбобсозлик ва таъмирлаш цехларининг умумий схемаси келтирилган.

Режадаги барча дастгоҳлар, автомат дастгоҳ линиялари ва жиҳозлари, қурилмалар омбори ва назорат майдонлари, юқ кўтариш ва транспорт қурилмалари тартиб рақами билан келтирилади ва спецификациясига киритилади.

Спецификацияда қўйидагилар кўрсатилиши керак:

1. Режада белгиланган рақам.

2. Жиҳоз ёки қурилма номи.

3. Уларнинг тавсифномалари – асосий ўлчамлари.

4. Жиҳоз ёки қурилмалар электр двигателларининг  
куввати.

### 7.30-расм. Автомобил движателининг тирсакли валига ишлов берувчи оқим бўйича линия схемаси

1-фрезерлик марказлаши дастгоҳи; 2, 6, 16, 21, 29, 47, 57, 69, 73-гидравлик пресслар; 3, 4, 7-15, 23-28- маҳсус токарлик дастгоҳлари; 5, 17-19, 20, 30-32, 50-54, 56, 58-61, 63-думалоқ жильтирлаши дастгоҳлари; 22, 33-39, 48-агрегат дастгоҳлари; 27, 55-токарлик ярим автомотлар; 40-43, 65-вертикал фрезерлик дастгоҳлари; 44, 49, 72-пармалаши дастгоҳлари; 45-тоблаши агрегати; 46-икки томонлама марказлаши дастгоҳи; 62-магнитли дефектоскоп; 64, 66-68-вертикал пармалаши дастгоҳлари; 70-суперфинишлаши дастгоҳи; 71-мувозанатлаши агрегати; 74-ювии машинаси; 75-шпонка фрезаллаши дастгоҳи.



**7.31-расм. Бир бинода жойлашган механика, йигув,  
асбобсозлик ва таъмирлаш цехларининг умумий  
схемаси**

**Синов саволлари**

1. Оқим бўйича линияни тушунтиринг?
2. Пролёт тури нима?
3. Улкан дастгоҳларга қандай дастгоҳлар киради?
4. Ишлаб чиқариш оқими нима?
5. Омборлар тури ва уларнинг вазифалари?
6. Назорат бўлимининг вазифаси нималардан иборат бўлади?
7. Йўлак кенглиги қандай аниқланади?
8. Пролёт баландалиги нималарга асосан қабул қилинади?
9. Нисбий майдон қандай аниқланади?
10. Цех режасида нималар кўрсатилиши керак?

## **ВИИИ БОБ. ЙИГУВ ЦЕХИНИ ЛОЙИХАЛАШ**

### **8.1. Йиғишиш ишларининг ҳажми ва аҳамияти**

Ишлаб чиқариш жараёнида йиғишиш ишлари якунловчи босқич бўлиб, алоҳида деталлар ва узеллардан тайёр маҳсулотлар йиғилади. Йиғишиш ишарининг сифати йиғилган машинани ишлаш сифати, мустаҳкамлиги ва узоқ муддат ишлай олишига катта таъсир қиласди.

Деталлар етарли аниқликда тайёрланган бўлса ҳам, уларнинг етарли миқдорда аниқ бирикмаслиги йиғилган маҳсулот - машинанинг фойдаланиш даврида сифатли ва ишончли ишламаслигига олиб келади.

Юқоридагиларга асосан йиғишиш ишлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг ҳажми анча юқоридир. Мисол учун: қишлоқ хўжалиги машинасозлигига маҳсулотнинг умумий иш ҳажмига нисбатан 20-30% ни, баъзи машиналарда эса бу кўрсаткич 40-60% ни ташкил қиласди.

Йиғишиш ишлари ва деталларга механик ишлов бериш нисбати ишлаб чиқариш тури ва йиғишиш усулига боғлиқдир. Механик ишловга беришга нисбатин йиғишиш ишлари нисбати ўртака қуидагича бўлади:

Якка ва майдаги ишлаб чиқаришда	40-50%
Ўрта серияли ишлаб чиқаришда	30-35%
Йирик серияли ишлаб чиқаришда	20-25%
Оммавий ишлаб чиқаришда	< 20%

### **8.2. Лойиҳалаш учун бошланғич маълумотлар ва ишлаб чиқариш дастури**

Йиғув цехларини лойиҳалаш учун *асос* бўлиб, корхона ишлаб чиқариш дастури асосида тузилган, ўз ичига цехга келтирилувчи детал ва узеллар спецификацияси, йиғув ва узеллар чизмалари, қабул қилиш ва синаш техник шартлари келтирилган ишлаб чиқариш дастури хисобланади.

Йиғув цехини ишлаб чиқариш дастури ўз ичига йиғиладиган машина ва узеллар номи, ҳар бир узелнинг оғирлиги, йиллик ишлаб чиқариш ҳажми (узеларнинг оғирлигини тоннада хисобга олган ҳолда) олади.

Йиғишишга келтирилган детал ва узелларнинг спецификациясида уларнинг номи, рақами, бир маҳсулотнинг йиғиладиган деталлари сони ва тайёрлаган цех номи бўлиши керак.

Йиғишиш технологик жараёнини лойиҳалаш учун маҳсулотни йиғишиш чизмаси ва умумий кўринишда деталларни ўзаро жойлашуви учун ўлчамлар допуски, конструктив тирқишилар ҳамда машинани йиғишиш учун асосий талаблар бўлиши керак. Бундан ташқари чизмаларда барча проекциялар ва кесимлар бўлиши керак.

Майдаги серияли ишлаб чиқариш йиғув цехларининг ишлаб чиқариш дастури турли маҳсулотдан иборат бўлса, у ҳолда *келтирилган дастур* бўйича лойиҳаланади. Келтирилган дастурни тузиш учун йиғиладиган машиналар конструктив ва технологик ўхшашлиги бўйича гурухланади. Ҳар бир гурухда барча машиналар учун ўхшаш бўлган битта хисобий машина танлаб олинади ва ушбу хисобий машина вакил учун ҳар бир жараёнга меъёrlанган вақт бўйича йиғишиш технологик жараёни лойиҳаланади. Ушбу гурухга кирувчи машинани йиғишиш ҳажми, ушбу машина иш ҳажмини келтириш коеффициентга кўпайтириш билан аниқланади.

*Келтириши коеффициенти* хисобий машинанинг иш ҳажми билан ҳар бир машина иш ҳажмининг нисбатига тенгдир. Бу коеффициент машинанинг оғирлиги, габарит ўлчамлари, ишлаб чиқаришни сериявийлиги ва уларнинг йиғишиш мураккаблик даражаси аносида аниқланади.

Серияли ишлаб чиқаришда йиғув цехларини лойиҳалашда келтирилган дастур бўйича йиғишиш учун технологик карта билан технологик жараён фақат хисобий машина учун лойиҳаланади, бошқа машиналар учун эса операциялар қайдномаси тузилади.

Якка тартибли ишлаб чиқаришда йиғув цехларини лойиҳалаш учун технологик карта тузилмайди, факт операция картаси тузилади холос.

Оммавий ва оқим бўйича серияли ишлаб чиқаришда йиғув цехларини лойиҳалаш *aниқ дастур* бўйича, яъни технологик картани ишлаб чиқиш ва ҳар бир операция, ҳам умумий йиғиш учун, ҳам узелли йиғиш учун, вактни меъёrlаш бўйича олиб борилади.

### 8.3. Йиғув цехи таркиби

Йиғув цехи таркиби ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тавсифи, технологик жараён ва ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил қилишга асосан аниқланади.

Якка тартибли майда серияли ва серияли ишлаб чиқаришларда узелларни ва умумий йиғишлар йиғув цехида ёки механика цехининг йиғиш бўлимидаги бажарилади. Йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришларда узелларни йиғиш оқим бўйича линия охирида ёки ушбу узел деталларига механик ишлов берилаётган механика цехи бўлимидаги йиғилади. Бу холатда ушбу узелни ишлаб чиқаришни тутгатилган тамоили қўлланилади, яъни механик ишлов бериш ва йиғиш бир жойда бажарилади. Умумий йиғиш ишлари йиғув цехларидаaloҳида бажарилади. Автомобил ёки тракторларни ишлаб чиқариш юқоридаги тамоил бўйича амалга оширилади.

**Йиғув цехи таркибига:** а) ишлаб чиқариш бўлими ва участкалари; б) ёрдамчи бўлим ва участкалар; в) хизмат хоналари; г) майший хоналар киради.

*Ишлаб чиқариши бўлимлари таркибига* чилангарлик ишлов бериш участкаси (якка тартибли ва майда серияли ишлаб чиқаришда), узелларни ва умумий йиғиш участкаси, бўяш, қуритиш, чиниктириш, синаш ва тайёр маҳсулотни қадоқлаш киради.

*Ёрдамчи бўлимлар* таркибига техник назорат участкаси, деталлар ва узелларнинг оралиқ омбори, ёрдамчи материаллар омбори, асбоб тарқатиш омбори, цех механизмининг устахонаси, тайёр маҳсулотлар омбори киради.

*Хизмат хоналарига* цех техник ходимлари, идора ва бошқарув жойлашган хоналар киради.

*Майший хоналарга* овқатланиш хонаси, кийиниш, ювиниш хоналари, душлар ва ҳ.к. киради.

#### Синов саволлари

1. Келтириш коеффициенти нима?
2. Келтирилган дастур нима?
3. Маҳсулотни синаш нима?
4. Йиғув цехи таркибига қандай участка ва бўлимлар киради?
5. Йиғув цехида қандай ишлар бажарилади?
7. Йиғув цехи ёрдамчи бўлимлари таркибини кўрсатинг.
8. Майший хоналарнинг вазифалари нималардан иборат?
9. Йиғув цехини лойиҳалаш учун қандай бошланғич маълумот лар зарур?
10. Йиғув цехини келтирилган дастур бўйича лойиҳалаш нима?

## ИХ БОБ. ЙИГИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ қИЛИШ

### 9.1. Йигиши жараёнининг босқичлари

Кўпгина деталлар машинанинг йигиши жойига узатилишидан олдин бир-бири билан йиғма бирлик ҳосил қилиб бириктирилади. Қисмлар фақат алоҳида деталлардан ёки дастлаб (деталларни узелга ўрнатилгунга қадар) деталларни бир-бири билан бириктиришдан таркиб топади. Бундай дастлаб бириктирилган деталлар оддий бирикмани - узелостини ҳосил қиласди. Бир неча йиғма бирликларни бириктириш натижасида агрегат ёки механизмларни ҳосил қилинади. Бундай бирикмалар ёки йиғма бирликка бевосита кирган деталларни ёки йиғма бирликни бириктириш учун хизмат қиласидиган алоҳида деталларни бириктириш натижасида амалга оширилади.

Агрегатлардан (механизмлардан), қисмлардан ва алоҳида деталлардан бутун маҳсулот - машина йигилади.

Кўриб ўтилган ҳар бир бирикма у ёки бу мураккаблик даражасидаги конструктив-йиғма бирликни ўзида намоён қиласди. Юқорида баён қилинган қисмчани йигиши кетмакетлиги биринчи мураккаблик даражасидаги конструктив-йиғма бирликни ўзида намоён қиласди; қисм - иккинчи мураккаблик даражасидаги конструктив-йиғма бирликни ва агрегат (механизм) - учинчи мураккаблик даражасидаги конструктив-йиғма бирликни намоён қиласди. Мураккаблигига қараб яхлит маҳсулотни кўп ва оз сондаги конструктив-йиғма бирликларга бўлиб чиқилиши мумкин.

Шундай қилиб, йигиши жараёни қуидаги босқичлардан иборат бўлади:

а) кўлда бажариладиган чилангарлик ишлов бериш ва келтириш; бу кўпинча яккка тартибли ва майда серияли ишлаб чиқаришда қўлланилади; серияли ишлаб чиқаришда кичик ҳажмда қўлланилади; оммавий ишлаб чиқаришда бу босқич бўлмайди;

б) дастлабки йигиши - деталларни агрегатларга, механизмларга бириктириш;

в) умумий (ёки якуний) йигиши - машинани тўлиқ йигиши;

г) созлаш - машина қисмларининг ўзаро ҳаракатланишининг тўғрилигини текшириш.

Машинани умумий йигишига қуидаги асосий операциялар кириши мумкин:

а) деталларни маҳкамлаш;

б) қўзғалмас деталларни йигиши;

в) ҳаракатланадиган деталларни йигиши;


г) айланадиган деталларни йигиши;

д) ҳаракатни узатадиган деталларни йигиши;

е) деталларни йигиши учун белгилаш (якка тартибли ва майда серияли ишлаб чиқаришда);

ж) қисмлар деталларининг оғирлигини ўлчаб кўриш ва мувозанатлаш; з) станица, рама, плита, корпусларни ўрнатиш.

Йигишишларини бажариш қулай бўлиши учун унинг график схемаси тузилади. Бундай мисол 9.1-расмда келтирилган. Схемада машиналарни умумий йигиши учун деталлардан оддий узеллар ташкил қилиниши, узеллар ва деталлардан агрегатлар йиғилиши кўрсатилган. Схемада думалоқ шаклларда деталлар белгиланган, уларнинг тартиб раками кўрсатилган; узелларда уларнинг тартиб раками ва агрегатларда агрегат либери кўрсатилган.



**9.1-расм. Йиғиш жараёнининг схемаси**

Машинани агрегатлар, узеллар, узелости ва алоҳида деталларга бўлиш машинанинг конструктив холатига боғлиқдир. Шунинг учун машинанинг ҳар бир турини бўлишнинг ўзига хос хусусияти, умумий қоидалари ва шартли тавсифи асосида олиб борилади.

Маҳсулотнинг конструкциясини бўлиш қуйидаги асосий холатлар асосида олиб борилади:

1. У ёки бу бирикмани йиғиш бирлигига ажратиш, у конструктив ва технологик томондан мақсадга мувофиқ бўлиши керак.
2. Йиғиш жараёнларининг кетма-кетлиги ва тўғри технологик алоқаси таъминланиши керак.
3. Умумий йиғишга, иложи борича дастлаб комплектлашган йиғма бирликлар кўп сонда узатилиши ва иложи борича алоҳида деталлар оз узатилиши керак.
4. Машиналарни умумий йиғиш, иложи борича майда деталларни йиғиш ва ёрдамчи ишларни бажаришдан озод бўлиши керак.

Йиғиш ишларида, мумкин қадар, қўл кучи билан бажариладиган чилангарлик ишларни механизм қўллаш билан алмаштириш керак. Механизмларни қўллаш меҳнат унумдорлигини оширади, ишчи меҳнатини енгиллатади.

Қўл ишини алмаштирувчи механизмлар сифатида қуйидагилар қўлланилади: кўчма электрли жилвирлаш машиналари, кўчма электрли ва пневматик пармалаш дастгоҳлар, механик ва пневматик шабер; клапанларни силлиқлаш учун механик дастгоҳлар, электрли ва пневматик болға ва отверткалар, динамометрик ключлар, осма ва стационар парчинлаш машиналари, втулка, бармоқ, шкивлар ва маҳовикларни преслаш учун дастаки, механик, пневматик гидравлик пресслар ва х.к.

Юкоридагиларга асосан йиғиш ишларини бажаришда маҳсус мосламаларни қўллаш ҳам меҳнатни енгиллатади ва жараённи бажаришни тезлатади. Буларга деталларни ўрнатиш ва бириктириш, йиғилувчи узелларнинг базавий деталларини маҳкамлаш, валлардан тишли фидирак, шкив, маҳовикларни очиб олиш, йиғишда деталларни кўтариш, йиғилувчи маҳсулот холатини ўзгартирувчи мосламалар ва х.к. киради.

Қуйида серияли ишлаб чиқаришда ўрта ўлчамли машиналарни йиғишда алоҳида босқичларга сарфланувчи вақтнинг тақсимланиши берилган (йиғишнинг умумий вақтига нисбатан % ҳисобида):

Деталларга чилангарлик ишлов бериш . . . . .	10% гача
Узелларни йиғиш . . . . .	50-60% гача
Стендда умумий йиғиш . . . . .	40-30% гача

## 9.2. Йиғиш ишлари вақтіни мәйёрлаш

Йиғишиннинг технологик жараёнларини белгиловчы асосий омиллар қаторига йиғиш операцияларини бажариш учун талаб қиласынан вакт киради. Йиғиш операциялары учун вакт мәйёрининг тузилиши дастгоҳда бажариладын ишларнинг вакт мәйёрининг тузилишига ўхшаш бўлади.

Йиғиш операцияси учун донабай вакт мәйёри:

- 1) асосий (технологик) вакт;
- 2) ёрдамчи вакт;
- 3) иш жойига хизмат кўрсатиш учун сарфланадиган вакт;
- 4) жисмоний эҳтиёж ва дам олиш учун танаффус вактларидан иборат.

Асосий ва ёрдамчи вактлар йиғинди оператив вактни ташкил қиласы. Бундан ташқари тайёрлаш-тугаллаш вакти ҳам кўзда тутилади, у қисм ёки маҳсулот партиясининг барчаси учун белгиланади ва партиядаги деталлар сонига боғлиқ бўлмайди.

Донабай ва тайёрлаш-тугаллаш вактларининг йиғинди битта маҳсулот учун донабай - кал куляцияли вактни ташкил қиласы.

Оммавий ишлаб чиқаришда, агар битта жойда вактта ва ўша операция такрорланса ва ишчи ҳеч қандай тайёрлов ишларини бажармаса, тайёрлаш-тугаллаш вакти ишчи вакт мәйёрига кирмайди. Асосий ёрдамчи ва тайёрлаш-тугаллаш вактлари илфор корхоналарнинг тажриба учун ўтказилган хронометраж материалларини таҳлил қилиш ва ўрганиш асосида ишлаб чиқилган мәйёрий кўрсаткичлар бўйича аниқланади. Иш жойига хизмат кўрсатиш ва жисмоний эҳтиёжи учун танаффуслар вакти оператив вактга нисбатан фоизлар нисбатида қабул қилинади.

Йиғиш ишларидан иш жойига хизмат кўрсатиш вакти оператив вактга нисбатан, тахминан 2-3% ни ташкил қиласы.

Жисмоний эҳтиёжлар учун танаффуслар вакти оператив вактнинг 2% га teng бўлади.

Дастгоҳда бажариладиган ишларнинг вакт мәйёрига ўхшаб йиғиш ишлари учун вакт мәйёри қўйидаги формуулалар ёрдамида аниқланади:

минутига қисм ёки маҳсулотни йиғишида битта операцияни бажариш учун донабай вакт

$$m_{\text{дона}} \cdot m_a \cdot K \cdot m_{\text{вр}} \cdot K \cdot m_{\text{у.х.к}} \cdot K \cdot m_{\text{ж}} \quad \text{мин}, \quad (9.1)$$

минутига қисм ёки маҳсулотни йиғишида битта операцияни бажаришда оператив вакт

$$m_{\text{он}} \cdot m_a \cdot K \cdot m_{\text{вр}} \quad \text{мин}, \quad (9.2)$$

бу ерда  $m_a$  - асосий (технологик) вакт, мин;

$m_{\text{вр}}$ - ёрдамчи вакт, мин;

$m_{\text{у.х.к}}$  - иш жойига хизмат кўрсатиш вакти, мин;

$m_{\text{ж}}$  - дам олиш ва жисмоний эҳтиёжлар учун вакт, мин.

Иш жойига хизмат кўрсатиш ва жисмоний эҳтиёжлар учун сарфланган вактни оператив вактга боғлиқлигини ҳисобга олиб, (9.1) формуулуни қўйидагича ёзиш мумкин:

$$m_{\text{дона}} \cdot m_a \cdot K \cdot m_{\text{вр}} \cdot K \cdot (m_a \cdot K \cdot m_{\text{вр}}) \beta / 100 + (m_a \cdot K \cdot m_{\text{вр}}) \gamma / 100, \quad (9.3)$$

ёки

$$m_{\text{дона}} \cdot (m_a \cdot K \cdot m_{\text{вр}}) \cdot (K(\beta + \gamma) / 100), \quad (9.4)$$

ёки

$$m_{\text{дона}} \cdot m_{\text{он}} \cdot (K(\beta + \gamma) / 100) \quad \text{мин}, \quad (9.5)$$

бу ерда  $\beta$ -иш жойига хизмат кўрсатиш учун сарфланган вақтга тегишли бўлган оператив вақтга нисбатан фоизи;

$\gamma$ -жисмоний эҳтиёжларга ва дам олиш учун сарфланган вақтга тегишли бўлган оператив вақтга нисбатан фоизи.

Маҳсулотни йиғиш учун сарфланган умумий вақт қуидагича аниқланади:

$$T_{\text{дона}} \sum_1^m m_{\text{дона}} \min, \quad (9.6)$$

бу ерда  $m$ -йиғиш операцияларининг сони.

Қисмлар ёки маҳсулотлар партиясини йиғиш учун сарфланган вақт қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$T_{\text{дона}} T_{\text{дона}} n + T_{m-m} \min \quad (9.7)$$

Битта қисм ёки маҳсулот учун донабай-кал куляцияли вақт:

$$T_{\text{дона}} T_{\text{дона}} \cdot n + \frac{T_{m-m}}{n} \quad (9.8)$$

бу ерда  $n$ -партиядаги маҳсулотлар сони;

$T_{m-m}$ -маҳсулотнинг барча операциялари (партия) учун тайёрлаш-тугаллаш вақти.

Йиғиш жараёнларини лойихалашда (айниқса якка тартибли, майда серияли ва серияли ишлаб чиқаришларда) йиғишишларини меъёrlаш, одатда, ўхшаш маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган илғор корхоналарнинг амалий кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади, ушбу кўрсаткичлар янада такомиллашган технологик усувларни ва ишлаб чиқаришни яхшилайдиган ташкилий шаклларни ҳисобга олган ҳолда тўғриланади. Йиғиш ишларининг вақт меъёрини янада аниқларини белгилаш алоҳида ўтиш ва усувларини алоҳида ҳисоблаш асосида амалга оширилади. Меъёрий материаллардан фойдаланиш йиғиш ишларини меъёrlашни осонлаштиради ва тезлаштиради.

### Йиғиш турлари ва шакллари, йиғиш ишларини ташкил қилиш

Йиғишнинг уч хил тури мавжуд:

- а) индивидуал келтириш тамойили бўйича;
- б) тўлиқ ўзаро алмашинувчанлик тамойили бўйича;
- в) индивидуал ва гурухли танлаш йўли билан қисман ўзаро алмашинувчанлик тамойили бўйича.

**Индивидуал келтириши тамойили бўйича** йиғиш якка тартибли ва майда серияли ишлаб чиқаришларда кўлланилади. Бундай ишлаб чиқаришларда детал механик ишлов берилгандан кейин, бунда чекли калибрларсиз ишлов берилади, охирги шакл ва ўлчамини олиш учун ва детални ўрнатиладиган жойига келтириш учун қўлда чилангарлик ишлови берилади. Тўлиқ ўзаро алмашинувчанлик тамойили бўйича йиғиш йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришларда детал механика цехида чекли калибрлар бўйича ишлов берилади ва дастгоҳдаги операциялар деталга керакли шакл ва ўлчам берилиши учун ишлов беришнинг охирги босқичи ҳисобланади.

Агар йиғишида детал бириктириладиган бошка детал билан дастлаб сараланмасдан ёки танламасдан туташтирилса ва бунда бириктириш зарур ва қониқтирувчи ўтказишни келтириш жараёнисиз хосил қилинса, бундай йиғиш **тўлиқ ўзаро алмашинувчанлик билан йиғиш** дейилади, бундай йиғишида оқим бўйича йиғиш жараёнини ташкил этиш мумкин.

Бириктириладиган деталлар чекли калибрлар бўйича, бироқ катта допусклар билан тайёрланган бўлса, йиғиш деталларнинг ўлчами бўйича дастлабки танлаб олиш йўли билан амалга оширилса, **қисман ўзаро алмашинувчанлик билан йигиши** дейилади.

Бириктиришда керакли ўтказишни таъминлайдиган деталларни ўлчами бўйича белгиланган допуск чегарасида тайёрланган ва йиғишга келган хар қандай деталлар ичидан олиниши индивидуал танлаб олиш орқали ёки белгиланган допуск чегарасида ўлчамлари бўйича гурухларга ажратиб олиш йўли билан-гурухли танлов орқали олиш мумкин. Бундай йиғиш йирик серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Узелли йиғиша маҳсулотнинг таркибий қисми йиғма бирлиги (узел) йиғиш объекти ҳисобланади. Умумий йиғиша яхлит маҳсулот йиғиш объекти бўлиб ҳисобланади.

Йиғиш ишларининг ташкилий шаклларига кўра йиғиш иккита асосий турга бўлинади: стационар ва ҳаракатдаги.

**Стационар йигиши** ишчилар гурӯҳи (бригада) томонидан битта қўзғалмас жойда амалга оширилади, бу жойга барча детал ва узеллар олиб келинади.

**Ҳаракатдаги йигишида** маҳсулот бир иш жойидан кейингисига ҳаракатланиб ўтади. Бу иш жойларида ишчи ёки ишчилар гурӯҳи томонидан ҳар бир ўзгармас иш жойида битта тақрорланувчи операция бажарилади, бунда ҳар бир иш жойида тегишли асбоб ва мосламалар мавжуд бўлиб, бу жойга ушбу операция учун зарур бўлган деталлар ва узеллар олиб келинади.

Стационар йиғиш якка тартибли ва серияли ишлаб чиқаришда, айрим йиғма бирликлар учун оммавий ишлаб чиқаришда қўлланилади; ҳаракатдаги эса серияли ва оммавий ишлаб чиқаришда қўлланилади. Умумий йиғиш жараёнини бажаришнинг кўрсатиб ўтилган ташкилий шаклларида ишни турли усувлар билан бажариш мумкин.

Биринчи усульнинг моҳияти шундан иборатки, бунда машина тўлалигича алоҳида деталлардан йиғувчиларнинг битта бригадаси томонидан бошидан охиригача битта жойда йиғилади. Бунда битта иш жойида йиғиш операцияларини концентрациялаш тамойили амалга оширилади. Бу усул якка тартибли ишлаб чиқариш турига хос бўлиб, шунинг учун **индивидуал йигиши** деб аталади. Машинани йиғиш учун вақт сарфи катта, натижада бу усульнинг қўллаш йиғиш таннархини ошириб юборади. Бундай ҳолат ушбу усульнинг такомиллашмаган деган, хulosага олиб келади ва техник-иктисодий жиҳатдан яхши унум берадиган бошқа усувларни қўллашга ундаиди.

Иккинчи усульнинг моҳияти шундан иборатки, бунда машинанинг алоҳида детал ва узеллари ишчиларнинг битта бригадаси томонидан умумий йиғиш стендидан ташқарида йиғиб олинади, бунда бу бригада умумий йиғувчилар бригадаси таркибига кирмайди. Шундай қилиб, бу ерда йиғиш жараёнини қисман дифференциялаш мумкин. Бу усул янада унумли бўлади, чунки деталлар йиғма бирликка аввалдан йиғиб олинади, бунинг натижасида машина умумий йиғиш стендида бекор туриб колиш вақти кам бўлади. Бу усульнинг серияли ишлаб чиқаришда стационар йиғиша қўлланилади.

Учинчи усульнинг моҳияти шундан иборатки, йиғиш жараёни алоҳида операцияларга дифференцияланади, бунда ҳар бир операция маълум бир иш жойида (ҳаракатдаги ёки стационар) маълум ишчи ёки ишчилар бригадаси томонидан бир хил (имкон борича) вақт оралиғида йиғиш тактига амал қилган ҳолда бажарилади, бу узлуксиз (оқим бўйича) йиғиш жараёнини яратади. Бу усул оммавий ва серияли (кўпинча йирик серияли) ишлаб чиқаришда оқим бўйича йиғиша қўлланилади.

**Оқим бўйича йигиши** деганда, йиғиш иши узлуксиз давом этадиган ва йиғилган тайёр маҳсулот маълум бир вақт оралиғида (такт) даврий равишда чиқишига айтилади. Оқим бўйича йиғиш усулини ҳаракатдаги ва ҳаракатда бўлмаган объектни йиғиша қўллаш мумкин, шунинг учун оқим бўйича йиғиш иккита кўринишга бўлинади:

- а) ҳаракатдаги стендда оқим бўйича йиғиш ёки ҳаракатдаги оқим бўйича йиғиш;
- б) ҳаракатда бўлмаган стендда оқим бўйича йиғиш ёки ҳаракатда бўлмаган оқим бўйича йиғиши.

Оқим бўйича йиғиш оммавий, йирик серияли ва серияли ишлаб чиқаришларда ҳамда оғир вазнили, йирик маҳсулотларни майда серияли ишлаб чиқаришда қўлланилади.

**Оқим бўйича ҳаракатдаги йиғиш.** Оқим бўйича ҳаракатдаги йиғиш, баъзида кўзғалувчан объект билан оқим бўйича йиғиш деб аталади, турли қўринишдаги ташувчи қурилмалар ёрдамида амалга оширилади:

- а) ролангларда;
- б) қўлда суриладиган рел сли ва юритмали рел сли араваларда;
- в) электродвигател ёрдамида ҳаракатланадиган, бир-бири билан бирлаштирилган ва аравали конвеер ҳосил қилинган рел сли араваларда;
- г) тасмали, пластинкали ва осма айланма конвеерларда;
- д) аниқ бир маҳсулот учун мосланган маҳсус йиғиш конвеерларида;
- е) йиғиладиган машина ўзининг ғилдирагида (масалан, вагон, локомотив) ёки вақтинча ўрнатилган ғилдиракларда ҳаракатланиши учун рел сли йўлларда;
- ж) осма бир рел сли йўлларда;
- з) каруселли столларда.

Оқим бўйича ҳаракатдаги йиғиш қўйидаги тарзда амалга оширилади. Йиғиш жараёни бажариш учун кам ва тахминан бир хил вақт сарф бўладиган оддий операцияларга тақсимланади; ҳар бир операция учун маълум иш жойи белгиланади ва маълум бир ишчи (ёки ишчилар гуруҳи) фақат битта операцияни бажаради. Ташувчи қурилма – конвеердаги маҳсулот ҳаракатланади; ишчи (ёки ишчилар гуруҳи) маҳсулот унинг (уларнинг) иш жойига келганда, ўзининг операциясини бажаради. Бунда маҳсулотни узатиш, яъни конвеернинг ҳаракати узлуксиз ёки даврий - бир иш жойидан кейингисига танаффус билан узатиши мумкин.

Биринчи ҳолда, яъни маҳсулотни узлуксиз узатишка, ишчи ўз операциясини конвеер ҳаракатланаётган вақтда, маҳсулот иш жойи зонасидан ўтаётганда бажаради; бунда конвеер ҳаракатининг тезлиги ишчи ўз операциясини бажариш учун зарур бўлган вақтга ва демак, ишлаб чиқариш такти қийматига мос келиши зарур.

Иккинчи ҳолда, яъни маҳсулотни даврий равишда узатишка, операция ишчи томонидан конвеер тўхтатилган даврда бажарилади; тўхташ даври ҳар бир иш жойида операцияларни бажариш учун зарур бўлган вақтга мос келиши зарур; шундай қилиб, конвеернинг тўхташ вақти ва бир иш жойидан иккинчи иш жойига йиғиладиган маҳсулотни ҳаракатланиш вақти йиғиндиси ишлаб чиқариш тактининг қийматига мос келиши зарур.

Конвеернинг ҳаракати узлуксиз ёки даврий бўлишини ишлаб чиқариш дастурининг кўламига, ишлаб чиқариш тактига, йиғиладиган маҳсулотнинг ҳарактерига, йиғиш операцияларининг иш ҳажми ва мураккаблигига қараб қабул қилинади. Масалан, автомобил ва тракторсозликда бир хил турдаги машиналарни ишлаб чиқариш кўлами катта бўлганлиги сабабли конвеернинг узлуксиз ҳаракати қабул қилинади.

**Оқим бўйича ҳаракақиз йиғиши.** Кўзғалмас иш жойларида (стендларда) оқим бўйича йиғиш ёки бошқача айтганда, кўзғалмас объект билан оқим бўйича йиғиш майда серияли ишлаб чиқаришда, айниқса транспортдан фойдаланиш рентабелли бўлмаган ёки мураккаб транспорт воситаларидан фойдаланишни талаб қиласидиган катта оғирликдаги деталлар учун кўлланилади.

Йиғиш жараёни қўйидагича бўлади. Бутун йиғиш жараёни маълум бир ишчилар гурухлари томонидан, тахминан бир хил вақтда бажариладиган операцияларга тақсимланади.

Навбатдаги машинанинг асоси (рамалар, плиталар, корпуслар ва бошқа) йиғиш операцияларнинг кетма-кетлигига кўзғалмас столга узатилади ва жойлаштирилади. Ҳар бир ишчилар гуруҳи битта стенддан иккинчисига ўтиб йиғиладиган машинанинг фақат ўзларига тегишли ишларини, ушбу гурухга белгиланган вақт оралиғида, яъни берилган операцияни машинани йиғиш тактига тегишли вақтида бажарадилар. Бу усулда ҳар бир гурухнинг асбоблари кўзғалувчан столда бўлади, бу стол ишчилар билан биргалиқда бир стенддан иккинчисига силжийди.

Гурухдаги ишчилар сони белгиланган вақт оралиғида берилган операцияни бажаришни таъминлай оладиган миқдорда қабул қилинади.

Тайёр йиғилган машиналар ишлаб чиқариш тактига тўғри келадиган вақт оралиғида стенддан навбат билан олинади.

## **Синов саволлари**

1. Чилангарлик ишлов бериш ва келтириш нима?
2. Машиналарни тайёрлаш жараёнида йиғишиң қандай ахамиятта эга?
3. Йиғишининг қандай турлари мавжуд?
4. Индивидуал келтириш тамойили бўйича йиғишиң қайси ҳолат учун қўлланилади?
5. Йиғишининг қандай ташкилий шакллари мавжуд?
6. Йиғишиң операцияларини концентрациялаш ва дифференциялаш тамойилининг қўлланишини тушунтириб беринг.
7. Стационар йиғишиң қачон қўлланади?
8. Оқим бўйича йиғишиң нима ва унинг неча хил кўриниши мавжуд?
9. Оқим бўйича йиғишиң қандай қурилмалардан фойдаланилади?
10. Оқим бўйича ҳаракациз йиғишиң тушунтириб беринг.
11. Нима учун конвеернинг ҳаракати узлуксиз ва даврий бўлиши мумкин?

## **Х БОБ. ЙИГИШ ЦЕХИ ЖИХОЗЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ**

### **10.1. Йиғишиң жараёни элементлари**

*Деталларга чилангарлик ишлови берииш якка тартибли ва майда серияли ишлаб чиқаришларда кенг қўлламда қўлланилиб, қисқич билан жиҳозланган верстакларда бажарилади.*

Верстаклар ҳаракатланувчи яшик (асбобларни сақлаш учун ва уяли ариқчалар) билан жиҳозланган бўлиши керак. Ишлаш вақтида силжиш ва титрашлар бўлмаслиги учун верстак ўта мустаҳкам ўрнатилиши зарур. Верстакларга қисқичлар ёнма-ён ишлаётган чилангарлар бир-бирига халақит бермайдиган ҳолатда жойлаштирилиши керак. Ҳар бир чилангар учун ажратилган верстак майдони асбоблар, чизмалар, материаллар, ишлов беришни кутувчи заготовкаларни ва тайёр деталларни жойлаштириш учун етарли бўлиши керак. Шунинг учун қисқичкларнинг ўқлари орасидаги масофа 1250-1500 мм дан кам бўлмаслиги керак. Агар верстакда икки томонлама иш жойи режалаштирилса, у холда улар орасига тўр тўсиқ ўрнатилади.

Чилангарлик верстаклари ўлчамлари қўйидагича қабул қилинади: бир томонлама жойлаштиришда кенглиги 750-800 мм, икки томонлама жойлаштиришда 1300-1400 мм, ба-ландлиги 850-900 мм.

*Узеллар ва агрегатларни йигизи ишлаб чиқариш дастури, конструкция тавсифи ва ўлчамига асосан стационар ва ҳаракатли бўлиши мумкин. Узелларни стационар йиғишини одий чилангарлик верстагида, столларда ва маҳсус ажратилган жойда; ҳаракатдаги йиғиши рол ганг, конвеер, маҳсус транспорт қурилмаларида бажарилади.*

Верстаклар ва столлар олдида деталларга ишлов бериш ва йиғиши учун тешикларни пармалаш, рез ба очиш учун бир неча пармалаш дастгоҳлари ўрнатилади.


*Машиналарни умумий йигизи ишлаб чиқариш ҳажми, йиғилувчи машина конструкцияси тавсифи ва ўлчамига асосан стационар ва ҳаракатли бўлиши мумкин.*

*Стационар йигизи йиғиладиган машина конструкцияси тавсифига асосан а) полда (жиҳозланмаган майдонда); б) жиҳозланган стенда; в) фундаментларда; г) параллелларда; д) йиғиши дастгоҳларида бажарилади.*

10.1-10.2-расмларда енгил двигателларни йиғиши дастгоҳлари кўрсатилган. Улардан бири (10.1-расм) двигателни турли холатини таъминлаш учун айланувчи қилиб тайёрланган.



### 10.1-расм. Двигателни йиғиш учун дастгоҳ



### 10.2-расм. Йиғиш вақтида маҳсулотнинг зарур холатини таъминловчи буралувчи дастгоҳ


*Оқим бўйича йиғии.* Оқим бўйича йиғиши ишлари узлуксиз бажарилади ва йиғилган тайёр маҳсулот линияда аниқ бир вақт (такт) оралиғида (тайёrlаш вақти) чиқади. Оқим бўйича йиғиши икки турга бўлинади:

- 1) ҳаракатли стендда оқим бўйича йиғиши, яъни оқим бўйича ҳаракатли йиғиши;
- 2) ҳаракациз стендда оқим бўйича йиғиши, яъни оқим бўйича ҳаракациз йиғиши.

Ҳаракатли оқим бўйича йиғиши турли транспорт қурилмалари устида бажарилади:

- а) рол гангда (роликли столда);
- б) рел сли ва рел сиз аравада;
- в) бир бири билан уланган аравали конвеерни ташкил этувчи рел сли араваларда;
- г) лентали, пластинали ва осма айланма конвеерларда;
- д) маҳсус йиғиши конвеерларида;
- е) осма рел сли йўлда;
- з) каруселли столларда.

Транспорт қурилмасида, яъни конвеерда йиғилаётган маҳсулот бир иш жойидан иккинчи иш жойига силжийди, бу жойга маҳсулот етиб келганда ишчи ўз ишини бажаради.



### 10.3-расм. Ҳаракатланувчи обЪектли оқим бўйича йиғиш схемаси

Бунда конвеернинг ҳаракат тезлиги унинг узлуксиз ҳаракатида қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\vartheta = \frac{l}{t_{u.\psi}} = \frac{l}{t_u} \quad [\text{м/мин}] \quad (10.1)$$

ва даврий ҳаракатланадиган конвеер учун:

$$\vartheta' = \frac{l_1}{t_c} \quad [\text{м/мин}]. \quad (10.2)$$

бу ерда  $l$  ва  $l_1$ - иккита йиғилувчи машина ўқлари орасидаги масофа;

$t_{u.\psi}$ - ишлаб чиқариш такти;

$t_u$ - ишлаш такти;

$\psi$ - маҳсулотнинг силжиш вақти.

Иккита йиғиш жойларининг ўқлари орасидаги масофа  $l$  йиғиладиган машина узунлиги  $l_m$  ва 0,3-1,0 м атрофидаги ўлчамли йиғиладиган иккита машиналар орасидаги оралиқ масофа  $l_{op}$  лардан келиб чиқиб аниқланади (10.4-расм):


$$l \leq \frac{l_m}{2} + l_{op} + \frac{l_m}{2}, \quad [\text{м}] \quad (10.4)$$

ёки


$$l \leq l_m K_{l_{op}}, \quad [\text{м}] \quad (10.5)$$

Оқим бўйича йиғиш линиясининг ишчи узунлиги  $L$  иш жойлари сони  $n$  ни икки иш жойи ўқлари орасидаги масофа  $l$  га қўпайтириш орқали аниқланади:

$$L \leq n \cdot l, \quad [\text{м}] \quad (10.6)$$




10.4-расм. Икки иш жойи ўқлари орасидаги масофани аниқлаш  
1, 2, 3-йиғилувчи машиналар




**10.5-расм. Йиғишишлари учун конвеерлар схемаси**

*a) полли вертикал берк занжирли; б) полли горизонтал берк занжирли; в) осма занжирли.*



**10.6-расм. Дастьгохларни умумий йиғишишлари учун қадамли конвеер**



**10.7-расм. Каруселли столда йиғишиң схемаси**  
*1,2,3,4,5,6,7-йиғишиң операцияларининг тартиб рақамлари*

**10.2. Ишчилар таркиби ва сони**

Йиғишиң цехи ишчилари таркибига қуидагилар киради:

1. Асосий ишчилар.
  2. Ёрдамчи ишчилар.
  3. Хизмат күрсатувчи кичик ходимлар.
  4. Хизматчилар: мухандис – техник ва ҳисобчи идора ходимлари.
- Йиғув цехининг асосий ишчилари қуидагилардан ташкил топган:
1. Чилангарлик ишлов бериш ишлари учун чилангарлар.
  2. Узелларни йиғишиң ишлари учун йиғувчилар.
  3. Машинани умумий йиғишиң ишлари учун йиғувчилар.

Ишчи чилангарлар сони ( $P_{чил}$ ) алоҳида деталларга ишлов беришда қуидаги аниқланади:

$$P_{чил} \leftarrow \frac{\sum T_{\partial.k.} \cdot D}{60 \cdot F_{u.x.e}}, \quad (10.7)$$

бу ерда  $T_{\partial.k.}$  – бир деталга чилангарлик ишлов бериш учун донабай-кал куляцияли вақт, мин;

$D$  – йил давомида ишлов бериладиган бир хил деталлар сони, дона;

$\Phi_{u.x.e}$ -ишининг йиллик ҳақиқий ишлаш вақт фонди, соат.

Йиғувчи ишчилар сони ( $P_{иіз}$ ) узелларни стационар йиғишида қуидаги аниқланади:

$$P_{иіз} \leftarrow \frac{\sum T_{\partial.k.} \cdot M}{F_{u.x.e}}, \quad (10.8)$$

бу ерда  $\sum T_{\partial.k.}$  – узелни ёки яхлит машинани йиғишиң ишлов бериш учун донабай-кал куляцияли вақт, соат;

$M$  – йил давомида йиғиладиган узел ёки машиналар сони.

Хисобий ишчилар сонини қабул қилинган ишчилар сонига нисбати ҳар бир иш жойи ининг юкланиши коеффициенти деб аталади ва қуидаги аниқланади:

$$\eta_{\partial.k.} = \frac{R_{x.u}}{R_{k.k}} \quad (10.9)$$

бу ерда  $R_{x.u}$  – хисобий ишчилар сони;

$R_{k.k}$  – қабул қилинган ишчилар сони.

Оқим бўйича йиғишиң линиясидаги барча йиғувчилар сони  $P_{лии}$  ҳар бир иш жойи учун қабул қилинган ишчилар сонининг йиғиндинсига teng бўлади:

$$P_{лии} \leftarrow \sum R_{k.k} \quad (10.10)$$

Оқим бўйича йиғиш линиясидагижойларининг юкланиш коеффициенти алоҳида иш жойларидаги йиғувчиларнинг умумий сонини қабул қилинган йиғувчиларнинг умумий сони нисбатига тенг бўлади:

$$\eta_{лин} = \frac{\sum R_{x.u}}{\sum R_{к.к}}, \quad (10.11)$$

унинг энг мақбул қиймати қўйидагича бўлишига эришиш зарурдир:

$$\eta_{лин} \geq 0,95$$

Ёрдамчи ишчилар цехда ёрдамчи ишларни бажаради, буларга кран ҳайдовчилари, асбоб тарқатувчилар, омборчилар, транспорт ишчилари ва бошқалар киради.

Ёрдамчи ишчилар сони ҳисоблаш йўли билан аниқланмайди. Одатда, улар асосий ишчилар сонига нисбатан фоиз ҳисобида олинади, масалан, серияли ишлаб чиқаришда -20-25%, оммавий ишлаб чиқаришда эса 15-20% хизмат кўрсатувчи кичик ходимлар: цех ва майший хоналарнинг супурувчилари, кур ерлари, телефончилари 1-3% ни ташкил қиласди.

Муҳандис-техник ва идора ҳисобчи ходимлари 12-15% ни, шундан муҳандис-техник ходимлар 8-10% ни, қолганлари идора ҳисобчи ходимларини ташкил этади.

### 10.3. Йиғиш цехи жиҳозларини ва майдонини аниқлаш

Йиғишнинг турли ишларини бажариш учун иш жойлари йиғиш босқичидан ўтаётган деталлар кетма-кетлиги бўйича қўйидагича режалаштирилиши керак:

1. Деталларга чилангарлик ишлов бериш.
2. Узеллар ваузелостилярни йиғиш.
3. Агрегатларни (механизмларни) йиғиш.
4. Машиналарни умумий йиғиш.
5. Машиналарни созлаш.
6. Синаш.
7. Бўяш.

Юкоридагиларга асосан иш жойларининг барча жиҳозлари йиғиш жараёни тартиби бўйича жойлаштирилиши керак:


верстаклар - чилангарлик ишлов бериш учун;

верстаклар, столлар, рол ганг, конвеерлар ва маҳсус курилмалар - узеллар,узелостиляр ва агрегатларни йиғиш учун;

жиҳозланмаган стендлар, жиҳозланган стендлар, фундаментлар, йиғув дастгоҳлари, рел сли ва рел сизиз аравалар, рол ганг, конвеерлар, рел сли йўллар, осма монорел сли йўллар, каруселли столлар - машиналарни умумий йиғиш учун;

дастгоҳлар ва бошқа жиҳозлар (пармалаш дастгоҳлари, пресслар, бошқа машиналар) – йиғиш жараёнида ишларни бажариш учун.


Чилангарлик ишларини бажариш учун верстаклар бўйлама (10.8-расм, а) ва кўндаланг бир томонлама верстаклар учун (10.8,-расм, б) ҳамда икки томонлама (10.8-расм, в) қилиб жойлаштирилади. Верстакларнинг бўйлама узунлиги бўйича йўлка режалаштирилади. Унинг минимал кенглиги 1500 мм (иш жойи чизигида) режалаштирилади. Агар транспорт воситаси ҳаракатланса, у ҳолда транспорт воситаси кенглигини ҳисобга олган ҳолда йўлак лойиҳаланади.



### 10.8-расм. Чилангарлик верстакларини жойлаштириш схемаси

а-бўйлама, б-кўндаланг, в-икки томонлама кўндаланг,


1-верстак, 2-қисқичлар, 3-ии жойлари, 4-девор.



### 10.9-расм. Верс

1-верстаклар, 2-и 6) и  
а) Ақ2000, 3000 мл., 4

### ойлашиш схемаси



Иш жойлари, курламалар ва жиҳозларнинг режасидагилар бўлиши керак:

а) йиғувчиликнинг жойи ва уларнинг йиғилувчи машина атрофида bemalol ҳаракатланиши учун жой:

б) машинанинг йирик деталлари учун жой (рама, корпус, плита ва валлар);

в) деталлар ваузелларни сақлаш учун (яшиқ, токчалар) жой;

г) транспорт воситасининг ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда йўлак ва йўлкалар.

Йиғиш ишларини бажариш учун керакли майдон барча ишчи жойлари, жиҳозлар, конвеер ва бошқа қурилмалар, деталларни сақлаш жойи, йўлак ва йўлкаларни тартиб билан кетма-кетликда жойлаштириш орқали аниқланади. Олинган маълумотлар асосида **нисбий майдон** ҳисобланади, яъни ҳар бир ишчига тўғри келадиган фойдали майдон, уни умумий майдонни асосий ишчилар сонига бўлиш орқали аниқланади. Серияли ишлаб чиқаришда нисбий майдон ўртacha  $18-25 \text{ м}^2$  ни ташкил этади, чилангарлар учун  $5-6 \text{ м}^2$  (10.9-расм).

Йигув цехлари пролётининг кенглиги йиғилувчи машина габарит ўлчамларига асосан олинади.

- а) кичик машиналар учун – 18 м,
- б) ўрта машиналар учун – 18; 24 м,
- в) йирик машиналар учун – 24; 30 м,
- г) ўта йирик машиналар учун – 30; 36 м.

Устун қадами 6; 9 ва 12 м қабул қилинади. Пролёт узунлиги механика цехи сингари ҳисоблаб қабул қилинади. Йигув цехлари баландлиги, агар кўприкли кран қўлланса 6, 15 м, оғир машинасозликда 23 м, агар кўприкли кран қўлланмаса баландлик 6,0 м қабул қилинади. Йигув цехларини механика цехларига нисбатан бир бино ичидаги жойлаштирилади:

1. Механика цехи пролётларига нисбатан параллел пролётда
2. Механика цехи пролётлари давомида.
3. Механика цехи пролётларига перпендикуляр ҳолда.

### **Синов саволлари**

1. Машиналарни созлаш ишларини тушунтиринг?
2. Рол гангнинг вазифасини тушунтиринг?
3. Асбоб тарқатувчларни вазифаси нималардан иборат?
4. Йиғиш жараёнида чилангарлик ишлов бериши де ганда нимани тушунасиз?
5. Стационар йиғиши тушунтиринг
6. Ҳаракатдаги йиғиши тушунтиринг.
7. Йигув цехи ишчилари таркибини кўрсатинг.
8. Йигув цехида жиҳозларни жойлаштириш қандай амалга оширилади?
9. Йигув цехи лойиҳасида нималар кўрсатилиши керак?
10. Йигув цехи майдони қандай аниқланади?

## XI БОБ. ТРАНСПОРТ ТИЗИМИ

### 11.1. Транспорт тизимининг синфланиши ва ишлатилиши

Корхона транспорт воситалари тизими 3 турга бўлинади: ташки, цехлараро ва цех ички.

**Ташки транспорт** корхонани яқин жойлашган магистраллар, бошқа саноат ва хўжалик корхоналари билан боғлаш учун хизмат қиласди. Бу тизим автомобил ва темир йўлларда ҳамда сув йўлларида амалга оширилади.

Темир йўллардаги транспорт воситаси сифатида тепловоз, электровозлар, мотовозлар, автомобил йўлларида эса автомобиллар ва тракторлар қўлланилади.

**Цехлараро транспорт** цехлараро ва омборлардан юклар ташиш учун хизмат қиласди. Бунда транспорт воситаси сифатида электрли ва автоаравалар, автомобиллар, автотягачлар, осма электр тел ферли монорел слар ва темир йўллар қўлланилади.

**Цех ички транспорти** цех ичидаги юкларнинг ҳаракатланиши учун хизмат қиласди. Улар дастгоҳлар, йиғув стендлари иш жойлари ва омборхоналарга хизмат кўрсатиш учун қўлланилади. Транспорт воситаси сифатида электрли авто ва дастаки комплекслар, темир йўллар, электр тел ферли осма монорел слар; устунга ўрнатилган тел ферли бурилиш кранлари; тел ферли кран-балкалар; оддий ва буриувчи стрелали кўприкли электр кранлар; конвеерлар, рол ганглар, склизлар, лифтлар қўлланилади.

Транспорт тизимини ишлатишда қўйидагилар бажарилади:

- талаб қилинган пайтда омборда ишлаб чиқариш бўлимига юкларни етказиб бериш;
- талаб қилинган пайтда яримфабрикантни ёки буюмни, заготовкани технологик жиҳозга етказиб бериш, мўлжаллаш ва ўрнатиш;
- дастгоҳдан тайёр буюмни ёки яримфабрикатларни ечиш ва навбатдаги кўрсатилган манзилга етказиш;
- йиғичага юкларни жўнатиш ва талаб қилинган пайтда уларнинг тарқатиш;
- ишлаб чиқариш бўлими ёки цехдан яримфабрикатни ёки тайёр маҳсулотни омборга етказиш.

Ишлаб чиқариш жараёнини самарали ишлаши транспортировка қилиш усулига боғлиқ бўлади. Чунки транспорт тизими технологик жараённинг алоҳида босқичлари орасидаги алоқани таъминлайди. Транспорт тизими ўз вақтида ва талаб қилинган кетма-кетликда технологик жиҳозларнинг барча талабларини кондириш, йиғич ва омборларни зарур заготовкалар ҳамда тайёр деталлар билан таъминлаши керак.

Транспортировкалаш усули ёки транспорт тизими элементларини танлашда юклар ва транспорт тизимларини ишлаб чиқилган синфланишига қарабади.

Юклар транспорт-технологик тавсифига кўра қўйидагича синфланади: массасига, ўлчамига, шаклига, юклаш усулига, кўринишига ва хоссаларига.

Оптимал транспорт тизимини танлаш учун юклар қўйидаги гуруҳларга бўлинади:

- ташилаётган юклар массасига кўра: 0,01 дан 0,5 кг гача-енгил; 0,5 дан 16 кг гача-ўртacha, 16 кг дан юқориси-оғир;
- юклаш усулига кўра: идишда, идишсиз, сочилган холатда, ориентирланиш бўйича;
- шаклига кўра: валсимон, танасимон, дисксимон, маҳсус турдаги (узун) ва бошқалар;
- материал турига қараб: металл, нометалл ва бошқалар;
- материал хоссасига кўра: қаттиқ, мўрт, пластик, магнитли.

Ўз навбатида транспорт тизими ҳам синфланади:

- вазифасига кўра: цех ичидаги ва операциялараро;
- харакатланиш турига қараб: идишли ва идишсиз юклар, ориентирланиш бўйича ва сочилган;
- харакатланиш тамойили бўйича: даврий ва тўхтовсиз;
- харакатланиш йўналиши бўйича: тўғрига юрувчи ва қайтиб келувчи;
- тармоқ чизигининг жойлашиши бўйича: полдаги, эстакадали ва осма;
- иш тамойили бўйича: кўтариб борувчи, итарувчи ва тортувчи;
- харакат схемаси бўйича: чизиқли ва берк, тармоқланган ва тармоқланмаган;

- конструктив бажарилиши бўйича: рел сли ва рел ссиз;
- маршрутли кузатиш бўйича: механик (йўналтирувчи бўйича), индуктивли, гидроскопли, ёруғлик электронли ва радио билан бошқарилувчи.

Маҳсулотни ташиш йўлдошли ёки йўлдошсиз амалга оширилиши мумкин. Йўлдошсиз усулда, асосан, айланувчи турдаги (валлар, втулкалар, фланецлар ва бошқалар) деталлар ташилади.

Йўлдошли ташишнинг кенг тарқалишига сабаб, бунда ярим фабрикатларни алмаштиришни автоматлаштириш мумкин бўлади. Бунга сабаб эса йўлдошнинг асосий базасининг дастгоҳнинг ва транспорт тизими жиҳозларининг иш столига ўрнатиладиган мосламанинг ёрдамчи базаси билан бирлигидир.

Механика-йигув ишлаб чиқаришида даврий ва узлуксиз ишлайдиган транспорт тизимларидан кенг фойдаланилади. Даврий харакатдаги транспорт тизими икки гурухга бўлиниди: оқим бўйича линияда қўлланиловчи, бир-бирига уланган транспорт тизими ва мосланувчан алоқадаги транспорт тизими. Транспорт тизимининг тури технологик операцияни бажариш вақтини ва деталлапни тайёрлаш шароитини ҳисобга олган ҳолда танланади. Ишлаш тармоқлари (йўллари) полнинг баландлигига тенг бўлса, *полдаги транспорт тизими* деб аталади. Ишчи тармоқлари баландлиги ишчининг қўли баландлигига жойлашган бўлса, *эстакад транспорт тизими* деб аталади. Агар ундан баланд бўлса, *осма транспорт тизими* деб аталади.

Юкни кўтариб ташувчи транспорт тизими битта ишчи тармоқقا эга бўлади, суриб ишловчи эса иккита тармоқقا – юқоридаги (тортувчи) ва пастрдаги (юк ташувчи). Бунинг натижасида исталган вақтда ташилаётган юкни тўхтатиб қолиш мумкин бўлади. Тортувчи конвеерлар, асосан, маҳсулотни йиғишида ишлатилади.

Механика-йигув ишлаб чиқаришида битта транспорт тизимини яратиш заготовка, яримфабрикат ва тайёр деталларни иш ўринлари орасида мўлжаллаб ташиш имконини беради. Бу заготовкани, ярим фабрикатни ва тайёр детални қўшимча мўлжаллаш транспорт операциясини қисқартиришга олиб келади ва натижада ташишнинг таннархи ва иш ҳажми камаяди. Транспорт тизимининг синфланишини кўриб чиқиб, механика-йигув ишлаб чиқаришини лойиҳалашда фойдаланилади. Транспортнинг ҳар бир тури учун ҳозирги пайдада унификацияланган элементлар ишлаб чиқилган бўлиб, булар самарали ва ишончли транспорт тизимини яратишга имкон беради ва фақат алоҳида холлардагина маҳсус транспорт воситаси яратишга тўғри келади. Транспорт тизимини лойиҳалаётганда ташиш операцияларини автоматлаштириш даражасига эътибор бериш керак ва иқтисодий натижалардан келиб чиқиб танлаш керак. Яна шу нарсани эътиборга олиш керакки, яъни транспорт тизимига унча қўп бўлмаган капитал маблағ сарфлаб, сезиларли миқдордаги ёрдамчи ишчиларни қисқартишга эришиш мумкин.

## 11.2. Транспорт тизимини лойиҳалашдаги асосий йўналишлар

Транспорт тизимини лойиҳалашдаги асосий вазифа кўтариш, ташиш, операциялари ҳажмини қисқартириш ва белгиланган иш ҳажмини бажаришда меҳнат сарфини камайтиришдан иборат бўлади. Технологик жараённи лойиҳалашда заготовкани рационал шаклини танлаш йўли билан кўтариш-ташиш операциялар ҳажмини камайтириш мумкин бўлади. Бунда заготовканинг шаклини тайёр детал шаклига иложи борича яқинлаштирилади ва натижада харакатланаётган юкларнинг массаси қисқаради. Ҳаракатланаётган юкларнинг массасини камайтиришнинг яна бир йўналиш сифатида марказлашган ҳолда қўйма ва поковкаларга дастлабки ишлов берадиган корхоналардан қўйма ва поковкаларни олишни ташкил этишини кўриш мумкин.

Юк оқимининг қувватини қисқартиришни ишлаб чиқариш бўлимларини ташкил этиш ва компоновкалаш ечимини қабул қилиш босқичларида ҳам амалга ошириш мумкин. Масалан, механика-йигув биносида ярим фабрикат омборини жойлаштириш транспортнинг йўлини қисқартирибгина қолмай, балки транспортдан фойдаланишни ҳам яхшилайди.

Полда юрувчи фидиракли транспортдан фойдаланишда, айниқса юкларни вертикал йўналишда силжитишни қисқартириш, ташиш вақтида юкнинг баландлигини бир хил ушлаб

туриш жуда муҳимдир. Барча яримфабрикатлар ишлаб чиқариш тараларидан ташилиши керак ва уларни полга тушириш ҳамда полдан қўлда кўтариш умуман таъқиқланади.

Механика-йигув ишлаб чиқаришини деталлар бўйича ва предметли маҳсуслаштирилиши, агар дастгоҳлар ва ишлаб чиқариш бўлимлари технологик жараён бўйича жойлашган бўлса, юкларнинг ортиқча силжишини, уларнинг орқага қайтиш ҳаракатини тўхтатади, бу эса юкларнинг юриш йўналишларини қисқартиради.

Ишлаб чиқариш бўлимлари ва улар орасида бир хил турдаги автоматлашган транспорт тизимларини (осма сурувчи конвеерлар, ЭҲМ бошқарувчи ўзи юрар аравали транспорт, робокаралар, юкловчи қурилмали ва вақт бўйича айланувчи роликли конвеерлар, масофадан бошқарилувчи осма кран операторлари ва бошқалар) иш хажмини тубдан қисқартиришга ва ташиш ишларининг самарадорлигини ошириш имконини беради. Бир турдаги транспорт во-ситаларини бошқариш ва уларга хизмат қилиш қулайроқdir.

Юк ташиш технологик жараёнини турларга бўлиш янада самарали жараёнларни қўллаш ва рационал типдаги жиҳоз ва мосламаларни ўрнатиш, юк ташиш технологик жараёнини ишлаб чиқиши яхшилаш имконини беради, бундан ташқари керакли материаллар, заготовкалар, яримфабрикатлар ва маҳсулотларни технологик жиҳозлар олдига етказиб беришни қисқартиради.

Технологик жиҳозларга ишлов бериладиган (йигиладиган) деталларни юлаш ва уларни ишлов берилгандан (йигилгандан) кейин ечиб олишни автоматлаштириш ҳамда транспорт тизими билан технологик жиҳозни туташтириш учун саноат роботлари ва автоматик туташтирувчи қурилмалардан фойдаланишни талаб қилинади.

Транспорт тизимининг сезиларли даражада самарали ишлашига юкларни контейнерларда ташишдан фойдаланиш ёрдамида ташиш партиясини катталаштириш орқали эришиш мумкин бўлади.

### **11.3. Юк ташиш технологик жараёни ва транспорт алоқалари схемаси**

Транспорт тизимини лойиҳалашда асос қилиб механика-йигув ишлаб чиқаришидаги транспорт алоқалари схемаси олинади, ушбу схемада технологик жиҳозлар, йигғичлар, ишлаб чиқариш бўлимлари ва омборлар орасидаги юк оқимлари кўрсатилади. Юқорида келтирилган транспорт тизимининг синфланишига асосан юк ташиш жараёнини янада аник, чуқур ишлаб чиқиш учун юк ташиш алоқаларининг цех ичидаги схемасини қуриш зарурдир. Ушбу схемада ишлаб чиқариш бўлимлари ва омборлар орасидаги юк оқимлари ва ишлаб чиқариш бўлимларидаги операцияларро транспорт алоқалари схемаси кўрсатилади.

Цех ичидаги транспорт алоқалари схемасини қуриш учун маҳсулот тайёрлашни технологик жараёнини билиш керак. Технологик жараёнда юкларни ишлаб чиқариш бўлимлари орасида юриш кетма-кетлиги, цхнинг бошланғич компоновкаси ва цехдаги юк алмашинуви, юкларнинг номенклатураси, массаси ва габарит ўлчамлари, уларнинг ҳаракатланиш шароитларига талаблар кўрсатилади.

Механика-йигув ишлаб чиқаришини лойиҳалашнинг охирги босқичида, яъни цехни якуний компоновкалашда, транспорт алоқалари схемасини корректировка қилиш зарурати келиб чиқиши мумкин. Цех бўйича юк айланишини аниқлаш учун асосий ва ёрдамчи материалларга, заготовкаларга, яримфабрикатлар ва буюмларга бўлган талабни аниқланади. Уларнинг массаси ҳар бир ишлаб чиқариш бўлими учун барча ишлаб чиқариш дастури бўйича тонналарда берилиши керак. Агар транспорт тизими ишлаб чиқариш бўлимига асбоблар, технологик мосламалар етказиб берса, у ҳолда умумий юк оқимини аниқлашда уларнинг массасини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади.


Компоновка қилишда юк оқимлари полоса каби кўрсатилади, уларнинг кенглиги юк оқими қийматига ( $tF_{сут}$  ёки  $tF_{ийл}$ ) тўғри келиши керак. Ҳар бир юк оқими ракамлар билан кўрсатилади. Юк оқимини аник кўрсатиш учун турли хил рангдаги штрихли (ёки қизил) чизиқларда тасвирланади, чунончи юкларнинг тури шу чизиқларга мос келиши зарур; юкларнинг йўналиши кириш ва чиқиш жойларida стрелкалар билан кўрсатилади, агар юк оқими катта бўлса, бутун узунлиги бўйича кўрсатилади. 11.1-расмда йигув цехининг транспорт схемаси кўрсатилган.

Юклар оқимининг схемаси тарантортларни ишлаб чиқиш учун база бўлиб хизмат қилади, шунингдек турини, сонини ва юк ташиш воситаларининг асосий техник параметрларини танлаш имконини беради. Лойиҳалашда юк оқимларининг бир неча вариантилари бажа-рилиб, оптималь варианти танлаб олинади.

Оптималь транспорт-технологик схема қўйидагиларни таъминлаши керак:

- зарур бўлган операцияларнинг минимал сони;
- юк ташишнинг минимал масофасини ва минимал сонини;
- ҳар бир операцияни юк ташиш жараёни билан биргаликда автоматлаштириш;
- маҳсулот тайёрлашдаги операцияни юклаш-ташиш операцияси билан мос тушиш имконини оширишга эришиш;
- прогрессив юқори унумли воситалардан жараённи автоматлаштириш учун фойда-ланиш;
- юк ташиш жараёнини автоматлаштириш воситаларининг бир хиллигини таъмин-лаш;
- бир-бири билан кесишиши ва ёйилиб кетишининг сонини энг кам микдорга келти-риш;
- меҳнат хавфсизлиги талаблари;
- иқтисодий жиҳатдан самарадорлилик;
- таъмирлашга яроқлилик.

### 11.1-расм. Йигув цехи юк ташиши технологик



#### жараёни ва транспорт алоқалари схемаси

**I-Тайёр деталлар омбори. ИИ- Корпус деталларини тўгрилаш ва бўяши участкаси. ИИИ- Узелларни йигиси участкаси. ИВ – Машиналарни монтаж қилиши участкаси. В- Ма-шиналарни созлаш ва синаши участкаси. ВИ- Машиналарни бўяши участкаси. ВИИ- Бўёқларни тайёрлаш участкаси. ВИИИ- Комплектлаши ва қадоқлаши участкаси. Юк оқими: Д-алоҳида деталлар, У- йигилган узеллар, К- йигилган комплектлар, М- йигилган машиналар**

Барча қўрсатилган талаблар ишлаб чиқариш бўлимининг операцияларо транспорт алоқалар схемасини қуриш учун қўрсатилган ва технологик жиҳозлар орасида юкларнинг юриш кетма-кетлигини белгилайди. Ишлаб чиқариш жараёнидаги транспорт алоқаларини тузуб чиқилгандан кейин юк ташиш технологик жараёни ишлаб чиқлади.

**Юк ташишининг технологик жараёни** деб ишлаб чиқариш жараёнини бир қисми ту-шунилади, бунда ишлаб чиқариш объектининг (материал, заготовка, ярим фабрикат, маҳсу-лот) фазовий жойлашиши ўзгаради, лекин сифати ўзгармайди. Юк ташиш технологик жара-

ёни маълум бир тартибда бажарилувчи бир неча операциялардан тузилган бўлади. Масалан, юклаш, ташиш, тушириш, тахлаш. Типли технологик жараёнларни қўллашга ҳаракат қилинади, яъни ҳаракатланиш йўналиши, транспортлар партиясининг таркиби, юк бирлигини ушлаш шароити ва бошқалари умумий бўлган материал, заготовка, ярим фабрикат ва маҳсулотлар гурухлари учун ишлаб чиқилади. Одатда, ташиш жараёнининг йўналиш ва операциялар картаси ишлаб чиқилади, унинг асосида танланган типдаги ташиш воситаси учун ташиш вақти белгиланади.

#### **11.4. Цех ичидаги ва операциялараро транспорт тизими**

Цех ичидаги транспорт тизими заготовкаларни, ярим фабрикатларни, тайёр деталларни, материаллар ва бошқа юкларни омбордан талаб қилинган ишлаб чиқариш бўлимига ёки бўлимлардан омборга ўз вақтида етказиб бериш учун, шунингдек бўлимлар орасида юк ташиш учун мўлжалланган бўлади.

Ишлаб чиқариш бўлимининг эҳтиёжи асосида маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг берилган дастурини таъминлаш учун ҳар бир омбордан юборилган юклар юк оқимини аниқлайди ва цехнинг юклар ташиш алоқалари схемасида кўрсатилади. Бундан ташқари, умумий юк оқимини аниқлаш учун ташилиши зарур бўлган барча юкларнинг массасини ҳисобга олиш керак бўлади. Юк ташиш усусларини ўзида мужассамлаштирган, юк ташиш технологик жараёнидан келиб чиқиб, технологик жиҳоз ва омборларни режалашда, цехни компоновкалашда юк ташиш тизимининг ҳисоби бажарилади. Ишлаб чиқариш бўлимига юк ташиш жараёни омборнинг қабул қилиш-топшириш секциясидан, ташиш учун тайёр ҳолдаги юкни қабул қилиш билан бошланиб, ишлаб чиқариш бўлимини қабул қилиш-топшириш бўлимига юкни узатиш билан тугайди.

Транспорт тизимининг турини, юк кўтарувчанлигини ва сонини танлашда транспорт воситаларини асосий ва ёрдамчиларга бўлинишини ҳисобга олиш зурур. Асосий транспорт воситаси марказлашган лойиҳаланади ва серияли ишлаб чиқилади, ёрдамчи воситалар эса жойида тайёрланади, чунки уларнинг ўлчами ва турлари турли хил бўлади.

Асосий транспорт воситаларига конвеерлар, транспорт роботлари, пневматик ва гидравлик транспорт қурилмалари ва бошқалар киради. Ёрдамчи транспорт воситаларига мўлжалловчи, туртувчи, иргитувчи, кўтарувчи столлар, буралувчи координатали столлар, кўтаргич ва ишлаб чиқариш таралари киради.

#### **11.5. Цех транспортининг турини танлаш**

Транспорт воситалари турини танлаш қуйидаги омиллар асосида амалга оширилади: тайёрланадиган маҳсулот тавсифи, унинг оғирлиги ва ўлчамлари; ишлаб чиқариш тури ва ишни ташкил этиш шакли; ҳаракатдаги юклар сони; транспорт вазифаси, транспорт томонидан хизмат кўрсатилувчи бино тури ва ўлчамлари.

Кулай транспорт воситаси сифатида электр аравалар (11.2-расм) қўлланилади. Улар бошқаришда қулай, содда ва шовқинсиз ишлайди. Электр аравалар юқоридаги афзалликлари туфайли корхоналарда кенг қўлланилади.

Бурилиш бур-  
чаги  $180^{\circ}$

## **11.2-расм. Юк күтарувчи кран билан жиҳозланган электроарава**

Электроаравалар акуммуляторлар батареясидаги ток билан таъминланадиган электродвигател ёрдамида ҳаракатланади. Улар 0,75; 1,0; 1.5; 2; 3 ва 5 тонна юк күтаришга мўлжалланган бўлади.

Электроараваларни цех ичидаги бошқариш осон ва қулай, резина шиналар ёрдамида шовқинсиз ҳаракатланади. Ҳаракатланиш тезлиги 6-15 кмГсоат ни ташкил этади.

Кенг рел сли темир йўл транспорти цех омборларига кўп сонли оғир заготовкаларни келтириш ҳамда тайёрланган оғир ва катта ўлчамли маҳсулотларни йиғув цехларидан олиб кетиш учун қўлланилади. Бундай холатда темир йўл релси тўғри цех ичига келтирилади.

Айrim холатларда темир йўл релси цех биноси ёнидан ўтади ва тайёр маҳсулот ташки транспорт воситалари ва кўприкли кран ёрдамида юкланди.

Тел ферли монорел слар турли материаллар ёки маҳсулотларни цехдан цехга, дастгоҳдан дастгоҳга ва омборхоналардан узатиш учун хизмат қиласди.

Оддий стрела кўринишдаги буралувчи кранлар тел фер ёки тал билан жиҳозланган бўлиб, улар бир дастгоҳ ёки иш жойига хизмат кўрсатиш учун устунларга, радиус бўйича буриладиган холатда ўрнатилади. Бундай буралувчи кранлар дастгоҳларга оғир заготовкаларни юклаш ва айrim холларда бир пролётдаги дастгоҳдан бошқа пролётдаги дастгоҳга деталларни узатиш учун ҳам қўлланилади.

Цехларда энг қулай ва кўп қўлланиладиган юқори даражадаги транспорт сифатида электр токи ёрдамида ишлайдиган кўприкли кранлар қўлланилади. Улар бир вақтнинг ўзида ҳам кўтариш, ҳам транспорт воситаси афзалликларига эга бўлиб, цехнинг барча ишлаб чиқариш майдонига хизмат кўрсата олади. Бундай кранлар 350 тоннагача юк кўтариш қобилиятига эга бўлади.

Конвеерлар, рол ган, тарнов, скат, склиз ва бошқа транспорт қурилмалари деталлар, заготовкалар ёки материалларни иш давомида бир иш жойидан навбатдаги иш жойига узатиш учун хизмат қиласди.

Машинасозликда асосан лентали, пластинали, аравали полдаги вертикал ва горизонтал берк, осма занжирли ҳамда одимловчи пул сли конвеерлар кенг кўламда қўлланилади.

Лентали конвеерлар деталлар учун маҳсус уялар ясалган резинали ленталар билан жиҳозланган бўлади. Механика-ийғув цехларида 200-600 мм кенгликка эга бўлган конвеерлар қўлланилади. Ишчи конвеернинг ҳаракат тезлиги 6-30 мГмин транспорт конвеернинг ҳаракат тезлиги эса 30-60 мГмин ни ташкил этади.

Пластинали конвеерлар узунлиги 200 метргача, кенглиги 400-1600 мм ўлчамларда тайёрланади. Ишчи конвеернинг ҳаракат тезлиги 1-5 мГмин, транспорт конвеернинг ҳаракат тезлиги эса 7-20 мГмин ни ташкил этади.

Оқим бўйича ишлаб чиқаришда деталларни дастгоҳдан дастгоҳга узатиш учун скат ва склизлар қўлланилади. Бу қурилмалар деталнинг ҳаракатланиш усули бўйича номланган, яъни скат – думалаш, склиз – сирпаниш.

Скатлар цилиндрическимон ёки золдир кўринишли деталларнинг ҳаракатланиши учун мўлжалланган бўлади. Скатлар металл конструкциялардан йиғилиб, детал оғирлигини ҳисобга олган ҳолда 1:10 дан 1:15 қиялиқда тайёрланади, узунлиги эса 10 метргача бўлиши мумкин.

## **Синов саволлари**

1. Транспорт тизимида қандай талаблар қўйилган?
2. Ташилаётган юкларнинг массаси бўйича қандай синфланади?
3. Юкларни юклаш ва шакли бўйича қандай синфланади?
4. Материал тури ва хоссалари бўйича қандай синфланади?
5. Транспорт тизимларини ҳаракатланиш усули қандай синфланади?
6. Транспорт тизимини ҳаракатланиш йўналиши бўйича қандай синфланади?

7. Ташиш ишларига кетадиган ҳаражатларни камайтириш йўлларини кўрсатинг?
8. Транспорт тизимининг схемасини қуриш учун қандай бошланғич маълумотлар керак бўлади?
9. Асосий транспорт жиҳозларига нималар киради?
10. Ёрдамчи транспорт жиҳозларига нималар киради?

## ХИИ БОБ. ЦЕХЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ХОНАЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ

### 12.1. Хизмат хоналари таркиби ва уларни жойлаштириш

Цехларга хизмат кўрсатувчи хоналарга бошқарув ва майший хоналар киради. Бошқарув-идора хоналари цехнинг бошқарув хизматчиларини жойлаштириш учун хизмат қиласи. Майший хоналар ишчи ва ходимларга санитар – гигиеник, тиббий ва маданий хизмат кўрсатиш учун хизмат қиласи. Цех бошқарув хизмати ва майший хоналари бир бино ичида жойлаштирилади.


Бошқарув – идора таркибига: технологик, конструкторлик, диспетчерлик бюоролари, цех лабораторияси, ҳисобхона, смена муҳандислари учун хона, цех бошлиғи ва ўринбосари ҳамда цех бошқаруви техник хизматчилари хоналари киради.

Идора хоналари майдони ҳар бир хизматчига  $3,25 \text{ м}^2$  майдон асосида, конструкторлар ва чизмачилар учун ҳар бир чизма столига  $5 \text{ м}^2$  асосида майдон ҳисобланади. Хоналар баландлиги (полдан шифтгача) 3,3 метр бўлиши керак. Цех устаси учун жой тўғридан – тўғри иш жойида  $2x2$  ёки  $2,5x2,5 \text{ м}$  ўлчамдаги майдон ажратилиди.

Санитар – гигиеник хизмат таркибига: гардероблар, юваниш хонаси, душлар, санитарияузели (аёллар учун), ваннахоналар, заарсизлантириш хонаси, қуритиш хонаси ва чекиш жойлари киради.

Тиббий хизмати кўрсатиш учун профилакторий ва поликлиника хонасига эга бўлиши керак; умум овқатланиш хизмати - овқат қабул қилиш хонаси, буфетлар, ошхоналар; маданий хизмат кўрсатиш учун эса кутубхона ва бошқалар бўлиши керак.

Майший хоналар бошқарув – идора биноси билан биргаликда лойиҳаланади. Бу бино цех биносининг ён ёки бўйлама тарафида (12.1 а, б-расм) ёки уни алоҳида (12.1 в-расм) қурилади..



12.1-расм. Бошқарув – майший биноларининг жойлашиш схемаси

1-ишилаб чиқарииш биноси; 2-бошқарув – идора бинолари;


а-цех корпуси тороғ тарафида; б-цех корпусининг бўйлама ён тарафида; в- йўлаклар билан бирлаштирилган алоҳида бинода; г-бўйлама томонга кўндаланг бирлашиш холатида.

Агар бошқарув-майший бинолари алоҳида қурилса, у ҳолда бино кенглиги 18 метр қабул қилинади. Агар бино бир тарафдан ёритилса кенглик 12 м, устунлар қадами 6 метр, бино баландлиги 3,3 метр қабул қилинади.

Ишчилар сони кўп бўлган йирик цехларда майший хоналар икки, уч ёки тўрт қаватли қилиб жойлаштирилади. Бу холатда биринчи қаватда хожатхона, юваниш хонаси, душ, гардероб, тиббиёт хонаси жойлаштирилади. Биринчи қаватнинг қолган хоналарида бошқа хизмат хоналари жойлаштирилади.


Бошқарув – майший биносининг узунлиги 36, 48, 60 м, кенглиги 12 ёки 18 м, устун қадами 6х6 м, полдан баландлиги 3,3 метр бўлиши керак.

12.2-расмда бошқарув-майший хоналарига мисол келтирилган.




(18)

### 12.2-расм. Бошқарув-маиший бино схемаси



б)



12.3-расм. Бошқарув-маиший хоналари умумий режасининг намунавий вариантилари схемаси:

а-марказий битта кириши ва цехдан иккита чиқиши эшиклари билан; б-иккита кириши ва цехдан битта марказий чиқиши эшиклари

### 12.2. Хизмат хоналари майдонини аниқлаш ва режалаштириш

Юқоридаги санаб ўтилган барча хизмат хоналари машинасозлик корхоналарининг барча цехларида ташкил этилади.

*Гардероблар:* а) кўча кийимларини; б) уй кийимларини; в) иш кийимиларини сақлаш учун хизмат қиласди. Кийимларни сақлаш усули қуидагича: а) ёпиқ ҳолда (барча кийимлар ёпиқ шкафда сақланади); б) очик усулда (кўча кийими илгакда, иш кийимилар очик шкафда сақланади); в) аралаш ҳолда (кўча кийими илгакда, уй ва иш кийимлари ёпиқ шкафда).

Гардеробда кийимларни сақлаш учун жойлар сони қуидагича аниқланади:

а) кийимларни ёпиқ ҳолда сақлаш усулида барча сменаларда ишловчи ишчилар сонига тенг ҳолда;

б) кийимларни очик ҳолда сақлаш усулида барча сменаларда ишловчи ишчилар сонига тенг ҳолда;

в) аралаш усулда: уй ва иш кийимиларни сақлаш учун барча сменадаги ишчилар сонига тенг ҳолда; кўча кийимини сақлаш учун 2 сменада аралаш ишлайдиган ишчилар сонига тенг ҳолда олинади.

Механика, йиғув, асбобсозлик, таъмирлаш-механика, модел цехларида ҳар бир сменанинг бир ишчисига ёпиқ усулда кўча ва иш кийимиларни сақлашда битта ёпиқ икки хонали шкаф; очик ҳолда сақлашда кўча кийими учун осмада битта илгак ва иш кийими учун битта очик шкаф талаб этилади.

Гардеробларни лойиҳалашда қуидагича ўлчамлар қабул қилинади:

Илгаклар сони – 5 та илгак 1,0 погон метр илгак майдонига қабул қилинади, унинг баландлиги 1550 мм ташкил этади;

Шкафлар ўлчами: бир қаторли-узунлиги 500 мм, кенглиги – 250 мм, баландлиги 1650 мм; енгил иш кийими учун 1 кишилик (халат, комбенизион) 250 мм x 200мм x 1650 мм; икки хонали-икки хил кийимни сақлаш учун 500 мм x 330 мм x 1650 мм бўлади.

Параллел жойлашган илгаклар ва шкафларнинг олд тамонлари орасидаги йўлка кенглиги 0,6 м; узунлиги 9 метргача бўлган йўлкаларнинг кенглиги 1 метр, агар йўлка узунлиги 9 метрдан узун бўлса, йўлканинг кенглиги 1,5 метр қабул қилинади.

Шкафлар гардеробда икки қаторли қилиб, хонани бўйлама ўқига нисбатан перпендикуляр холатда жойлаштирилди. Гардеробда шкафларни жойлаштириш мисоли 12.4-расмда келтирилган (а-ўтиргичсиз ва б-хар бир шкаф олдида ўтиргичли) 12.4-расмда икки хонали шкаф режаси берилган, бунда ҳар бир шкаф аралаш бўлимларга эга бўлиб, бири тоза кийим учун, иккинчиси иш кийими учун мўлжалланган бўлади.

*Ювинии* хонаси эркаклар ва аёллар учун алоҳида, гардероб билан ёнма хоналарда ёки бино ичидаги режалаштирилди, бунда совук ва иссиқ ( $30-35^{\circ}$ ) сув келтирилган кранлар гурухи ўрнатилади, кран жўмраклар сони ишчилар сонига нисбатан, яъни 20 кишига бир кран ўрнатилади. Кранлар орасидаги масофа 0,6 метрдан, икки қатор кранлар орасидаги йўлка кенглиги эса 1,6 метрдан кам бўлмаслиги керак. Индивидуал кранлар ўлчови 0,6 метр x 0,4 метр бўлиши керак. 12.5-расмда мисол келтирилган.

Душлар алоҳида хонада, гардероб билан ёнма-ён ҳолда жойлаштирилди, душлар сони ишчилар сонига нисбатан, яъни 7 кишига 1 кабина олинади. Кабина ўлчами 0,9x0,9 метр, икки қатор кабина орасидаги йўлак 1,5 м, кабина ва девор орасидаги йўлак кенглиги 0,9 метр бўлиши керак.

Кийиниши хонасида ўтиргич кенглиги 0,3 м ва узунлиги 0,4 м бўлиши керак.


*Овқатланиши шоҳобчалари* корхона учун қуидаги турда бўлади:

а) очик ошхоналар корхона худудининг ташқарисида;


б) ёпиқ ошхоналар, корхона териториясида жойлаштирилиб, улар алоҳида ва цех таркибида ҳам бўлади;


в) ёпиқ буфетлар ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолар таркибида бўлади.

а




б






Уй кийимлари учун былим




Иш кийимлари учун былим

Уй кийимлари учун шкаф




Иш кийимлари учун шкаф

**12.4-расм. Гардеробда шкафларни режалаштириш схемаси**



### 12.5-расм. Ювениш хонаси схемаси

1. Умивалниклар. 2. Кийим учун осма



12.6-расм. Душхонанинг схемаси.

### Синов саволлари

1. Ҳисоб-идора ҳодимларига кимлар киради?
2. Цехларга хизмат кўрсатувчи хоналарга қандай хоналар киради?
3. Конструкторлар ва чизмачилар учун ҳар бир чизма столига неча  $m^2$  асосида майдон ҳисобланади?
4. Маданий хизмат кўрсатиш учун қандай хоналар лойиҳаланади?
5. Бошқарув-маиший биноларининг ўлчамлари нима асосида қабул қилинади?
6. Гардеробда кийимларни сақлаш учун жойлар сони қандай аниқланади?
7. Ишчилар сони кўп бўлган йирик цехларда майший хоналар қандай лойиҳаланади?
8. Хизмат хоналари майдонини аниқлашни тушунтириб беринг.

## **ХИВ БОБ. ЦЕХ ЛОЙИХАСИ ТАРКИБИ ВА УНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

### **14.1. Лойиҳа таркиби ва уни бажариш учун топшириқлар**

Цех лойиҳасини белгиланган муддатда муваффақиятли бажариш учун лойиҳани ишлаб чиқиши календар режаси тузиб олиш зарур бўлади. Бунинг учун лойиҳалашнинг барча ишларини қисмларга бўлиб олинади. Ушбу қисмларнинг айримлари хисоб ишларидан келиб чиқсан холда маълум бир кетма-кетликда бажарилади, бир вактда бажарилиши мумкин бўлган айрим қисмлари эса бошқа қисмлар билан параллел равишда ишлаб чиқилади.

Механика ва йиғув цехи лойиҳаси таркибининг асосий қисмлари қўйидагилардан иборат бўлади:

1. Лойиҳалаш учун топшириқ ва цехнинг ишлаб чиқариш дастури.
2. Лойиҳанинг ҳисоблари билан биргалиқдаги технологик ва конструкторлик қисми.
3. Лойиҳанинг ҳисоб қисми (жихозлар, технологик таъминот, ишчилар таркиби, майдонлар ҳисоби).
4. Жихозларни жойлашиш режаси ва цехнинг умумий компановкаси.
5. Лойиҳанинг энергетик, санитар-техник ва бошқа маҳсус қисмларини лойиҳалаш учун топшириқ.

6. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва цехни бошқариш масалалари.

7. Мехнат ва ёнғин хавфсизлиги масалалари.

8. Лойиҳанинг иқтисодий қисми.

9. Лойиҳанинг ҳисоб-тушунтирув қисми.

*Лойиҳалаш учун топшириқ ўз ичига қўйидагиларни олади:*

1. Маҳсулот номенклатуроси, уларнинг сони, оғирлиги, баҳоси ва йиллик сотиши ҳажми.
2. Ишлаб чиқариш учун таклиф этилаётган маҳсулотнинг қисқача баёни ва конструкциясининг тахлили.
3. Допусклар ва ишлов бериш аниқлик синфи кўрсатилган холда деталларнинг ишчи чизмалари, узеллар ва бутун маҳсулотнинг йиғув чизмалари.
4. Технологик жараён учун лойиҳаланадиган заготовкалар чизмаси.
5. Заготовка тури кўрсатилган деталларнинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми учун уларнинг дастлабки ва тайёр бўлган детал ҳолатидаги оғирликари.
6. Ишлаб чиқариладиган детал ва маҳсулотни тайёрлаш учун техник шартлар.
7. Деталлар спецификацияси.

Бундан ташқари топшириқда цехнинг иш режими ҳам кўрсатилиши керак.

### **14.2. Лойиҳанинг технологик ва конструкторлик қисми**

Лойиҳанинг технологик ва конструкторлик қисмida қўйидагилар ёритилиши керак:

1. Деталнинг энг оптималь оғирлигини таъминловчи қўйимлар ва допусклар, аниқлик синфи, ишлов бериш тозалиги кўрсатилган холда детал заготовкаси ва йиғув узелининг ишчи чизмасини лойиҳалаш.

2. Мураккаб ва тайёрланиши қийин бўлган деталларнинг конструкцияларини технологиявийликка тахлили, булар:

а) белгиланган шаклда ўтишлар бўйича технологик эскизлар ва ишлов бериш вақт меъёрлари кўрсатилган деталларга механик ишлов бериш технологик карталари. Ишлов бериш карталарида операциялар бўйича ишлов бериш усули ва режаси, техник тавсифлари билан керакли дастгоҳ, мосламалар, кесувчи ва ўлчаш асбоблари, кесиш режими, ҳар бир операция бўйича вақт меъёри кўрсатилади;

б) кесиш режимини меъёрлар асосида аниқлаш ва ҳисоблаш;

в) ишлов бериш вақти ҳисоби ва ишчининг малакаси;

г) операция ёки ўтишлар, позициялар бўйича ишлов бериш технологик жараёнларини акс эттирувчи чизмалар. Бунда деталларни базалаш ва маҳкамлаш, ишлов бериш сиртининг

ўлчами ва тозалик даражаси, дастгоҳларни саралаш, ишчи асбобнинг синфи ва уни маҳкамлаш түғрисида маълумотлар, операция, ўтиш ва деталларнинг номи бўлиши керак;

д) базалаш холати, ишлов бериш аниқлиги ва тозалиги билан боғлик бўлган ҳисоблар;

е) ишлов бериш картасини тўлиқ тузилмайдиган деталлар учун операциянинг қисқача карталари;

ж) лойиҳанаётган технологик жараёнда қўлланиладиган деталларга ишлов бериш ва назорат қилиш учун мосламалар конструкциясининг эскизи ва чизмаси;

з) лойиҳаланган маҳсус кесувчи ва ўлчов асбобларининг ҳисоблари билан чизмалари ва эскизи.

Қабул қилинган технологик ва конструктив ечимларни асослаш учун тегишли ҳисоблар бажарилиши керак, уларга:

а) цехда тайёрланадиган деталларнинг мустаҳкамлик ҳисоби (уларни тайёрлаш жараёнида конструкцияси ва хусусиятининг ўзгаришини ҳисобга олиш учун);

б) заготовкаларнинг ўлчамларини аниқлаш мақсадида заготовка қўйими ва ўлчам доpusklari ҳисоби;

в) метал кесиш режими элементларини аниқлаш ҳисоби;

г) деталларга ишлов бериш (узелларни йиғиши) вақт меъёрлари ҳисоби;

д) ишлов бериш аниқлиги ва тозалигини базалаш хатолигини аниқлаш билан боғлик бўлган ҳисоблар;

е) мосламада детални кесиш кучи ҳисоби, мослама элементларининг мустаҳамлик (ишлов бериш, йиғиши) ҳисоблари;

ж) маҳсус кесувчи асбоб ва ўлчов асбобларининг конструкциясининг ҳисоблари бўлиши керак.

### **14.3. Умумий ҳисоблар ва цех компановкаси**

#### **Лойиҳанинг умумий ҳисоблари қуидагиларни ўз ичига олади:**

1. Ишлаб чиқариш дастурини бажариш учун керакли жиҳозлар ҳисоби:

а) дастгоҳлар, оқим бўйича ёки автоматик линия ҳисоби;

б) технологик жараён ва техник иқтисодий кўрсаткичлар бўйича дастгоҳлар сони;

в) дастгоҳларнинг юкланиш жадвали;

г) асосий вақт бўйича дастгоҳлардан фойдаланиш коеффициентини ва дастгоҳларнинг қуввати бўйича фойдаланиш коеффициентини аниқлаш;

д) асосий ва ёрдамчи (чархлаш, тайёрлов ва бошқа бўлимлар учун) жиҳозларнинг техник тавсифи ва асосий баланс нархи қўрсатилган қайдномаси.

2. Узелларни йиғиши линияси, йиғиши ва иш жойлари ҳисоби, йиғишилар учун керакли бўлган қайднома.

3. Асбоблар, мосламалар, ёрдамчи жиҳозлар ва материалларнинг керакли сони, уларга:

а) мосламалар қайдномаси;

б) ишчи (кесувчи ва бошқалар) асбоблар қайдномаси;

в) ўлчаш асбоблари қайдномаси;

г) электро двигателлар қайдномаси;

д) асосий ва ёрдамчи материаллар қайдномаси.

4. Керакли ишчи кучи ва цех штатларини ишлаб чиқиш:

а) ишлаб чиқариш ишчилари қайдномаси

б) ёдамчи ишчилар ва кичик хизмат кўрсатувчи ходимлар қайдномаси

в) бошқарув, муҳандис – техник ва ҳисоб идора ходимлари қайдномаси

5. Юқ кўтариш ва транспорт воситаларининг керакли сони уларнинг техник тавсифи тузиш, танлаш, юкланиш, графигини ва ушбу турдаги жиҳозларнинг қайдномасини тузиш.

6. Механика (механика-йиғув) цехи майдонининг ҳисоби:

а) деталларга ишлов бериш бўлими;

б) йиғиши бўлими;

- в) чархлаш;
- г) назорат;
- д) тайёрлов бўлими;
- е) цех материаллари ва заготовкалар омбори;
- ж) оралиқ, асбоб тарқатиш ва бошқа бўлим омборлари.

7. Техник-иктисодий кўрсаткичи бўйича таъмирлаш-механика устахонасининг (жиҳозлар сони, майдони, ишчилар таркиби) ҳисоби.

8. Механика (механика-йиғув) цехининг асосий ўлчамлари (кенглиги, узунлиги, баландлиги) ва умумий майдонини ҳисоби.

9. Бошқарув идора ва майший хоналар майдонининг ҳисоби.

**Лойиҳанинг цех компановкаси қисмida:**

1. Дастроҳлар ва бошқа жиҳозларнинг иш жойлари, ёрдамчи бўлимлар (назорат, чархлаш, омборлар, усталар жойи, таъмирлаш бригадалари жойи) жойлашган ҳолда механика (механика-йиғув) цехини 1:100 миқёсдаги режаси.

Дастгоҳда ишловчи (йиғувчи) ишчининг ишчи жойи режаси.

2. 1:50 миқёсда керакли баландлиги аниқланган ҳолда механика (механик-йиғув) цехини кўндаланг кесими схемаси.

3. Цех бўйлаб асосий деталларнинг ҳаракат графиги.

4. Таъмирлаш-механика бўлими (базаси) ва бошқа ёрдамчи устахоналарнинг жойлашиш режаси.

5. Барча ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бўлимлар, бошқарув-идора ва майший хоналарнинг умумий жойлашиш режаси.

6. Лойиҳанинг қурилиш қисмida асосий маълумотлар бўлиши керак.

### **Синов саволлари**

1. Лойиҳалаш учун топшириқ ўз ичига нималарни олади?
2. Операция картаси нима?
3. Лойиҳанинг технологик ва конструкторлик қисмida нималар ёритилиши керак?
4. Лойиҳанинг умумий ҳисобларини тушунтириб беринг.
5. Лойиҳанинг цех компановкаси қисмida нималарни ҳисобга олинади?
6. Цехни бошқариш масалаларини тушунтиринг?
7. Мосламлар, ишчи асбоблар қайдномаси нима?

## **Таянч сўз ва иборалар**

1. Ривожланиш масалалари.
2. Иқтисодий масалалар.
3. Техник масалалар.
4. Ташкилий масалалар.
5. Куриш учун топширик.
6. Ишлаб чиқариш дастури.
7. Куриш учун худуд.
8. Куриш учун майдон.
9. Корхона таркиби
10. Корхона турлари.
11. Тайёрлов цехлари.
12. Асосий цехлар.
13. Ёрдамчи цехлар.
14. Цехлар синфланиши.
15. Механика цехи таркиби.
16. Цехни лойиҳалашдаги масалалар.
17. Технологик жараён.
18. Технологик жараён масалалари.
19. Ишлаб чиқариш турлари.
20. Оммавий ишлаб чиқариш.
21. Ишни ташкил қилиш шакли.
22. Иш жойини ташкил қилиш.
23. Рационал режалаштириш.
24. Ишлаб чиқариш такти.
25. Жиҳозлар сони.
26. Юкланиш коеффициенти.
27. Ишчилар таркиби.
28. Ишчилар сони.
29. Жиҳозларни режалаштириш.
30. Иш жойларини режалаштириш.
31. Жойлаштириш усуллари.
32. Пролёт ва ўйлаклар.
33. Цех майдони.
34. Цех умумий режаси.
35. Иш жой.
36. Курилиш қисми.
37. Йигув ишлари.
38. Йигув цехи.
39. Келтириш коеффициенти.
40. Йигув цехи таркиби.
41. Йигиш босқичлари.
42. Йигиш вақт меъёри.
43. Умумий йигиш.
44. Махсулот конструкцияси.
45. Йигиш тури ва шакли.
46. Йигиш жараёни.
47. Йигув цехи ишчилари.
48. Йигув цехи жиҳозларини режалаштириш.
49. Гардероблар.
50. Гардероб ўлчамлари
51. Цех лойиҳаси таркиби.
52. Лойиҳанинг технологик қисми.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	3
И БОБ. МАШИНСОЗЛИК КОРХОНАЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ АСОСЛАРИ .....	4
1.1. Асосий масалалар .....	4
1.2. Лойиҳалаш учун топширик .....	4
1.3. Лойиҳалаш босқичлари .....	5
1.4. Корхона куриш учун жой танлаш .....	9
ИИ БОБ. МАШИНСОЗЛИК КОРХОНАСИ ТАРКИБИ .....	11
2.1. Корхона таркиби .....	11
2.2. Тайёрлов цехлари гуруҳи .....	11
2.4. Ёрдамчи цехлар гуруҳи .....	12
ИВ БОБ. МЕХАНИКА ЦЕХЛАРИ .....	14
4.1. Цех таркибини танлашнинг асосий тамоиллари .....	14
4.2. Механика цехларининг синфланиши ва таркиби .....	16
4.3. Механика цехини лойиҳалашда кўриладиган асосий масалалар .....	17
4.4. Ишлаб чиқариш ва технологик жараёнлар .....	17
4.5. Технологик жараённинг асосий масалалари .....	18
4.6. Лойиҳалашда бошланғич маълумотлар ва ишлаб чиқариш дастури .....	18
В БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ .....	20
5.1. Ишлаб чиқариш турлари .....	20
5.2. Мехнатни ташкил қилиш шакллари .....	21
5.3. Иш жойларини ташкил қилиш .....	21
ВИ БОБ. МЕХАНИКА ЦЕХНИ РЕЖАЛАШТИРИШДА ҲИСОБЛАРНИ БАЖАРИШ .....	24
6.1. Ишлаб чиқариш тактини аниқлаш .....	24
6.2. Жиҳозлар сони ва юкланиш коефициентини аниқлаш .....	24
6.3. Узлуксиз ишловчи линиядаги дастгоҳлар сонини аниқлаш .....	28
6.4. Оқим бўйича йиғиш линиясида иш ўрниларини ҳисоблаш .....	31
6.6. Ишчилар таркиби ва сонини аниқлаш .....	33
ВИИ БОБ. ЦЕХНИ РЕЖАЛАШТИРИШ .....	37
7.1. Жиҳозлар ва иш жойларини режалаштириш .....	37
7.2. Цех майдонининг ўлчамларини аниқлаш .....	51
7.3. Цехни умумий режалаштириш .....	52
ВИИИ БОБ. ЙИҒУВ ЦЕХНИ ЛОЙИҲАЛАШ .....	56
8.1. Йиғиш ишларининг ҳажми ва аҳамияти .....	56
8.2. Лойиҳалаш учун бошланғич маълумотлар ва ишлаб чиқариш дастури .....	56
8.3. Йиғув цехи таркиби .....	57
ИХ БОБ. ЙИҒИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ .....	58
9.1. Йиғиш жараёнининг босқичлари .....	58
9.2. Йиғиш ишлари вақтини меъёrlаш .....	60
Х БОБ. ЙИҒИШ ЦЕХИ ЖИҲОЗЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ .....	65
10.1. Йиғиш жараёни элементлари .....	65
10.2. Ишчилар таркиби ва сони .....	69
10.3. Йиғиш цехи жиҳозларини маидонини аниқлаш .....	70
ХИ БОБ. ТРАНСПОРТ ТИЗИМИ .....	73
11.1. Транспорт тизимининг синфланиши ва ишлатилиши .....	73
11.2. Транспорт тизимини лойиҳалашдаги асосий йўналишлар .....	74
11.3. Юк ташиш технологик жараёни ва транспорт алоқалари схемаси .....	75
11.4. Цех ичидаги ва операциялараро транспорт тизими .....	77

11.5. Цех транспортининг турини танлаш.....	77
<b>ХИЙ БОБ. ЦЕХЛАРГА ХИЗМАТ КҮРСАТУВЧИ ХОНАЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ.....</b>	<b>80</b>
12.1. Хизмат хоналари таркиби ва уларни жойлаштириш.....	80
1 2.2. Хизмат хоналари майдонини аниқлаш ва режалаштириш	